

NEW YORK TIMES ФИКРИГА
КЎРА БОЗОРГИР
КИТОБЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ

ЛИЗА БИБЕР



КУНДАЛИК ЎҚИШ

Ҳаётни куч ва иштиёққа
тўлдириш ҳақида

Қадрли дўстлар!

Мен сизлар кучда улғайиб, имонда мустаҳкамланишингизни ҳамда Худо, одамлар ва ўзингиз билан уйғунликда яшаб, хурсанд бўлишингизни астойдил истайман ва бу учун ибодат қиламан. Сиз Унинг Сўзини ўқиб, уни ҳаётингизда эълон қилсангиз ва уни тадбиқ этсангиз – имонда ўсасиз ва кучга эга бўласиз.

Куч – бу даъват ва буйруқдир. Нафақат кучни қандай намоён қилишимиз, қолаверса, уни қаердан олишимиз ҳам муҳим. Бизнинг маданиятимиз, куч ичимизда дунёга келади деб ўргатади, аммо ҳақиқат шундаки, аминлик ва кучнинг асл манбаи – бу Худо.

Сиз кучлисиз, чунки Масиҳда сизга куч, севги ва соғлом онг берилган. Сиз Унинг Сўзининг ҳақиқатида кучлисиз ва ҳақиқат томон интилишда барқарорсиз.

Баланд кўтарилинг ва ўз ҳаётингизда Унинг кучини қидиринг!

Масиҳнинг севгиси билан,

Лиза
LisaBevere@ymail.com



КУЧЛИ

КУНДАЛИК ЎҚИШ

Ҳаётни куч ва иштиёққа
тўлдириш ҳақида

ЛИЗА БИВЕР

Strong Devotions, Uzbek, by Lisa Bevere
© 2025 Messenger International
MessengerInternational.org
Originally published in English as *Strong Devotions*

Additional resources in Uzbek by John and Lisa Bevere
are available for free download and video streaming at
MessengerX.com and on the **MessengerX App**
To contact the Author: LisaBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is
NOT FOR SALE

““Кучли. Кундалик ўқиш” Лиза Бивер, ўзбек тилида
Copyright © 2025 Messenger International
www.MessengerInternational.org

Жон ва Лиза Биверлар томонидан қўшимча манбаларни ўзбек
тилида **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловаси орқали бепул юклаб
олиш ва оқимли эшитиш мумкин.

Муаллифнинг электрон почта манзили: LisaBevere@ymail.com
Бу китоб – “Messenger International” хизматидан совға бўлиб,
СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store Apple Inc.нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган савдо белгисидир.
Google Play ва Google Play логотипи Google LLC.нинг савдо белгиларидир.

МУНДАРИЖА

1-ҚИСМ. *Худода кучли*

1	Кучли бўлиш – бу табиий	2
2	Масиҳда ишончи комил	4
3	Ёлғиз эмас	6
4	Худо томонидан эшитилган	8
5	Бизнинг ҳақиқий истагимиз	10
6	Чанқоғи қонган	12
7	Севги билан тинчлантирилган	14
8	Худо томонидан ҳимояланган	16
9	Сукунатда	18

2-ҚИСМ. *Руҳда кучли*

1	Қўшиқнинг кучи	22
2	Ишончи комил ва билимли.	24
3	Соғлом юрак	26
4	Аёллик табиатини қабул қилиш	28
5	Ўзини тийишнинг кучи.	30
6	Иштиёқли	32
7	Сажда – бу фақат қўшиқ эмас	34
8	Руҳий ҳокимият	36
9	Руҳ бўйича ибодат	38

3-ҚИСМ. Покиликда күүлү

1	Пок	42
2	Садоқатли	44
3	Ташқи ва ички	46
4	Ажойиб яратилган	48
5	Жоний ришталар	50
6	Шифоловчи пушаймон	52
7	Никоҳни ҳурмат қилиш	54
8	Ҳимоя қилинган	56
9	Келин	58

4-ҚИСМ. Ҳақиқатда күүлү

1	Доноликни гапирувчи	62
2	Бир бутун	64
3	Деворлар	66
4	Айланма йўл	68
5	Афсус-надоматлар диёрини тарк этиб	70
6	Суюкли	72
7	Иккинчи тоифали эмас	74
8	Сизнинг бутун севгингиз	76
9	Нурда юриш.	78

5-ҚИСМ. Муносабатларда күүлү

1	Ҳеч қачон рад этилмайдиган	82
2	Низо авжига чиққандаги тинчлик	84
3	Севги қаерга олиб боради	86
4	Ишончли ҳимоя остида.	88

5	Доно дугона	90
6	Адолат Худоси	92
7	Ғийбатлардан узоқда	94
8	Уйғунликда яшовчи	96
9	Художўй жамиятда барқ ураётган	98

6-ҚИСМ. *Курашда кўгли*

1	Сезгир ва огоҳ	102
2	Эркак ва аёл ўртасидаги тинчлик	104
3	Кечиримсизлик кишанлари	106
4	Сизнинг бошпанангиз	108
5	Руҳий жанглار қайнаган жойда	110
6	Қалқонлар ва камон ўқлари.	112
7	Ҳақиқий уруш	114
8	Нурдаги жанг	116
9	Қатъиятга тўла	118

7-ҚИСМ. *Ишлатда кўгли*

1	Сизнинг ўтмишингиз, сизнинг келажагингиз эмас	122
2	Кечирилган	124
3	Меҳрибон	126
4	Ўз-ўзини азоблашнинг ўрнига, ўсиш	128
5	Юракнинг боғи	130
6	Муҳокама қолиплари	132
7	Тан олиш ва қўйиб юбориш	134
8	Нафратдан озод	136
9	Ҳукм қилмасдан.	138

8-ҚИСМ. Ұзини тута билешда курға

1	Тинглай оладиган	142
2	Егуликда нафсини тийган	144
3	Ғазаб – бу табиий ҳол	146
4	Сўзларни тарозига солиб кўра оладиган	148
5	Оқловчи афсусланиш	150
6	Сўзда илдиз отган	152
7	Экиш ва ўриб олиш	154
8	Дам олишнинг кучи	156
9	Худонинг элчиси	158

9-ҚИСМ. Озодликда курғи

1	Гуноҳдан халос бўлган	162
2	Янги юрак	164
3	Иқрор бўлишнинг кучи	166
4	Гуноҳдан халос бўлган	168
5	Ҳаддан ташқари оғриқли бўлганда	170
6	Озодликда турадиган	172
7	Озод	174
8	Янгиланган	176
9	Унга тегишли бўлиш учун халос этилган	178

10-ҚИСМ. Муқаддасликда курғи

1	Бу дунёдан эмас	182
2	Итоаткорлик йўли	184
3	Муқаддасликни қўлга киритган	186
4	Олов билан тозаланган	188

5	Жисмоний рўза	190
6	Юрагини тортиқ қиладиган	192
7	Ўз хочини кўтариб юрадиган	194
8	Худонинг Сўзи	196
9	Барқарорлик	198

Хурага күрү

КУЧЛИ БЎЛИШ – БУ ТАБИЙ

“Худо кучли ва У сизларнинг кучли бўлишингизни хоҳлайди”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 6:10 (THE MESSAGE)

Кучга эришиш йўлига киришдан аввал, келинг, ўз юракларимизда бир нарсага аниқлик киритайлик:

Кучли бўлиш – бу табиий ҳолат.

Масиҳий аёлларни кўпинча кучдан кўра заифлик билан боғлашади. Баъзан дин бизни намоён бўлишга эмас, балки яширинишга ўргатади. Аммо биз заифликка эмас, балки камтарликка даъват этилганмиз. Камтарлик – бу назорат остидаги кучдир. Мусо ҳам, Исо ҳам камтар бўлишган, аммо умуман заиф эмас эдилар. Камтарлар биладилар: уларнинг кучи Худодан келади. Эстер заиф эмас – балки камтар эди. Камтарлар бўйсунувчан, шунинг учун уларнинг кучи юқоридаги кучдан келишини англайдилар. Улар керак бўлганда жанг қилишлари мумкин, лекин кураш учун ваз қидиришмайди.

Куч – бу ўткир дудама қиличдир. У билан вайрон қилиш мумкин, ёки озод қилиш мумкин. Одатда озод қилинишга муҳтож бўлганлардан биринчиси – бу бизнинг ўзимиз.

Ҳаёт куч талаб қилади. Биз қанча ўзоқ яшасак, бу куч бизга шунча кўп керак бўлади. Худосиз дунёда художўй ҳаёт кечириш – осон масала эмас. У биз ёлғизликда қўлга кирита олмайдиган ўша кучни талаб этади. Хайриятки, биз ёлғиз эмасмиз. Нима учун бизнинг ҳар биримиз чорловни қабул қилиб, кучли бўлишимиз кераклигини тушунтирувчи, Эфесликларга мактубнинг оятларига мурожаат қиламиз. Павлус

муносабатлар қандай қурилиши кераклиги ҳақида сўзлаб, кейин қуйидаги сўзларни айтган: “Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва Унинг қудратининг қувватида кучли бўлинглар” (Эфесликларга 6:10).

Муносабатлар кучни талаб қилади. Лекин ҳар сафар, мен ўз кучим билан кимнидир севишга ёки шунчаки кимгадир меҳрибон бўлишга уринганимда, муваффақиятсизликка учрайман. Биз ҳар куни муҳтож бўладиган бу кучни инсоний имкониятлардан ола олмайсиз – улар ниҳоятда чегаралангандир. Мана нима учун биз Раббимизнинг кучи ва қудратига умид боғлаймиз. Бу оят бошқа таржимада шундай жаранглайди: “Худо кучли ва У сизларнинг кучли бўлишларингизни хоҳлайди” (The Message).

Худо бизга куч етишмаслигини билади – шунинг учун У бунимизга ато этади. Довуд Худодан қўрқадиган чўпон бўлган вақтда, у ушбу куч манбаига қўшилган эди. Бизнинг Худойимиз ҳамма нарсага қодир ва У бизга қудрат беради. Бизнинг Отамизнинг кучи ҳамма нарсага этади ва У Ўз қизларига куч ато этади. Худода сизнинг ҳаётингиз учун режа бор, шайтонда эса – сизни Худонинг режасидан ўчириб ташлаш учун қийноқлар бор. Ёдда тутиш керак: шайтон қоида бўйича ўйнамайди. Сиз Худонинг қизига айланиб, Худонинг Муқаддас Рухи томонидан белгиландингиз ва душманнинг эътиборига тушдингиз. Қайта туғилгангизга қадар сиз унинг қули эдингиз, энди – сиз унинг мақсадисиз. Аммо биз ҳақиқий куч манбаимизга қўшилганимиз заҳоти, қуролланиш вақти келади. “Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларига бурканинглар” (Эфесликларга 6:11).

Самовий Ота, Сенинг кучинг учун ва мени кучли
қўришни хоҳлаётганинг учун Сендан миннатдорман.

Мен Сенинг режангни амалга ошириш учун Сенинг
ҳамма қурол-аслаҳаларингга бурканаман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ МЕНИНГ КУЧИМНИНГ МАНБАИ – ХУДОДИР.

МАСИҲДА ИШОНЧИ КОМИЛ

“Ўшанда адолат шу саҳрода ўрнашади ва ҳақлик серҳосил далада яшайди. Ҳақликнинг иши тинчлик бўлади ва ҳақликнинг ҳосили – абадий осойишталик ва хавфсизлик бўлади”.

ИШАЪЁ 32:16, 17

С из ўзига ишончи комил аёл ҳақида эшитганингизда, ҳаёлингизга қандай тасвир келади? Атрофга – дўконлар пештахталари, ойнаижаҳон экрани, журналлар саҳифаларига назар ташлаб – биз доимо жамият томонидан мажбуран қабул қилдирилган ўзига ишончи комил аёлнинг қолипини кўрамиз. У кучли таассурот қолдирадиган ва вазмин, унинг лабларида ғолибона табассум ўйнайди, унга ҳамма жойда завқланган нигоҳлар ҳамроҳлик қилади. Гўёки бизга: ўзига ишончи комилликни – атир-упа, кийим-кечак ёки кулранг “бунгача” дан, ёрқин “кейин”гача олиб ўтадиган юқори мақомли ўйинчоқлар кўринишида сотиб олиш мумкинлигини ўқтирадилар. Аммо узоқ муддатли келажакда ишончи комилликни ташқи кўринишда ёки ютуқларда қуриш – бефойдадир. Расмингиз қанча “ёқтириш” белгиси йиғмасин, қанча ҳайратга соладиган изоҳлар бўлмасин – барчаси етарли эмасдек туюлади, биз ҳеч қачон ички яхлитликни ҳис қилмаймиз. Сизни ишонтириб айтаманки, бизни тўлдириш учун кунига миллионта “ёқтириш” белгиси (лайк) ҳам етарли эмас.

Агар биз ўз қадриятимизни машҳурликда ёки жозибадорликда

қидирсак, бизга бошқаларнинг маъқуллаши доимий равишда зарур бўлади. Ўшанда бошқа аёллар билан турли солиштиришлар, бошқаларнинг турли фикрлари бизнинг ишончи комиллигимизни заифлаштиради, ўзимизга бўлган баҳомиз эса доимо азоб чекади. Лекин бошқа йўл бор. Бизнинг Шахзодамиз бор, У Унинг олдига келадиган аёлларга, ичкаридан чиқадиган гўзалликни ато қилишга доим тайёрдир.

У бизга тўхфа қиладиган ишончи комиллик шу қадар теранки, уни на ташқи ютуқлар, на муваффақиятсизликлар тебрата олмайди. Бу чиройли пештахталар ёки юқори мақомли безаклардан ҳам ортиқроқдир. Бу бизни билишлари ва бутун қалблари билан севишларини англаб етишдан келиб чиқадиган юракнинг порлашидир. Аёл шу қадар севилганида – бунини яширишнинг иложи йўқ, чунки у севги билан порлайди. Исо Масиҳ бизни Ўзининг инояти билан дуо қилди. Биз тўлиқликни бошқа жойдан изламаслигимиз учун Унинг севгиси биз учун бутун тўлиқлигимиз бўлишига имкон бериш вақти келди. Қалбимизнинг “бунгача ва кейин”ги ҳолатига назар солиш вақти келди. Масиҳ биз учун нима қилганини баҳолаш ва ўз ишончи комиллигимизни ушбу пойдеворда қуриш вақти келди. Унинг севгиси сўнмайди. Унинг ҳар биримизга бўлган меҳрибон ғамхўрлиги ўзгармас бўлиб қолади – токи биз Унинг севгисида гуллаб-яшнайлик.

Раббий, мени ҳар кунини янгилаётганинг,
поклаётганинг ва мени Ўзинг хоҳлаган аёлга
айлантирганинг учун Сендан миннатдорман. Сенинг
қутқарувчи иноятингга ишончим комил.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕНДАГИ АМИНЛИКНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МАНБАИ – ИСОДАДИР.

ЁЛҒИЗ ЭМАС

“Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келган эмас. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради”.

1-КОРИНФЛИКЛАРГА 10:13

Тарчи мен сизларнинг юзларингизни ҳеч қачон кўрмасам ва исмларингизни билмасам ҳам, биз бир-биримиздан унчалик ҳам фарқ қилмаслигимизга аминман. Ҳатто ҳаёт давомида дуч келадиган синовларимиз ҳам кўпинча жуда ўхшашдир. Коринфликларга мактубида, бизга қандай синовлар тайёрлаб қўйилган бўлмасин – бу синовлардан биринчи бўлиб ўтмаётганимиз эслатиб ўтилган. Биз ҳаётий жанглarda ҳам, ғалабаларда ҳам ёлғиз эмасмиз. Аммо жонларимизнинг душмани бўлган шайтон бунинг аксига ишонтиришни яхши кўради. У бизни айиради ва бунда ҳар биримизни айблаб: “Фақат сен билан шундай нарса содир бўлди. Сендан ёмонроқ одам йўқ!” – деб пичирлайди. Мен буни аниқ биламан, чунки у бу ёлғонларни менинг қулоғимга ҳам пичирлаган.

Худонинг ваъдалари ва Унинг Сўзи ҳақида гап кетганда, У ҳеч қачон ажратиб кўрсатмайди. У Унинг олдига очиқ ва камтар юрак билан келган ҳар бир кишини қабул қилади. Бу ўзини ҳамма нарсада ҳақ деб ҳисобловчи баландпарвоз ва ўзбошимча одамларга тааллуқли эмас. Худо айниқса, ўз кучи билан курашишдан чарчаган ҳолатда Унинг олдига келганларга яқиндир. У ҳолдан тойган ва эзилганларни кўтаради ҳамда уларни: “Агар сизлардан

бирортангизга донолик етишмаса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади” – дея чорлайди (Ёқуб 1:5).

Жуда кўп муносиб аёллар ўзларини ёлғиз, бошқалардан узилган ҳис қиладилар. Биз ўз курашимизда бирлашганимиздек, ўз кучимизда ҳам бирлашишимиз мумкинлигини англаш вақти келди. Агар ҳозир ўзингизни ёлғиз ва айбланаётгандек ҳис қиляётган бўлсангиз – бу ёлғон. Сиз ёлғиз эмассиз. Раббий – айбловчи эмас, балки сизни қайта сотиб олувчингиздир.

Мана нима учун жамоат нақадар муҳим ва бу кўпгина сабаблардан бири холос. Биз бугун бошимиздан кечиляётган қийинчиликларни, аллақачон енгиб ўтган бошқа одамлар билан мулоқот қилиш – бизни имонда мустаҳкамлайди. Бизнинг имонимиз ўсади ва Худо уларга қандай содиқ бўлган бўлса, бизга ҳам худди шундай содиқлигига умид қиламиз. Мен сизларни ишонтираманки:

Худо сиздан хафа эмас.

У сизни айбламайди.

У сизга ёрдам беришни хоҳлайди.

Ва сиз ёлғиз эмассиз.

Ота, мен ёлғиз эмаслигим ва Сен мени айблалаётганинг учун Сени улуғлайман. Ўзингнинг шифоловчи ҳузуригга

қабул қиляётганинг учун Сендан миннатдорман.

Мен шифо топгач, бошқаларга далда бериш учун, албатта, ўз йўлим ҳақида сўзлаб бераман.

Мен кузгидан

ЧУНКИ МЕН ЁЛҒИЗ ЭМАСМАН. РАББИЙ – АЙБЛОВЧИ
ЭМАС, БАЛКИ ҚАЙТА СОТИБ ОЛУВЧИМДИР.

ХУДО ТОМОНИДАН ЭШИТИЛГАН

*“Аммо Худо эшитди, менинг ибодатимнинг
овозига қулоқ солди”.*

САНОЛАР 65:19

Кўпгина ёш болали ота-оналар сизга шундай дейди: баъзан бизнинг қимматбаҳо, ширин ва ажойиб фариштачаларимиз, ўзиникига эришиш учун муштлашишади, урушишади ёки хархаша қилишади. (Агар самимий бўлсак – баъзида биз ҳам худди шундай қиламиз.) Икки ёшли жанжалкаш билан баҳс авжига чиққанда, унинг олдида таслим бўлиш васвасаси пайдо бўлиши мумкин: болага хоҳлаган нарсасини бериш ва унга бу курашда ғалаба қозонишга имкон бериш васвасаси. Бундай йўл тутиб, катта одам, кейинроқ бутун урушда ғалаба қозонишга умид қилади, аммо бунинг нархи анча юқори бўлиши ҳақида ўйламайди. Хархашаларга эрк бериб, биз фақат ёмон хулқ-атвори мустаҳкамлаймиз ва охир-оқибат, бу сизга қарши чиқади. Натижада, бола учун қош қўяман деб, кўз чиқариб қўясиз. Худо, яъни бизнинг Самовий Отамиз – энг доно ота-онадир. У бизнинг кўз ёшларимиз ва талабларимиз анча қимматли нарсага – бизнинг хулқ-атворимизга таҳдид солиши мумкинлигини билади.

Мен ҳам истаганимга эришиш учун хархаша қилган ҳолатим бўлганини тан оламан. Мен нолиганман ва: “Ё, Худо, нимага уларда бу бор, менда эса йўқ?” – деб шикоят қилганман. Ёки: “Ё, Худо, улар ноҳақ, менинг ҳақлигимни эса биласан – уларга

буни кўрсат!” – деганман. Айниқса, бу фикрлар эрим ёки бошқа масиҳийлар билан баҳсларда пайдо бўларди. Худо уларнинг ибодатларини тўхтатиб, менинг қанчалик ҳақ эканимни уларга айтишини тасаввур қилар эдим. Албатта, мен ҳеч қачон бу ибодатларга жавоб олмаганман ва бу учун Ундан жуда миннатдорман. Ахир, Худо биз хоҳлаган нарсани эмас, балки ҳақиқатан бизга керакли нарсани беради.

Ибодат жавобсиз қолиши мумкин бўлган кўплаб сабаблар мавжуд – лекин бу Худо эшитмаётгани учун содир бўлмайди. Ҳатто биз ўша лаҳзада буни тушунмасак-да, У ҳар доим юқорида манфаатни кўзлаб, бизнинг ўсишимизга ёрдам беради. Бизнинг ибодатимиз юракданми ёки майда худбин истаклардан келиб чиқадими – У ҳар доим бизга нима кераклигини аниқ билади. У абадий мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракат қилади. Мен имонда улғайиб, ўзимни ва бошқаларни Худонинг қўлларига ишониб топширишни ўргандим, қолаверса Унинг ҳақлиги менинг маслаҳатларимсиз ҳам тантана қилади. Худо бизни доим эшитишига ва ҳаётимизда Ўзининг мукаммал ҳукмронлигини намоён қилиб, жавоб беришига амин бўлишимиз мумкин.

Раббий, мен гапирганимда, Сен илтифот билан
эшитаётганинг ҳамда Ўз ироданг ва донолигинг билан
жавоб бераётганинг учун Сендан миннатдорман.
Менинг келажагим Сенинг қўлларингда ишончлидир.

Мен кўзлимдан

ЧУНКИ МЕНГА КЕЛАЖАКДА НИМА
ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИЛГАНИНИ БИЛАДИГАН
ШАХСНИНГ ҚЎЛЛАРИДАМАН.

БИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИСТАГИМИЗ

“Кўзларимни тоғларга кўтараман, менга ёрдам ўша ердан келади. Менга ёрдам – еру осмонни яратган Раббийдандир”.

САНОЛАР 120:1, 2

Хар бир инсон ўзини рўёбга чиқаришга интилади. Баъзилар учун бу пул, ҳокимият ёки дунёвий муваффақият, бошқалар учун – севги, жинсий алоқа ёки маъқулланишдир. Бу яна, эзгу ишлар – яъни одамларга ёрдам бериш ёки адолат учун курашиш бўлиши ҳам мумкин. Лекин биз ўз тақдиримизни Худодан ташқарида изласак, бизни муқаррар ҳафсаласи пирлик кутади. Тўғри нарсаларни нотўғри жойдан қидириш бефойда.

Биз нигоҳларимизни осмонга кўтаришимиз керак, чунки бизнинг ёрдамимиз Яратувчидан келади. Фақатгина ўша жойда, бизни тўлдирувчи манба ва тақдиримизни рўёбга чиқаришга олиб боровчи мақсадни топамиз. Ачинарли ҳақиқат шундаки, агар биз ўжарлик билан шахсий истакларимизга ёпишиб олсак, У бизни тўхтатиб қолмайди. У Одам Ато ва Ҳаввани Адан боғида мевани узиб олишдан тўхтатмагани каби, Худо бизни ўз интилишларимиздан тутиб турмайди. У бизнинг ҳақиқий истагимизга айланишни хоҳлайди, лекин ҳатто бу оғриққа юз тутса ҳам, бизга танлов эркинлигини беради. Павлус инсоният ҳақида шундай деб ёзган: “Улар ўз идрокларида Худога эга бўлишга ҳаракат қилмаганлари учун, Худо уларни бузуқ онгга, ярамас ишлар қилишга топширди” (Римликларга 1:28).

Биз депсиниб, ўжарлик билан талаб қилиб: “Йўқ, мен ўзим хоҳлаган нарсани хоҳлайман” – деганимизда, Худо чекинади ва биз қаттиқ туриб олган нарсани олишимизга рўхсат беради. Фақат вақт ўтиши билан, биз шунчалик эришишни истаган нарса, бизга хурсандчилик келтирмаганини пайқаймиз.

Худо бизни жазолашни ёки асирликда ушлаб туришни асло хоҳламайди. У бизни таклиф қилади, У бизни Ўзига чақиради: “Ўшанда келинлар ва ўйлаб кўрамиз, – дейди Раббий, – агар гуноҳларингиз қирмизидек бўлса, қордек оппоқ қиламан, агар қип-қизил бўлса, жунни оқартиргандек оқартираман. Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар” (Ишаё 1:18, 19).

Шундай экан, келинг, ўз юракларимизни итоаткорлик ва Унинг иродасини бажариш истагига тўлдириб, Худога қайтиб борайлик, Унга куч ва қўллаб-қувватлаш манбаи сифатида мурожаат қилайлик.

Самовий Ота, худосиз нарсаларда ҳаётни
қидирганим учун, мени кечир. Менинг ҳақиқий
ҳаёт ва қўллаб-қувватлаш манбаим – Сендадир.
Юрагимни тозалагин ҳамда унда итоаткорлик ва
Сенга чанқоқликни ўстиришга ёрдам бергин.

Мен кўглиман

ЧУНКИ ОСМОН ВА ЕРНИНГ ЯРАТУВЧИСИ
МЕНИ ШУ ТАРЗДА ЯРАТДИ!

ЧАНҚОҒИ ҚОНГАН

“Менинг жоним ёғ ва мойдан тўяди ва оғзим Сенга қувончли сўзлар билан ҳамду сано куйлайди – Сен ҳақингда тўшагимда эслаганимда, тунги бедорлигимда Сен ҳақингда ўйлаганимда. Чунки Сен менинг мададимсан ва мен Сенинг қанотларинг соясида қувонаман! Менинг кўнглим Сенга боғланди, Сенинг ўнг қўлинг мени қувватлайди”.

САНОЛАР 62:6-9

С изни зиёфатга таклиф қилишган вақтни эсланг, дастурхон турли ноз-неъматлар билан лиқ тўла, лекин сиз мулоҳазакорлик (одоб) сақладингиз. Егуликдан завқландингиз ва тўйдингиз, лекин бўкиб қолмадингиз. Зиёфатдан сўнг кечаси ухлаб, оғирлик ёки ноқулайликни ҳис қилмадингиз – фақат тўйганлик ва яхши дам берадиган қониқишни ҳис қилдингиз.

Бундай қониқиш ҳиссини нафақат тана, балки жон ҳам бошдан кечириши мумкин. Биз Довудга ўхшаб тўшақда ётиб, Худонинг ҳақлигини ёдга олишимиз мумкин – ёки ўз юкларимиз ва муваффақиятсизликларимизни ёдга олишимиз мумкин. Биз Отамизнинг мўъжизалари ҳақида ўйлаб, онгимизни тинчлантиришимиз зарур. Ўз қанотлари билан болаларини ҳар қандай кулфатлардан пана қилувчи қудратли қушни тасаввур қилинг-а. (Бундан буён Юпатувчимни айнан шундай кўраман!)

Ўшанда уйқу бизга дам ва қайта тикланиш тўхфа қилади. Бизнинг юрагимиз ушбу миннатдорчилик ва илтифот муҳитида, ҳаётимиздаги Раббийнинг ёрдами ва ҳимоясини куйлайди. Ҳар бир кун Унинг шарафига, байрамга айланиши мумкин.

Туш – бу улкан жумбоқ. Бу биз айниқса, ҳимоясиз бўлган

вақтдир: онг ўчади ва биз гўёки бир неча соатга воқелиқдан ғойиб бўламиз. Бизнинг кўпчилигимиз болалигимизда ҳозиргидан кўра қаттиқроқ ухлаганмиз. Болалар мамнун ва беташвиш бўлиб, куннинг ташвишларини осонгина унутишади, туннинг қучоғига осонгина таслим бўлишади. Катталар эса йиллар ўтгани сари, куннинг югур-югурини туннинг осойишталигидан ажратиши қийинлашади. Биз кўпинча керак бўлмаган нарсаларни ўзимиз билан тўшакка олиб борамиз. Оқибатда, хавотирлар ва қўрқувлар тонг отгунча биз билан қолади, биз эса кеча кечқурундан кўра янада чарчаган ҳолда ўйғонамиз.

Агар мен уйқу олдидан ташвишли фикрлар айланишига йўл қўйсам, ҳеч қачон яхши ухламаслигимни пайқадим. Тун – бу кўзларни юмиб, ўтган кунни қўйиб юбориш ва ўз юрагини Худога очиш керак бўлган вақтдир. Санолар 126:2да: “Раббий эса Ўзининг севимлисига уйқу беради” – дейилган. Эътибор беринг: бу ерда кунни тўғри ўтказган бенуқсон одамларга уйқу берилади, деб айтилмаган. У Ўзининг севимли фарзандларига уйқу беради, сиз эса ўша фарзандларсиз. Мен Худонинг эзгулиги ва ҳимояси сизни бугун тунда мулоимлик билан, қай тарзда ўраб турганини тасаввур қилишингизни хоҳлайман. Агар сиз ўзингизга Худога тўлиқ ишонишга рухсат берсангиз, ишончим комилки, тонгда ўйғонганингизда юрагингизда ибодат қўшиғи янграйди.

Раббий, мен ҳар кеча яшаб ўтилган куннинг
номуқаммаллигини қўйиб юбораман ва ўзимни Сенинг
бенуқсон севгинг ҳақидаги фикрлар билан тўлдираман.
Сен мени севасан, чунки Сен – севгининг ўзисан. Менга
уйқу бераётганинг учун Сендан миннатдорман.

Мен кузгидан

ЧУНКИ ХУДОНИНГ ЭЗГУЛИГИ ҲАҚИДА ФИКР
ЮРИТАМАН ВА МЕНИНГ ЖОНИМ ОРОМ ТОПАДИ.

СЕВГИ БИЛАН ТИНЧЛАНТИРИЛГАН

“Раббий Худойинг сенинг орангдадир, сенга мадад берадиган жангчи Ўшадир. У сен ҳақингда қувониб хурсандчилик қилади, Ўз севгисида юшоқ бўлади, сен ҳақингда шодлик билан тантана қилади”.

ЗЕФАНИЯҲ 3:17

Кўпчилигимиз жинсий даҳшатни бошдан кечирамиз. Бошқалар даҳшатли муносабатларда яшайдилар. Яна кимдир молиявий даҳшатни сезади. Мен кўпинча, даҳшатни энгишнинг энг яхши усули — бу орзу қилишни бошлаш деган хулосага келдим.

Менинг болаларим ярим тунда қўрқиб, бетоб ёки ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ҳолда ўйғонганларида, тинчитиш учун уларни бағримга босардим. Баъзида уларни қўлларимда тебратардим, баъзида ёнида ётардим. Агар вақт кеч бўлиб қолган, эрим эса сафарда бўлса, шунчаки уларни ўз ётоғимга олиб кетардим. Нима учун? Чунки мен уларнинг ёнида эканимни билишларини хоҳлардим. Улар менинг қучоғимда ётиб, ўз қўрқувлари ҳақида менга сўзлаб беришар, мен эса уларнинг сочларини силар эдим. Мен уларга Худонинг ва ўзимнинг севгим ҳақидаги сўзларни шивирлардим, Худо доим ёнида эканини ва доимо уларни асрашини эслатардим. Уларнинг нафас олиши бир маромда бўлмагунича ва улар яна ухлаб қолишганини билмагунимча, алла айтиб берардим.

Она ўз фарзандининг қўрқувига билдирган ўша мулоим муносабат Худонинг юрагидан чиқади. Бу акс-садо холос, бу Ундаги бизни юпатиш истагининг сокин жарангидир. Бизга оғриқли бўлганда, муваффақиятсизликка учраганимизда, бизни қўрқув қамраб олганида — биз қаттиқ қўрқамиз, Худо биз Унга яқинлашишимизни ва ҳеч қачон Ундан узоқлашмаслигимизни хоҳлайди. У бизни Ўзининг фарзандлари

сифатида, севги ҳукмронлик қилувчи Ўз қучоғининг ҳимояси остига чорлайди. Ўша жойда, Унинг ҳузурининг сукунатида, бизга юракка енгиллик ва оромни қайтарувчи гўзал тасвирларни беради.

Менга Ўз қизи яна уйқуга кетиб, дам олиши ва шифоланиши учун уни мулойимлик билан тебратаётган меҳрибон Ота тасвири яқин. Сизнинг Худо-Отангиз, сиз учун қуйидагиларни қилишни хоҳлаётганига бутун қалбим билан ишонаман:

- Ўз бағрига босмоқчи
- Сиздан айб ва уят изларини ювмоқчи
- Қўрқувларингизни ҳақиқат нури билан ёритиб, уларни тарқатиб юбормоқчи
- Сизга умид бағишлаб, келажакни очмоқчи
- Ичингизда бўрон тинчимагунича сизни тебратмоқчи
- Сизга тинчликни қайтармоқчи
- Юрагингизда умидларни қайта ёқмоқчи

Худо – узоқ ва яқинлашиб бўлмайдиган Шахс эмас. У яқин ва ёрдамга келишга тайёр. У бизни Ўзининг буюк кучи билан қутқаради. Биз қўрқувдан ёки ожизликдан йиғлаганимизда, У ғазабланмайди. Онага боласини юпатиш қувонч келтирганидек, Унга ҳам Ўз болаларини юпатиш қувонч олиб келади. Лекин она юпанчининг чегараси бўлса-да, Худонинг юпанчи, Унинг севгиси каби чексиздир. У бизга куйлаганида, Худо феъл-атворининг теранлиги бизни тинчлантиради. Уни чақиринг – У яқинлашади ва ўзингиз уддалашга қурбингиз етмайдиган ўша бўронларни тинчитади.

Самовий Ота, мен Зефаниах китобидаги ваъдага ишонган ҳолда Сенга яқинлашаман: Сен менинг ёнимдасан ва мени Ўз севгинг билан тинчлантирасан. Бу ҳақидаги ширин ҳаёллар йўлимда турадиган ҳар қандай даҳшатдан кучлироқдир. Мен ўзимни, Сенинг бағрингда ором олишга топшираман.

Мен куйлайман

ЧУНКИ ҲАММА НАРСАГА ҚОДИР ШАХС ЁНИМДА,
У ТЕПАМДА КУЙЛАЙДИ ВА ЖОНИМНИ ЎЗИНИНГ
СЕВГИСИ БИЛАН ТИНЧЛАНТИРАДИ.

ХУДО ТОМОНИДАН ҲИМОЯЛАНГАН

“Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир”.

ҲИКМАТЛАР 4:23

Уйингиздаги қандай буюм энг қадрли? Агар уни ўғирлаб кетишганда ёки у йўқолиб қолганда, нима бўлган бўларди? Эҳтимол, сиз жамғарма пул ёки суғурта ёрдамида, бу нарсани ўрнига қўя олишингиз мумкин. Ҳа, бу ёқимсиз, серташвишли бўларди, лекин бу фожеага айланмаган бўларди. Уйингиздаги буюмлардан қайси бири сизга ҳиссий жиҳатдан энг кўп қадрлироқ? Менда бўлгани каби, бу эски фото суратлар албоми ёки хотиралар билан боғлиқ бошқа буюм бўлиши мумкин. Агар бундай нарса йўқолса, уни ўрнига қўйиш деярли имконсиз – фақат унинг йўқолганини тан олишгина қолади, холос. Бундай вазиятда сизга оғриқли бўлган, лекин ҳаёт давом этган бўларди. Лекин ҳақиқат мана нимада: агар ўғри уйингизга бостириб кириб, моддий ва ҳиссий қимматга эга бўлган барча нарсани ўғирлаб кетган бўлганида ҳам, у барибир энг қимматбаҳо хазинани – сизнинг юрагингизни ўғирлаб кетолмаган бўларди.

Аслини олганда, сиз ўзингиз юракни кимгадир ёки уни ушлаб туришга қодир бўлган бирор нарсага боғлаганингиздагина, у ўғирланган бўлиши мумкин. Ана ўшанда йўқотиш ҳақиқатан ҳам оғриқли бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун Худо бизга, Уни бутун юрагимиз билан севишни буюради – чунки юракларимиз фақат Унинг қўлларида хавфсизликда бўлади. Сизнинг юрагингиз ёки, – Муқаддас Китобнинг таржималаридан бирида айтилганидек, – сизнинг

муҳаббатингиз – “ҳаётингиздаги қолган барча нарсаларга таъсир кўрсатиш” кучига эга (Ҳикматлар 4:23, Тирик Муқаддас Китоб).

Юрагимизни асрашга даъват этувчи оят ҳам, юракни булоқ – теваарак-атрофдаги ҳамма нарсани ҳаётбахш намлик билан таъминлайдиган тоза, янги, хавфсиз сув манбаи сифатида таърифланади. Дарҳақиқат, булоқ уни ўраб турган ҳамма нарсага таъсир кўрсатади. Қоидага кўра, ижтимоий ва моддий маданият тараққиётининг муайян босқичлари айнан сув манбалари бўйида юзага келгани бежиз эмас. Қурғоқ жойлардаги булоқ, том маънода ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегарани англатади. Агар манба ифлосланса ёки чуқур сувлардан ўзилиб қолса, бутун атрофдаги манзара ҳам ўзгаради. Аста-секин ҳамма нарса қурийдиган ва нобуд бўлади. Шунинг учун булоқни назорат қилиб туриш керак. Уни муҳофаза қилиш, унга қараш, ифлосланишга йўл қўймаслик ва чуқур сув манбалари билан алоқасини таъминлаш керак.

Биз ўз юрагимизни, худди у – бутун ҳаётимиз учун жонлантирадиган сув манбаи сифатида эҳтиёт қиламиз. Биз уни алам ва хафагарчиликлардан ҳимоя қилиб, унинг ифлосланишига йўл қўймаймиз. Биз ибодат ва ҳамду санолар орқали ҳақиқий Манба билан алоқани сақлаган ҳолда, уларнинг қуриб кетишига йўл қўймаймиз. Биз ўз юракларимизни ёлғон тобеликлардан ҳимоя қилиб, уларни ўғирлашга қодир бўлган, бу дунёнинг ўткинчи нарсаларнинг ихтиёрига бериб қўймаймиз. Сиз Исо буюрганидек, “Раббий Худойингни бутун юрагинг, бутун жонинг ва бутун онгинг билан” севиб, ўз юрагингизни ардоқлаганингизда, У сизни хавфсизликда сақлайди ва сизга гуллаб-яшнаш ато қилади (Матто 22:37).

Раббий, менга бутун юрагимни, қай тарзда
батамом Сенга беришни ва уни қандай ишончли
сақлашни кўрсатгин. Мен Сенинг паноҳинг
остида бутунлай бехатар эканимни биламан.

Мен кўчман

ЧУНКИ ЮРАГИМИНИНГ БУЛОҒИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛАМАН.

СУКУНАТДА

“Тўхтанглар ва англаб олинглар: Мен – Худоман”.

САНОЛАР 45:11

Бугун ухлашдан олдин кичик бир тажриба ўтказишга уриниб кўринг. Одатий кечги машғулотларингиз орасида, шунчаки тинчликда ётиб, Худога юракни очиш учун вақт ажратинг. Буни Унга сажда қилиш ва Уни сукутда таниб-билиш учун таклифнома сифатида қабул қилинг. Унга ўз ҳаётингизда – қувонч ва қайғуларда, турмуш бўронлари ёки иккиланиб қолганда, Ўзини намоён қилишига имкон бериб, Унинг илоҳий табиатини таниб-билинг. Сизни уйқу босишидан аввал, У сизга севги сўзларини пичирлашни хоҳлайди.

Тўлиқ тинчликда бўлинг – ва шунчаки тингланг. Агар сиз тўқнашувга дуч келсангиз, ўзингизни оқлашга уринманг. Жим бўлинг ва бу сукутда Худонинг гапиришига рухсат беринг. Сиз ҳақлигингизни исботлашни бас қилганингиздагина, Уни эшитасиз.

Ибодат ва тинчлик ҳолати (медитация) биз нимани гапиришимиздан кўра, нимани эшитишимиз билан кўпроқ боғлиқ. Биз ибодат ҳақида ўйлаганимизда, кўпинча уни биздан чиқадиган нарса деб тасаввур қиламиз – биз сўзларни гапираемиз, Худонинг қаршисида юрагимизни тўкиб солаемиз, Унга ўз илтимосларимизни қаратамиз. Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо ибодат бу билан тугамайди. Юрагимиз нимага ташна экани ҳақида Худодан сўраш вақти бор. Унга илтижо қилиб, адолат кўрсатишини ўтиниб сўраш вақти бор. Аммо сўзларимизнинг жўш урган дарёлари бизни ҳақиқатан тозалашга қурби етмайди. Улар бизнинг

нуқтаи-назаримизни ифодалайди, холос. Менинг фикрларим-нинг шиддатли оқими, унда покланишни излаш учун ниҳоятда лойқа ва нотинчдир. У фақат чалкаштиради, пастдаги лойқани кўтаради ва шубҳалар пардаси билан қоплаб олади. Идрок этиш чуқурликдан – янгиланиш берувчи ҳамда айб ва уятни олиб кетувчи пок сувлардан келади.

Тўхтанг. Танаффус қилинг. Худо сизга нима деяётганини эшитиш учун вақт олинг. Агар куннинг охирида сизни ташвишлар ва хавотирли фикрлар қопласа, улар сизнинг кучингизни сарф қилишига ва осойишталигингизни бўзишига йўл қўйманг. Тўшакда ётганингизда, куннинг руҳий зарбалари ва муваффақиятсизликлари ҳақида қайта ва қайта ўйламанг. Бунинг ўрнига ҳақиқий тинчланиш берадиган Шахс билан бўлиш учун бир дақиқалик осойишталикдан фойдаланинг. Фақатгина У сиз ухлаётганингизда, фикрлар юкидан озод қилиш ва қалбингизни осойишталик билан тўлдиришга қодир. Эрталаб ўйғонганингизда, қуйидагини кўрасиз: “Раббийнинг шафқати тўфайли бизлар йўқ бўлиб кетмадик, зеро Унинг раҳмдиллиги тугаган эмас, у ҳар тонгда янгиланади. Сенинг садоқатинг буюкдир!” (Йермияҳнинг йиғиси 3:22, 23).

Ота, мен уйқуга кетганимда, қалбимни тинчлантиргин ва юрагимга мурожаат қилгин. Фақатгина сен югураётган фикрларимни тўхтатишга қодирсан. Менинг ўйғонишимга тайёрлаб қўйган янги раҳм-шафқатлар учун миннатдорчилик сифатида Сенга ушбу куннинг сўнги онларини бағишлайман.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕН РАББИМНИНГ ҚАРШИСИДА
ТИНЧ ВА ХОТИРЖАММАН.

Рухга
күрү

ҚЎШИҚНИНГ КУЧИ

“Раббийга янги қўшиқ кўйланглар, чунки У мўъжизалар яратди. Унинг қўли ва Унинг муқаддас билаги Унга ғалаба келтирди”.

САНОЛАР 97:1

Севги ва мусиқа ўртасида ажойиб, ҳақиқий илоҳий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини очиб беради, кучайтиради ва тўлдиради. Мусиқа бизни ўзга ўлчамларга ўтказиш қобилиятига эга. Мусиқага сингиб кетган сўзлар юрагимизнинг шундай бурчакларига тегадики, у ерга бошқа ҳеч нарса кира олмайди. Ҳар биримиз ҳеч бўлмаса бир марта қўшиқ таъсири остида улкан қувонч ҳолатини бошимиздан кечирганмиз ёки чуқур қайғуга шўнғиганмиз.

Мусиқа – Худога бўлган севгимизни ўйғотишнинг энг муҳим калитларидан биридир, чунки у бизни ҳозирги воқеликдан ташқарига – тўғри Худонинг ҳузурига олиб кетиши мумкин. У энг самимий, чуқур ҳис-туйғуларни юзага кўтаради ва бизни Худонинг юрагига яқинлаштиради. Ҳис-туйғулар чўлғаб олганда ва сўзлар етарли бўлмаганда, у биз учун гапирadi.

Мусиқада мойланиш борлигини билармидингиз? Шунинг учун уни ақл билан танлаш зарур. Эски Аҳдда кўпинча мойланиш подшоҳ, руҳоний ёки пайғамбарнинг устига мой қуйиш билан ўтган. Бу Худо Руҳининг кўринарли, сезиларли ифодаси бўлган. Янги Аҳдда мойланиш юрагимизда Муқаддас Руҳнинг ва Масиҳни намоён қилиш учун бизда ҳаракат қиладиган Унинг кучининг рамзи. Айнан Муқаддас Руҳ бизни Худонинг ҳузурига жалб қилувчи тақводор, мойланган мусиқага куч бағишлайди. Баъзида сажда пайти, Худонинг ҳузурини ҳис қилиш бутунлай

мени қамраб олган. Бундай пайтларда, гарчи мен Уни кўзларим билан кўрмасамда, У менинг бутун борлиғимни тўлдираётгандек туюлади. Мен Унинг ҳузурида ўзимни тўлиқ бехатар ва чинакам суюкли ҳис қиладим.

Муסיқа бизни ҳиссий жиҳатдан ўзга муҳитга кўчириб ўтказиш кучига эга ва шунинг учун у бизни бошлаб борадиган жойларни танлаш ўта муҳим. Агар сиз покликда яшашга интилангиз, бошқа томонга бошлаб борувчи ҳар қандай таъсирлардан эҳтиёт бўлинг. Муסיқа осонликча илк ҳимоя чизигингизни четлаб ўтади ва ҳатто, сиз буни ҳоҳлаган бўлмасангиз-да, тўғридан-тўғри онгга суқилиб киради. Сиз билан шундай нарсa бўлганми, сиз қўшиқнинг сўзларини айтмайсиз, лекин улар сизнинг миянгизда хиралик билан айланишда давом этади? Ҳаммамиз ушбу иборани кўп бора эшитганмиз: “Қўшиқ миямда ўтириб қолди, ундан халос бўлолмаяпман!”

Шунинг учун нопок қўшиқларни самовий қўшиқлар билан алмаштиринг. Ерлик муסיқаларнинг ҳаммаси ҳам ёмон эмас, лекин уларнинг ҳар бири ҳам сизни Худога яқинлаштирмайди. Самовий қўшиқлар эса чиндан ҳам Худога яқинлаштиради. Биз уларни куйлаганимизда, ўз севгимизни ва Унга бўлган интилишимизни эълон қиламиз. Бу сажданинг бир шакли бўлиб, сажда эса доим истагимизнинг манбаси ҳақида кўпроқ очиб беради. Сиз Худонинг ҳузуридан роҳатланиш учун мусиқанинг кучидан фойдаланишингиз мумкин ва у сизни шуҳбасиз Худога яқинлаштиради.

Раббий, Сендан муסיқа инъоми учун миннатдорман.

Мен юрагимда қўшиқ куйлаганимда ёнимда бўлгин ва менга жонимни мустаҳкамлаш учун мусиқанинг кучидан фойдаланишни ўргатгин.

Юрагимдаги ҳар бир қўшиқ Сени улўласин.

Мен куйлиман

ЧУНКИ САМОВИЙ ҚЎШИҚ КУЙЛАШ
УЧУН ОВОЗИМНИ КЎТАРАМАН.

ИШОНЧИ КОМИЛ ВА БИЛИМЛИ

“Биз Худога нисбатан шундай ишончга Масиҳ орқали эгамиз. Бироқ бу нарса ўзимиздан деб ўйлашга қодир бўлмаганмиз: аксинча, бизнинг қодирлигимиз Худодандир”.

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 3:4, 5

Ростини айтсам, ҳаётимда, ўзимни буткул ишончи комил ва билимдон ҳис қиладиган бирорта ҳам соҳани айта олмайман. Мен фақатгина билимсизлигимга ишончим комил бўлса керак. Яхши хабар шундан иборатки, биз билимдон бўлишга мажбур эмасмиз. Бу қобилиятни бизга Худо ато этади. Ҳеч ким Муқаддас Рухнинг бошқарувисиз имонда яшай олмайди. Подшоҳ Довуд шундай деб ибодат қилган: “Ё, Худо, менда тоза юрак яратгин ва менинг ичимда тўғри руҳни янгилагин. Мени юзинг олдидан рад қилма ва мендан Ўз Муқаддас Рухингни тортиб олмагин” (Санолар 50:12, 13).

Довуд тоза юрагининг манбаи ким эканини билган ва Муқаддас Рухнинг ушбу жараёндаги иштирокини тушунган. Юҳанно Хушхабарининг 20-оятда Исо Ўз шогирдлари билан Муқаддас Рухни бўлишди. Улар кечиримни ўрганиш учун Муқаддас Рухга мужтож эдилар. Иккинчи Коринфликларга мактубнинг 3:6-оятда: “У бизни ҳарф бўйича эмас, балки Рух бўйича Янги Аҳднинг хизматкорлари бўлишга қодир қилди, чунки ҳарф ўлдиради, Рух эса ҳаёт бахш этади” – деб ёзилган. Хўш, нима учун сиз ўқиётган Муқаддас Ёзувнинг ушбу сўзлари тирилиб, ўзгариш олиб келиши

учун, Муқаддас Рухни уларга ҳаёт беришга чақирмаслик керак?

Муқаддас Рух – бу ваъда қилинган Юпатувчи ва Маслаҳатчи. У бизга таълим беради ва Исо айтган барча нарсa ҳақида эслатади. Бу буюк инъом: биз Калом ўқиётганимизда, Устозга ва Унинг юраги ортидан эргашаётганимизда, Йўлбошчига эгамиз. Рух биз кўришимиз учун – кўзларимизни, эшитишимиз учун – қулоқларимизни, ишонишимиз учун – юракларимизни очади.

Самовий Ота, мен Сенда амин эканимни билганим
учун Сендан миннатдорман. Муқаддас Рух, мени
етаклагин. Менда тоза юракни яратгин ва Сенга
қулоқ қолишга қодир ҳақ – руҳни янгилагин.
Сен менга шундай яшаш учун куч бергинки,
токи ўз ҳаётим билан Отани улўғлайин.

Мен кўзлиман

ЧУНКИ МАСИҲ МЕНГА БИЛИМ ВА
ИШОНЧИ КОМИЛЛИК БЕРАДИ.

СОҒЛОМ ЮРАК

“Қувноқ юрак – шифобахш доридир, синиқ руҳ эса суякларни қуритади”.

ҲИКМАТЛАР 17:22

Муқаддас Китоб бизга саломатлигимиз манбаи ҳақида ҳайратланарли тушунчани очади. Суякларнинг ичида, уларнинг марказида суяк илиги – ҳаёт берувчи нам тўқима жойлашган бўлиб, у ерда иммун ҳужайралар пайдо бўлади ва қон янгиланади. Чунки бизнинг ҳаётимиз айнан қондадир. Қон танани озиқлантиради, суяк илиги эса қонни озиқлантиради. Агар суяклар қуриса, ҳаётимиз манбаининг ўзи хавф остида қолади. Айнан шу ҳақида Ҳикматларда айтилган (14:29, 30): “Сабр-тоқатли одам кўп идрокка эга, тез қизишадиган одам эса аҳмоқлигини кўрсатади. Беозор юрак тана учун ҳаётдир, ҳасад эса суяклар учун чириндидир”.

Муқаддас Китоб сабр-тоқатни қизиққонлик билан, хотиржамликни эса ҳасад билан таққослайди. Сабр-тоқат тушунча беради, қизиққонлик эса бемулоҳазалиқдан гувоҳлик беради. Хотиржам юрак танага ҳаёт беради, ҳасад ва ғазаб суякларни ичкаридан кемиради. Наҳотки саратоннинг баъзи бир шакллари суяк илигини кўчириш орқали даволашлари ҳайратланарли эмас? Суяк илиги саломатлиги катта аҳамиятга эга. Суяклар – бу танамизни кўтариб турувчи тузилма, ҳамма нарсани тутиб турувчи устун бўлиб, суяксиз биз, ҳатто тик тура олмаган бўлардик.

Муқаддас Китоб руҳий юрак ва саломатлик ўртасида чуқур ва инкор этиб бўлмайдиган боғлиқлик борлигини яққол кўрсатиб турибди. Бухар бир касаллик руҳий муаммони кўрсатади дегани эмас. Биз касалликлар ва дардлар лаънатидан яраланган, бузуқ дунёда яшамоқдамиз. Мен алам, гина сақлаш, ичкарида сақланадиган

ғазаб ва юракни бошқарадиган бошқа ҳис-туйғулар, тўғридан-тўғри бизнинг иммунитетимизга таъсир қилишини назарда тутмоқдаман. Нил Кларк Уоррен ўзининг “Ғазабни ўз иттифоқдошингизга айлантиринг” номи китобида, бузғунчи касалликлар ортида турувчи энг кенг тарқалган ҳиссий омил хафагарчилик эканини ёзади. Иккинчи ўринда – ҳафсала пирлик туради. У кўпинча ичкарида сақланадиган ғазаб билан боғлиқ бўлган бир қатор жисмоний хасталикларни санаб ўтади: бош оғриқлари, овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар, шамоллаш, йўғон ичак яллиғланиши ва қон босимининг ошиши.

Бошқа тадқиқотларда артритнинг турли шакллари, нафас олиш ва тери касалликлари, бўйин ва бел оғриғи, шунингдек, саратоннинг айрим шакллари каби хасталиклар тилга олинган. Замонавий илм-фан эндигина тан олаётган нарсаларни, Муқаддас Китоб асрлар давомида эълон қилиб келган. Мана, мисол учун, Ҳикматлардаги (3:5-8) оятлар, қандай яшашимиз кераклиги ҳақидаги битмас-туганмас донолик манбаидир:

“Бор юрагинг билан Раббийга ишон ва ўз ақлингга таянма. Барча йўлларингда Уни таниб-бил ва У сенинг қадамларингни йўналтиради. Ўз нигоҳингда доно бўлма, Раббидан қўрққин ва ёвузликдан йироқлашгин, бу сенинг тананга шифо ва суякларингга озуқа бўлади”

Ушбу сўзларда шундай ваъда янграйди: Худонинг йўлида яшаш танани шифолайди ва суякларга куч боғишлайди.

Раббим, Ўзинг юрагим ва саломатлигимни бир бутун қилиб бирлаштиргансан. Танадаги кераксиз оқибатлардан қочиш учун соғлом руҳда яшашимга ёрдам бергин. Ҳам танамни, ҳам жонимни Сенинг донолигинг билан озиқлантиришимга ёрдам бергин.

Мен кузганиман

ЧУНКИ ЮРАГИМНИ СОҒЛИК ВА ҲАЁТГА
БЎЛГАН СЕВГИ БИЛАН ТЎЛДИРАМАН.

АЁЛЛИК ТАБИАТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

*“Аммо ҳақиқатни севгида айтиб, Бош бўлган
Масиҳ томон ҳамма нарсада ўсиб борайлик”.*

ЭФЕСЛИКЛАРГА 4:15

Аёллик табиати ва аёл танаси, ғамхўрлик ва мулойимлик тим-соли сифатида яратилган. Бизнинг танамизда ўткир чизиқлар йўқ, аммо оҳиста ҳошиялар мавжуд. Бизга эркаклардан кўра кўнгилчан ва раҳмдилроқ бўлиш қобилияти берилган. Биз севгини ҳам, оғриқни ҳам чуқурроқ ва нозикроқ ҳис қиламиз. Биз эркаклардан кўра сезгирроқмиз ва мутлақо бегона одамларнинг оғриғи, мусибат ва азоб-уқубатлари кўзларимизни ёшга тўлдириши мумкин. Лекин бизга бу ҳиссиётларни эркин ифода этишимизга рухсат беришмаса, биз ёки ташқи, ёки ички томондан портлаш хавфини туғдирамиз.

Хўш, биз барибир портлаганимизда нима содир бўлади? Муқаддас Китобда мен ўнчалик ёқтирмайдиган иккита оятларда айнан шу ҳақида, яъни бу никоҳ соҳасида қандай содир бўлиши ҳақида сўз боради. Турмуш қурганимнинг дастлабки кунларида, одамлар уларни менга тез-тез иқтибос келтиришарди. Биринчиси: “Жанжалкаш хотин билан кенг ҳовлида яшагандан кўра, ўй томининг бурчагида яшаган афзалдир” (Ҳикматлар 25:24). Иккинчиси янаям қаттиқроқ янграйди: “Жанжалкаш ва сержаҳл хотин билан яшагандан кўра саҳрода яшаган афзалдир” (Ҳикматлар 21:19).

Эҳ! Томнинг бурчагида яшаш – табиий офатлардан ҳимояга эга бўлмасдан, очиқ осмон остида қолишни англатади. Том ёмғир, қор, шамол ёки жазирама қуёшдан пана қилмайди. Сулаймон эса жанжалкаш

хотин билан томни бўлишгандан кўра, ҳатто шундай шароитда яшаш яхшироқ эканини таъкидлаган.

Авваллари мен эрим Жон билан баҳслашар эдим, эмишки, қадимги даврларда одамлар томни пешайвон ёки айвон сифатида ишлатишган, лекин нима учун бу фикр Муқаддас Ёзувда қайта ва қайта такрорланишини тушунтириш менга қийин эди. Баджаҳл, вайсақи ва бузғунчи аёл билан яшагандан кўра, саҳрода ёки қуюқ ўрмонда илонлар ва чаёнлар билан яшаш яхшироқ. Душманлик ҳолдан тойдиради. Нафақат бошқаларни, балки бизнинг ўзимизни ҳам.

Аёллар соғлом ва иштиёқли, севувчи ва раҳмдил бўлиш учун яратилган. Биз азалий табиатимизга қарши, яъни Худонинг биз ҳақимиздаги режасига қарши борганимизда, деярли ўз танамизга қарши уруш эълон қиламиз. Биз ҳаёт бахш этувчи, яратувчи ва тўлдирувчи ролимиздан йироқлашамиз. Ушбу рол эса бизга, турмуш қурган ёки қурмаганимиздан қатъий назар берилган.

Ўз фикрларимиз ва ҳис-туйғуларимизни ҳайдаш васвасаси шу қадар жунбишга келиб, улар мана ҳозир портлайман деб турган онда, келинг, бу ҳеч кимга фойда келтирмаслигини эсга олайлик. Бу зиддиятдан қутқармайди, балки фақат бизга ва ёнимиздагиларга оғриқ келтирувчи ички кескинликни келтириб чиқаради. Шунинг учун келинг, ҳақиқатни севги билан шундай гапирайликки, уни эшитиш мумкин бўлсин. Келинг, Худо бизга берган ўша соғлом, иштиёқли, севувчи табиатимизга мувофиқ яшайлик.

Раббий, менга аёллик табиатининг асл моҳиятини очиб бергин. Мени нозик ва бир вақтнинг ўзида кучли бўлишга ўргатгин. Қандай қилиб Сенга очиқ юрак билан хизмат қилишни ва ҳақиқатни севгида гапириш учун, Сен томондан берилган овоздан қандай фойдаланишни айтгин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ЎЗ ТАБИАТИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛАМАН
ВА ҲАҚИҚАТНИ СЕВГИДА ГАПИРИБ,
УНДАН ХУРСАНД БЎЛАМАН.

ЎЗИНИ ТИЙИШНИНГ КУЧИ

*“Мулойим жавоб жаҳлни қайтаради,
қўпол сўз эса ғазабни қўзғайди”.*

ҲИҚМАТЛАР 15:1

Кўп ҳолларда мен сўхбатда бурилиш нуқтаси, ўз қиёфасини яхшидан ёмонга ёки аксинча, кескиндан хайрихоҳликка ўзгарганини эслайман. Баъзан мен Муқаддас Рухнинг огоҳлантиришини эшитаман: “Тинчликни сақла. Овозингни пасайтир. Мулойим жавоб бер. Оғзингдан чиқишга тайёр турган гапни гапирма, лекин Менинг сокин овозимга қулоқ сол ва Менинг сўзларимни гапир”. Гоҳида мен бўйсуниб, қулоқ соламан... Баъзан эса бўйсунишдан олдин, яна бир фикр қўшишга ҳаракат қиламан ва ҳар сафар бундай аҳмоқлик, қанчалик қимматга тушишига амин бўламан.

Мен қандай қилиб эшитилган бўлиш сирини англаб етдим. Бу аслида, жуда оддий: агар сени эшитишларини хоҳласанг, буни ўзинг эшитишни хоҳлаган тарзда гапир. Менинг фарзандларим, эрим, ҳамкасбларим ва ҳатто, итим – мен билан қандай гаплашишларини истасам, улар билан худди шу тарзда гаплашсам, уларнинг ҳаммаси яхшироқ муносабат билдирадилар. Мен билан хотиржам, ҳурмат билан ва мулойим гаплашишганда, менга эшитиш осон бўлишини биламан. Менга бақришмаганда, уларни яхшироқ эшитаман. Эътибор, ҳурмат ва диққат, бақриш ва сўзларни қайта-қайта такрорлаш билан эришилмайди. Биз нимани гапираётганимиз ва буни қандай гапираётганимиз аҳамиятга эга. Агар киши жазавага тушса, ҳеч ким уни жиддий қабул қилмайди. Ҳа, у ўша лаҳзада истаганига эришиши мумкин, лекин барибир бунинг нархини тўлаш керак бўлади. Нима учун биз уруш-жанжал чиқариб, бақирган ҳолатлар бўлади? Сабаблари кўп бўлиши мумкин. Мана улардан бир нечтаси:

1. Бизни эшитмай қолишларидан қўрқамиз.
2. Аввал шундай йўл тутиш иш берган (биз истаганимизга эришганмиз).
3. Биз бошқаларни қўрқитиш ёки назорат қилишга уринамиз.
4. Биз бу қолипни болалигимизда ўзлаштирганмиз.
5. Ҳал қилинмаган муаммо бизни ғазаблантиради.
6. Бу ёмон одатга айланиб қолган.

Ушбу сабабларнинг аксарияти – қўрқувнинг оқибати. “Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган” (2-Тимотийга 1:7). Биз ўз ожизлигимизни сезганимизда, бақирамиз ва фожеа ясаймиз. Биз фақат ўз манфаатимиз ҳақида қай-ғурганимизда, бошқаларни қўрқитишга ва назорат қилишга уринамиз. Мукаммал севги, ҳали қўрқувни ҳайдамаган ўтмишга қайтамиз. Биз ҳар сафар кечаги муаммолар юкини бугунги кунга судраб олиб келганимизда, бошқаларга жуда кескин муносабатда бўламиз.

Бизнинг фикрлаш тарзимиз ўзгариб боргани сари ёмон одатлар барбод бўлади ва қўрқув бизнинг устимиздан ҳокимиятини йўқотади. Мен нима бўлишдан қатъий назар – вазиятни назорат қила олмаслигимни анча олдин англаганман. Мен фақат ўзимни бошқара олишим мумкин, лекин, охир-оқибат ҳаммаси Худонинг қўлларидадир.

Ушбу ҳақиқатни қабул қилиш, бошқалар бизни эшитишини таъминлайдиган тарзда гапириш қобилиятини берадиган, ақлимизнинг зарур ҳолатига олиб келади.

Раббий, мен ўзимни қўлга олишга қийналганимда,
ҳеч бўлмаганда ўз овозим ва сўзларимни назорат
қила олишимни менга эслатиб тургин. Ўз раҳм-
шафқатинг билан мени Сенинг сокин овозингга сезгир
қилгин ва у мени етаклашига рухсат бергин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ МЕН ЎЗИМНИ ҚЎЛГА ОЛИБ ВА
ПАСТ ОВОЗДА ГАПИРАМАН.

ИШТИЁҚЛИ

“... [гуноҳ] сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!”

ИБТИДО 4:7

Бизнинг маданиятимизда иштиёқ, кўпинча ёлғиз жинсий соҳага тегишли деб ҳисобланади, аммо аслида, бу анча кенг тушунча. Иштиёқни аниқлаш қийин, чунки бу инсоний ҳис-туй-ғуларнинг иккала чегараларини – ҳам севгини, ҳам нафратни ўз ичига олади. Иштиёқ ҳиссиётлар, завқ-шавқ, тўлқинланиш, истак, нозиклик, севги ва боғланиш билан узвий алоқадор. Ҳаётида буларнинг барчасини истамайдиган одам топилмаса керак. Бошқа томондан, у осонгина назорат остидан чиқадиган нарсалар билан боғлиқ бўлиши мумкин: сўқир ишқибозлик, шаҳват ва ҳирс. Бу яна ҳиссиётларнинг портлаши, қаҳр, ғазаб, исён, қутуриш, нафрат ва жаҳл бўлиши ҳам мумкин.

Хўш, қандай қилиб, севги ва нафрат ўртасидаги чегараларга тушиб қолмасдан ва куйиб қолмасдан, куч ҳамда иштиёққа тўла ҳаёт кечириш мумкин?

Иштиёқ ҳақидаги ёмон якунланган илк ҳикоялардан бирининг мисоли – бу Ибтидо китобининг 4-бобидаги Қаън ва Ҳобил ҳикоя-сидир. Худо Ҳобилнинг қурбонлигини қабул қилди, аммо Қаъннинг иродасиз қурбонлигини рад этди. Қаън қаттиқ ғазабланди. Худо Қаъннинг ғазаби укасига қарши алангаланганини кўрганида, У деди: “Нега ғазабландинг? Нега юзинг тундлашди? Агар яхшилиқ қилсанг, бошингни кўтариб юрмайсанми? Агар яхшилиқ қилма-санг, гуноҳ эшик ёнида ётибди ва сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!” (Ибтидо 4:6, 7).

Афсуски, Қаън Худонинг сўзларига кар бўлди. Гуноҳни олиб ташлаб, ўз ғазабини жоловлашнинг ўрнига, у иштиёққа берилиб, ўз укасини ўлдирди.

Худонинг Қаънга берган огоҳлантириши – бу биз учун ҳам огоҳлантиришдир. Ҳа, биз эҳтимол ўлдирмасмиз, аммо “яхшилик қилмасак”, гуноҳ аввалгидек юрагимизнинг эшиги ёнида ётибди. Мана нима учун биз ўз ҳиссиётларимизни бошқаришимиз ва уларни иштиёқни вайрон қилишга эмас, балки барпо этишга йўналтиришимиз керак.

Ҳақиқат шундаки, иштиёқ ҳиссий спектрнинг қайси томонида эканига қарамасдан, қимматли кўрсаткич бўлиши мумкин. У биз ҳис қилаётган нарсамизга нисбатан ҳимояда туришга, жисмоний ва жоний жиҳатдан, ички тайёр ҳолатимиз белгисидир. Одатда ўзимиз учун муҳим бўлган нарсага нисбатан иштиёқни намоён қиламиз. Кўпчилигимиз учун кундалик нарсалар, жуда муҳим бўлган бирор нима билан алоқадор бўлмаса, камдан-кам ҳолларда кучли хайрихоҳлик ҳиссини уйғотади. Шунинг учун иштиёқларимиз ўйғонганида, улар биз учун чиндан ҳам нима муҳимлигини кўрсатади. Биз бу қувватни Қаън сингари, тартибсизлик шоҳлигини озиқлантиришнинг ўрнига, ҳаётга йўналтиришимиз мумкин. Биз гарчи ҳиссий ҳолат чегарасида турсакда, бизда ирода эркинлиги бор. Ўз иштиёқларимизни бошқариш ва ҳаётга олиб борувчи қарорни қабул қилиш бизнинг қўлимизда.

Ота, менга ҳаётимдаги иштиёқларни фарқлашни
ва уларни муқаддаслаш учун, Сенга ишониб
топширишни ўргатгин. Сен учун муҳим бўлган
нарса, мен учун ҳам муҳимга айлансин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ЎЗ ЖОНИМНИ БОШҚАРИШНИ
ТАНЛАЙМАН ВА ИШТИЁҚЛАР УСТИМДАН
ҒАЛАБА ҚОЗОНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМАН.

САЖДА – БУ ФАҚАТ ҚЎШИҚ ЭМАС

“Шунингдек, бузуқлик келтирадиган шароб ичиб маст бўлманглар, балки Рухга тўлиб-тошиб, ўз-ўзларингизга санолару мадҳиялар ва руҳий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга куйлаб ва ҳиргойи қилинглар”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 5:18, 19

У луғлов ва сажда – бу фақат руҳий интизом эмас. Бу иштиёқ, қувонч ва Худога бўлган севгига янада чуқурроқ калит. Сиз Худо учун ва Унга бўлган севги ҳақида эшитиб, куйласангиз, Унга яқинроқ бўласиз.

Биз бу оятда, ҳамду-сано ва сажда вақтида Рухга тўлиб-тошишга даъватни кўрамиз. Биз овоз чиқариб куйлаганимизда ва юрагимизда мусиқа яратганимизда, Худога тўлишамиз. Аммо сажда нафақат шу билан чекланади. Бу парча, Худо ҳақида бошқаларга гапириш қанчалар муҳимлигини ҳам кўрсатмоқда. Сажда – бу фақат куйлашдан иборат эмас. У бизнинг сўхбатларимизда намоён бўлади, чунки юрак тўлган нарс ҳақида гапириши, шунчалик табиий. Сиз кимнидир севсангиз, у ҳақида гапирасиз. Одамлар сизни севганида – бу шу қадар ҳаяжонли-ки, бу ҳиссиётнинг гўзаллигини бошқалар билан бўлишгингиз келади.

Дўстларда қандайдир умумий нарсалар бўлади. Умумий иштиёқ – бу бир-бирига яқин бўлган одамлар гулхан атрофида туриб, аланганинг тафти ва гўзаллигидан эркин завқланиб, ҳис этаётган нарс кабидир. Бу алоқа бизни бир-биримизни ҳақиқатда

мустаҳкамлашга ундайди. Биргаликда сажда қилишнинг кучи мана шундан иборат: Худога бўлган севгингизни, дўстларларингиз билан биргаликда изҳор қиласиз.

Ҳақиқий дўстлар бир-бирини юксалтирадилар ва бир-бирини Раббимизга лойиқ тарзда йўл тутишга чорлайди. Сизнинг дўстларингиз Исонинг ортидан эргашганларида, сизлар бир йўналиш томон юрасизлар. Ўз атрофингизни сизга руҳда яқин ва сизнинг интилишларингизга шерик бўлган одамлар билан тўлдиринг. Бу сиз ҳар доим ҳам бир-бирингиз билан келишиб яшайсиз дегани эмас. Муҳими – сизлар ўрганишга ва сизларни боғлаб турган нарсани эҳтиёт қилишга тайёр бўлишингиздир.

Руҳга тўлиб-тошинг ҳамда суҳбатда, кўшиқларда ва имонлилар даврасида сажда қилинг.

Раббий, ҳамду-сано ва қўшиқлар менинг юрагимдан
оқиб чиқсин. Мени ўз Севгинг билан тўлиб-
тоширгин, токи мен Сенинг севгинг ато қиладиган
ўша қувонч ҳақида жим тура олмайин.

Мен кўглиман

ЧУНКИ САЖДАДАГИ ҲАЁТ МЕНИ
МУСТАҲКАМЛАЙДИ.

РУҲИЙ ҲОКИМИЯТ

“Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган”.

1-ТИМОТИЙГА 1:7

Муқаддас Рух бизга куч, севги ва ички интизом беради. Ушбу уччала фазилатларнинг бирикмаси чинакам кучли аёлларни яратади. Ишончим комилки, Худо бизнинг ҳаётимизга берган инъомлар, Рух томондан ато қилинган ушбу сифатларнинг ҳаракатисиз гуллаб-яшнамайди. Бу оят бошқа таржимада шундай жаранглайди: “Ахир, Худо бизга қўрқув руҳини эмас, балки куч, севги ва мулоҳазакорлик руҳини берган” (2-Тимотийга 1:7, ЯРТ).

Қўрқув руҳидек, бизни куч, севги ва соғлом онгдан маҳрум қиладиган ҳеч нарсани билмайман. Бунинг сабабларидан бири шундан иборатки, қўрқув ушбу инъомларни заифлаштирадиган саволлар билан бизни қийнайди. Келинг, улардан бири – куч ёки руҳий ҳокимиятдан бошлайлик. Бизда аҳамиятга эга бўлган куч умуман йўқ ва таъсирга эга эмасмиз. Одам Ато, Худо боғда унга ва Ҳаввага инъом қилган ҳокимиятни қўлдан бой берди. Исо итоаткорлик орқали, Одам Атонинг итоатсизлиги билан йўқотилган нарсани қайтариб олди. “Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият Менга берилган” (Матто 28:18).

Бизнинг ҳокимиятимиз ва қудратимиз Масихда намоён бўлди. Агар биз ҳаётимизни Унда яширган бўлсак, нимадан қўрқишимиз керак?

Павлус Исонинг ёш хизматчиси ва шогирди Тимотийни, унда бўлган имон инъомини ривожлантиришга ундайди. Бу билишимизнинг сабаби, Павлус олдинги оятда унга эслатди: “Шу сабабдан,

қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатяпман” (2-Тимотийга 1:6).

Кимдир бизга қўлини қўйганми ёки йўқми – ҳар биримизга маълум даражада имон берилган. Биз унга ғамхўрлик қилиб, уни кўпайтиришимиз мумкин. Янги Аҳдда имон мавзуси тахминан 300 марта эсга олинади. Эҳтимол, имон ҳақидаги энг кучли мулоҳазалардан бири – бу Ибронийларга мактубидаги сўзлардир: “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларни У тақдирлашига ишониши керак” (Ибронийларга 11:6).

Аксариятимиз Худонинг борлигига ишонамиз. Аммо ишониш энг қийин бўлган нарсa, Уни чиндан ҳам бутун юраги билан изловчиларни У тақдирлашига бўлган имондир. Айнан шу ерда қўрқув ҳатто, энг кучлиларга ҳам зарбасини беради. У: “Сен жуда кам ҳаракат қияпсан. Сен етарлича кучли эмассан... етарлича севмайсан... сени ўзинг етарлича эмассан” – деб айблайти. Аммо Исо тўфайли бизда жавоб бор – Масихда биз ҳамма нарсага ортиғи билан эгамиз.

Самовий Ота, мен Масихда севги, куч,
тинчлик ва онгнинг равшанлигида юришим
мумкинлигини, менга эслатиб турувчи Сенинг
Муқаддас Рухинг учун миннатдорман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ МАСИХДА МЕНГА КУЧ, СЕВГИ
ВА СОҒЛОМ ОНГ АТО ҚИЛИНГАН.

РУҲ БҶҲИЧА ИБОДАТ

“Ҳар доим барча ибодат ва илтижолар билан Рӯҳда ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар учун бўлган илтижоларда ҳушёр бўлинглар”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 6:18

Ибодат ва иттиҳорлик – руҳий жангдаги энг қудратли қуролдир, биз эса ҳозир тўлиқ жанговар тайёргарликдамыз. Эътибор беринг: Павлус бизни нафақат вақти-вақти билан, балки доим ибодат қилишга чорлайди. Қандай қилиб, Рӯҳ билан уйғунликда ибодат қилиш керак? Бунинг йўлларида бири – Худонинг Каломига кўра ибодат қилишдир. Сиз Муқаддас Ёзувни ўқиётганингизда, ҳаётда қанча эҳтиёж бўлса, шунча ибодат борлигини кўрасиз. “Бизнинг Отамыз” ибодати – ажойиб кундалик ибодатдир, аммо кун давомида бизда ибодат қилиш учун турли хил сабаблар пайдо бўлади. Биз муҳтожликдаги одамларни учратамыз, инқироздаги мамлакатларни ёдга оламыз, доноликка ва заковатга муҳтож бўлган етакчиларни кўрамыз. Биз дўстларимиз, оилаларимиз ва ҳатто, душманларимиз учун ҳам ибодат қилишимиз керак.

Рӯҳ билан ибодат қилишнинг бошқа усули – бу ибодат вақтида Муқаддас Рӯҳнинг бошқарувига бўйсунисиз. Қандайдир вақтда сиз тўсатдан, нимадир нотўғри эканини ёки кимдир ҳозир махсус ёрдамга муҳтожлигини ҳис қиласиз. Улар учун ибодат қилинг. Кўп маротаба қўйидагича рўй берган, кейинчалик мен бу одамларга савол берганман ва улар чиндан ҳам қийин вақтларни бошидан

кечиргани маълум бўлган.

Ибодат расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Турган, ўтирган, ётган ёки тиз чўккан ҳолатда ибодат қилиш мумкин. Ибодат қичқириқ каби баланд овозда ёки юрагингизнинг зўрға эшитиладиган шивири каби паст овозда бўлиши мумкин. Мухими — у худди нафасдек табиий бўлиши зарур. Ахир: “Доимо қувонинглар. Тинимсиз ибодат қилинглار. Ҳар қандай шароитда Худога миннатдорчилик билдиринглар, чунки Исо Масихда бўлганингиз учун сизлар ҳақингизда Худонинг иродаси шундайдир” — дейилган (1-Фессалоникаликларга 5:16-18).

Авлиё Августин бу ҳақида: “Ҳаммаси худди Худога боғлиқдек ибодат қилинг ва ҳаммаси худди сизга боғлиқдек ҳаракат қилинг” — деб айтган.

Бизнинг ибодатларимиз қанча кучли бўлса, шунча биз кучли бўламиз. Кучли аёллар уларнинг Худо билан ибодат алоқаси мустаҳкам қолиши учун қайғуришади. Мен сажда мусиқаси остида ибодат қилишни ёқтираман. Мен яна ибодат кундалигини юри-таман ва у ўнлаб йиллар давомида Худонинг садоқати ҳақидаги ҳақиқий гувоҳликка айланди. Бизнинг Самовий Отамиз биз қандай жангларга дуч келишимиз кераклигини олдиндан билар эди. Биз нафақат бардош беришимиз учун, балки ғалаба қозонишимиз учун ҳам, барча зарур нарсаларни берди. Душман қайта ва қайта ҳужум қилади, аммо у ғолиб келолмайди.

Самовий Ота, мен қандай нафас олиб, гапирсам,
худди шундай эркин ва табиий ибодат қилишни
менга ўргатгин. Сенинг Муқаддас Рухингнинг
бошқаруви учун Сендан миннатдорман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ МЕНИНГ ИБОДАТЛАРИМ КУЧГА ТЎЛГАН.

Паклиқда қузғи

ПОК

Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин.

ЯҲУДО 24, 25

Биз ўзимизни пок сақлашга қўрбимиз етмайди, аммо Худо бунга қодир. Бир қарашда поклик муқаддаслик билан синонимдек туюлиши мумкин, лекин бу бир хил нарсаси эмас. Муқаддаслик — бу бағишланиш, махсус мақом, поклик эса — яшаш тарзимиз қай аҳволда эканидир, чунки биз бағишланганмиз. Поклик муқаддасликнинг ҳосили, унинг табиий намоён бўлишидир. Биз ўз ҳаётимизни Худонинг тирик Сўзи бўлмиш, пойдеворига қурганимизда, ўй-фикрларимиз ва ҳаракатларимизда покликка ўрганамиз.

Худо ҳаётимизнинг манбаи бўлишни хоҳлайди. Агар ичингизда жасоратни ҳис қилсангиз, Муқаддас Рухдан юрагингизни ва ўй-ниятларингизни Худонинг ўткир ва суқилиб кирувчи Сўзи нурида текширишини сўранг. Ибронийларга мактубда (4:12, 13) шундай дейилади:

“Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда руҳ орасини, бўғинлар ҳамда иликларнинг орасини бўлишгача суқилиб киради ва юракдаги ўйу ниятларни фожия қилади. Худонинг олдида яширин бўлган ҳеч бир жон йўқ, аксинча, Унинг кўзи олдида ҳамма нарсаси очиқ ва аён: биз Унга ҳисобот берамиз!”

Ишонинг, бу асаби бўш одамлар учун эмас. Худонинг Сўзи – бу шунчаки қоғоздаги ҳарфлар эмас. У тирик. Агар сиз чиндан ҳам ҳақиқатни қабул қилиш орқали келадиган кучга эга бўлишни хоҳласангиз, Унга ишонинг ва яқинлашинг. Унинг тирик Сўзи сизнинг юрагингизда жонланиб, туннинг сокинлигида оҳиста шивирлашга ташнадир. У шу қадар чуқур кириб борадики, жонни руҳдан ажратишга ҳамда яширин фикрлар ва ўй-ниятларни фош қилишга қодир.

Ёдингизда тутинг: Худодан ҳеч нарса яширин эмас. У ҳамма нарсани – ҳатто, баъзан бизга тушунарсиз бўлган нарсани ҳам кўради. Юрак бизни алдаши мумкин, лекин биз чин дилдан ҳақиқатни сўрасак, Худо Ўз Сўзи орқали Ўз заковатини сахийлик билан баҳам кўради. Бизга одамнинг маслаҳатлари керак эмас – улар доим вақт, маданият ва ўзгарувчан модага боғлиқ бўлади. Бу тахминан ҳар ўн йилда ўз ниқобини ўзгартирувчи аҳмоқлик бўлиб, жамиятнинг ахлоқий ҳароратини акс эттиради. Бизга Худонинг донолиги ва заковати керак, чунки Худонинг Каломи абадийдир ва айнан мана шу мезон бўйича ҳисоб беришимизга тўғри келади.

Сиз Муқаддас Китобда, аввалига имконсиз ёки ўта қийин бўлиб кўринадиган ҳақиқат ва ваъдаларни учратасиз. Бироқ бу сохта тушунча. Биз Сўзни қабул қилиб, поклик ва муқаддаслик имконли эканини билиб оламиз. Чунки Худонинг муқаддасликка даъвати – бу қоидалар тўплами дегани эмас. Бу Унга тегишли бўлиш дегани.

Самовий Ота, Сенинг Сўзинг ҳаётимда жонли ва яратувчи бўлсин. Сен мени муқаддасловчи Шахссан, шунинг учун поклик имконсиз деб ишонтирувчи ҳар қандай ёлғонни мендан узоқлаштиргин. Мен шундай яшайинки, токи бошқалар мени Сенга тегишли эканимни билсин.

Мен кўглиман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ СЎЗИ ЖОНЛИ ВА
У ҲАЁТИМНИ ЙЎНАЛТИРАДИ.

САДОҚАТЛИ

“Мен сизларни Худонинг рашки билан рашк қилмоқдаман, чунки мен сизларни покиза қизни ягона эрга никоҳлагандай, Масихга тақдим этдим. Лекин илон ўз ҳийлагарлиги билан Ҳаввани алдаганидек, сизларнинг онгингиз ҳам Масихдаги соддаликдан йироқлашиб бузилмасин, деб қўрқмоқдаман”.

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 11:2, 3

Мен ҳар бир аёл ёлғиз ёки турмуш қурган, ёш ёки ёши катта бўлишдан қатъий назар, покликнинг кучи унинг ҳаёт йўлини йўналтираётганини кўришни жуда истардим. Биз жамоатда поклик ҳақида фақатгина жинсий хулқ-атвор доирасида гапирамиз, аммо бугунги оятда, ички поклик – яъни ҳеч бир нарса билан лойқаланмаган Масихга содиқлик ва самимийлик ҳақида гап кетмоқда. Поклик фикрлардан бошланади, у учун курашиш эса, ёлғончига эргашишдан бош тортишдан бошланади. Бу учун ҳақиқатни Худонинг Сўзида қидириш ҳамда ҳақиқатни ёлғондан ажратиш ниятида, юрагимизга Муқаддас Рухнинг кучини таклиф қилиш керак.

Павлус бугунги оятда ёзганидек, нимадир бизни ўша пок, Масихга чуқур содиқликдан четга олиб кетиши мумкин. Ўшанда қаршимизда танлов туради: биз кимнинг сўзларига ишонамиз? Нажоткоримизнинг овозигами ёки ҳаётимизга орзуманд бўлган васваса қилувчининг овозигами? Ёлғиз Худонинг Сўзи – энг олий ва ўзгармас тарзда нуфузга эга. Агар сиз Худодан сўрасангиз, У Рухнинг қиличини олиб, ҳаётингизга кириб келган барча ёлғонни кесиб ташлайди.

Одатда, бизга ташқаридан етарлича босим кўрсатилса, ҳали ичимизда ғалаб қозонмай туриб, жангда бўш келамиз.

Келинг, фикрлар поклигидан бошлайлик. Биз “ҳар қандай фикрни Масихга бўйсуниси учун асир қилганимизда” (2-Коринфликларга 10:5), поклик ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига кириб боради.

Самовий Ота, Сен – поклик ва муқаддасликнинг тимсолисан. Мен Сенга тегишлиман ва Сенинг Сўзингни ҳурмат билан қабул қилиб, унинг устунлиги ва ҳокимиятини ҳаётимнинг барча соҳаларида тан оламан. Менинг ичимдан барча носоғлом ва Худога қарши нарсаларни кесиб ташлаши учун Сенинг Сўзингнинг қиличини чақираман.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕН МАСИХНИНГ САМИМИЙ
СЎЗЛАРИДА КУЧ ТЎПЛАБ, ПОКЛИКНИ
ХАЗИНА КАБИ ҚИДИРАМАН.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ

“...чунки одам юзга қарайди, Мен эса юракка қарайман”.

1-ШОҲЛИКЛАР 16:7

Сиз бугунги оятни ўқиб, шундай эътироз билдиришингиз мумкин: “Ташқи кўриниш муҳим эмас, ахир, Худо юракка қарайдику”. Ва бу ҳақиқат – Худога шукрки, У бизнинг моҳиятимизни кўради. Аммо биз ҳали ҳам ер юзида яшаямиз ва бу ерда одамлар, биринчи навбатда ташқи нарсаларни кўришади ва уларнинг кўз ўнгига нарсаларга муносабат билдиришади.

Шунинг учун биз ўзимизни қандай тақдим этаётганимизга эътиборли бўлишимиз муҳим. Манманлик фақатгина ҳаёлий умидларни беради, ташқи кўринишга таяниш эса – аҳмоқлик, деб бизни бекорга огоҳлантиришмаган. Лекин биз унга таянмасак, бу уни эътиборсиз қолдиришимиз керак деганини англатмайди.

Гап шундаки, биз хоҳлаймизми ёки йўқми доимий равишда, қандайдир маълумотни узатиб турамыз. Етказиш учта воситалардан бири орқали амалга оширилади: биз нимани ва қандай гапиришимиз (сўзлар ва оҳанг), нима қилишимиз (ҳаракат ва ҳуқ-атвор) ва қандай кўринишимиз (ташқи кўриниш ва ўзини тута билиш қобилияти) орқали. Кўпинча айнан ташқи нарсалар биринчи ва энг кучли – таассуротни қолдиради.

Биз буни тушунган ҳолда, ўз истакларимизни ифода этиш учун юқорида айтилганлардан, восита сифатида фойдаланишимиз мумкин. Сиз эски мақолни эшитгансиз деб ўйлайман: “Биринчи таассуротни икки марта яратиб бўлмайди”. Эҳтимол, бу мақол дунё каби қадимий бўлиши мумкин, лекин бундан унинг ҳақиқат экани кам бўлиб қолмайди. Бугунги кунда ўзини ифодалаш имкониятлари

ҳар қачонгидан ҳам кўп, аммо савол бошқа нарасада, биз айнан нимани ифодаляпмиз?

Сизнинг қандай кийинишингиз ва ўзингизни қай тарзда тақдим этишингиз, бир зумда атрофдагиларга хабар юборади. Бу сиз ҳақингизда, ўзингиз тасаввур қилгандан ҳам кўпроқ нарасадан дарак бериши мумкин. Бу сиз ўзингиз ҳақингизда, аслида нима деб ўйлаётганингизни сотиб қўйиши мумкин. Нимага ишонасиз. Қаердан куч оласиз. Ёки – кимга тегишлисиз.

Мен сизга урфдаги қандайдир маслаҳатларни бермоқчи эмасман, чунки сиз ҳозир айнан нимани узатаётганингизни фақат ўзингиз айта оласиз. Дунёга қандай хабар юборяпсиз? Бу сизнинг ким эканингизни рўйирост аксими? Ёки бу шунчаки сиз ортига яширинаётган тасвирми? Айтайлик, сизнинг кийимингиз ва ташқи кўринишингиз чиндан ҳам сизнинг моҳиятингизни акс эттиради. Сиз: “Мен ўз ишининг устасиман ва менинг либосим менинг касбимга мос келади” – деб айтишингиз мумкин. Ёки: “Мен талабаман, менинг ташқи кўринишим ҳаётимнинг ушбу босқичини акс эттиради”. Бунинг ҳаммаси тушунарли, лекин келинг, бироз чуқурроқ ковлаб кўрайлик. Сизнинг ташқи қиёфангиз бошқаларга қандай таъсир қилади? Одамлар сизни кўрадиларми – ёки фақат нима кийганингизними? Улар сизга қараганларида, айнан нимани ўқийдилар?

Гарчи ташқи кўринишни кадр-қимматимизнинг манбасини бўлмаса-да, бу мулоқот шакли бўлиши мумкин. Уни худди сўз ва ҳаракатлар каби, донолик ва художўйлик билан ишлатиш керак.

Раббий, менга мулоқотнинг барча шаклларида – сўзларда ҳам, хатти-ҳаракатларда ҳам ва ўзимни қандай тақдим этишимда ҳам доно бўлишни ўргатгин. Менинг ташқи кўринишим, аслида нима деяётганини менга очгин ва буларнинг барчаси Сенга шараф келтирсин.

Мен кўрагиман

ЧУНКИ ХУДОГА ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ ЖИҲАТДАН
СОДИҚЛИГИМ, МЕНИ ЯХШИТ ҚИЛАДИ.

АЖОЙИБ ЯРАТИЛГАН

“Мен сени она қорнида шакллантиришимдан олдин таниб-билдим”.

ЙЕРМИЯҲ 1:5

Худо бизнинг ибтидомиз билан чамбарчас боғлиқ. Онамиз бизнинг борлигимизни биринчи мартаба ҳис қилгунига қадар, У бизни она қорнида яратди. Биз ўзимизни таниб-билиш қобилиятига эга бўлгунимизга қадар, У аллақачон бизни билар эди. Биз яширин улғайиб бораётган пайтда, у ҳаётимизнинг кунларини режалаштирди ва бизнинг қаршимизда тақдиримиз йўлини очди. Сиз ҳеч қачон шунчаки ҳужайралар тўплами бўлмагансиз, сиз энг бошиданоқ Унда тирик бўлгансиз.

Бу дунёга келган ҳар бир гўдак — бу бизнинг ғамхўрлигимизга ишониб топширилган умид инъомидир. Туғилиш мўъжизасини кўрганлар, ҳар бир гўдак ўзида ажойиб салоҳиятга эгалигини билади.

Эсимда, учинчи ўғлимга ҳомиладор бўлганимда, бу ҳақида билмасдан туриб, ичимда ҳаёт пайдо бўлганини ҳис қилганман. Жон Нью-Йорк штатининг Рочестер шаҳрида хизмат қилар эди ва бир кун якшанба хизмати вақтида, тўсатдан ҳолсизлик ва беҳузурликни ҳис қилдим. Мен ўриндиққа ўтириб, Муқаддас Рухнинг оҳиста шивирлашини эшитдим: “Сен ичингда ҳаёт олиб юрибсан... Сенинг ичингда ўғил улғаймоқда”. Ўша лаҳзанинг ўзидаёқ, мени Худо ҳузурини ҳис қилиш қамраб олди. Бу она қорнида ўсаётган ҳар бир гўдакка Худонинг қанчалик яқин эканини кўрсатувчи мисоллардан биргинаси, холос.

Лекин бу ҳақида сизга ҳали ҳеч ким айтмаган бўлсачи? Сиз мўъжизада яратилганингиз ва бошиданоқ Ўз Яратувчингизга маълум бўлганингиз ҳақида айтмаган бўлсачи? Балки сизнинг туғилишингиз тасодиф ёки хато бўлганини айтишгандир? Агар биз туғилганимиз мўъжиза эканини англаб етмасак, бошқаларда буни пайқашимиз қийин бўлади. Агар болалигимизда ўзимизни юк деб ҳис қилган бўлсак, ўзимизнинг фарзандимизни ҳам кутилмаган меҳмон сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Аксарият аёллар ҳамма жойга улгуришга уриниб ҳамда оналикни карьера ва бошқа ишлар билан бирга юритиб, ўзларини оғир ҳолатга солиб қўйишади. Сабаб шундаки, ютуқ ва маҳсулдорликка қаратилган маданиятимиз оналикни қадрсизлантирди. Ҳаёт – бу кўп жиҳатдан вақт синовидир. Карьерага бағишланиб, яхши она ҳам бўлиш мумкин. Менинг фарзандларим менга ўсиш учун ҳар қандай карьера ютуғидан кўра кўпроқ қувонч ва имкониятларни беришди. Она бўлиш истагидан уялиш керак эмас. Бу йўл сиздан тасаввур қилганингиздан кўра кўпроқ нарсани талаб қилади, аммо сизга орзу қилишга журъат этганингиздан ортиғини тўхфа этади.

Самовий Ота, Сен ҳаёт берувчисан. Сен мени
ажойиб тарзда яратганингга ва кунларимни
табассум билан режалаштирганингга ишонаман. Сен
оналарга олийжаноб вазифани ишониб топширдинг,
чунки болалар – бу Сенинг инъомингдир.

Мен кўзлиман

ЧУНКИ У МЕНИ ЎЗИ УЧУН ЯРАТГАН.

ЖОНИЙ РИШТАЛАР

“Сизлар Мени ерга тинчлик олиб келгани келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас, балки қилич олиб келгани келганман”.

МАТТО 10:34

Исо ҳар биримизни Ундан узоқлаштириб турадиган нарсалардан халос қилишни хоҳлайди. Рухий уруш – бу барча бутларга қарши туриш ва У билан бўлган муносабатларимиз йўлида турувчи тўсиқларни енгилдир.

Биз қул қилинган соҳаларга қарши тура олишимизга ишонаман. Исо кишанларни кўрганида – уларни парчалаб ташлади. Жинларни учратганида – уларни қувди. У ярадорларни ва касалларни кўрганида – уларни шифолади. У гуноҳни кўрганида – кечирди ва уларга ортиқ гуноҳ қилмаслик учун куч берди. Мен Исони севаман – чунки у воқеаликдан ажратилган мавҳум шахс эмас – У бизнинг ҳақиқий муҳтожлик ва эҳтиёжларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади.

Мен вақт ўтиши билан ҳаётимда халос бўлишим керак бўлган носоғлом жоний ришталар борлигини тушундим. Жоний ришталар нима? Оддий қилиб айтганда, бу жонлар ўртасидаги чуқур риштадир. Бу яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Онанинг жони гўдагининг жони билан боғланган. Аммо ўғил улғайиб, эркак бўлгач, у ўз юрагини хотинига бериши учун, онаси билан бўлган муносабатлари ўзгариши керак. Эрнинг жони хотинининг жони билан бирлашади, шунда улар бир тан бўлишлари мумкин. Бу бизнинг юракларимизни севгида боғлайдиган иноятли ва соғлом ришталардир. Бундай пок ришталар эса Довуд ва Ионафан ўртасида бўлгани каби дўстликни ҳам мустаҳкамлаши мумкин. Баъзан

опа-сингил ёки яқин дўст билан шундай жоний ришта юзага келиб, буни бир-бирини сўзсиз тушуниш деб аташади.

Аммо жонлар носоғлом ришталар билан боғланганда, birlik ва дўстликнинг ўрнини қўрқув ва назорат эгаллайди. Бундай жоний ришталар ноқонуний жинсий алоқалар, қарамлик, зўравонлик ва жароҳатли муносабатлар сабабли юзага келиши мумкин. Носоғлом жоний ришталар бизни бўзади. Биз уларни ўзимиз мустақил ҳал қилишга уринамиз, лекин мен, бизни боғлаб турган нарсани Раббий Ўз қиличи билан чопиб ташлашига рухсат берганимиз яхшироқлигини тушундим. Фақатгина У бизнинг тилка-пора қилинган жонимизга бутунликни қайтаришга қодир.

Бизни яқиндан биладиган содиқ ва раҳмдил Олий Рухонийга эгамиз. У Ўз қўлига қилични олиб, бизни Ундан узоқда ўшлаб турувчи барча нарсани кесиб ташлаш учун тайёр. У барча ноқонуний жоний ришталар ўзилиб, юракда эса фақат ҳақиқат ва тирик бўлган нарсалар қолишини хоҳлайди. У сизнинг жонингизни шифолаш ва қайта тиклаш учун Ўз Сўзини юборади. Худога жонингизни тозалаш ишини бажаришига рухсат бериш учун ибодат қилишга вақт топинг. Муқаддас Рухдан барча носоғлом жоний ришталарни очиб беришини сўранг, сўнгра уларни кесиб ташлайдиган ва сизга озодлик келтирадиган Унинг Сўзининг қиличини чорланг. Ваъда Берган содиқдир.

Раббий, ҳаётимдаги барча носоғлом жоний ришталарни кўрсатгин ва уларни Ўзингнинг Муқаддас Рухингнинг кучи билан узгин. Мени шифолагин, менинг жонимни қайта тиклагин. Менга эзгу ва пок ришталарни қуришни ва уларни соғлом сақлашни ўргатгин.

Мен кўзгидан

ЧУНКИ МЕН ЎЗ ЖОНИМНИ
ҲАҚИҚАТГА БАҒИШЛАДИМ.

ШИФОЛОВЧИ ПУШАЙМОН

“Зеро Сен менинг ичимни яратдинг, мени онамнинг қорнида шакллантирдинг. Сени шарафлайман, чунки мен ажойиб яратилганман. Сенинг ишларинг ажойибдир, менинг жоним бунни тўлиқ англайди. Мен пинҳона яратилаётган вақтимда, ер тубида шаклланаётганимда, менинг суякларим Сендан яширин эмас эди. Сенинг кўзларинг ҳомилалигимда мени кўрган эди, Сенинг китобингга – мен учун белгиланган барча кунлар, ҳали уларнинг бирортаси бўлмаганида ёзилган эди. Ё, Худо! Сенинг фикрларинг мен учун нақадар қимматбаҳодир, уларнинг сони нақадар кўпдир”.

САНОЛАР 138:13-17

Довуд бу жойда она қорнида ҳомила бўладиган ҳар бир ҳаёт ҳақида шоирона ва илтифот билан гапирмоқда. Аммо сиз аборт оғриғини бошдан кечирган бўлсангиз-чи? Агар шундай бўлса, мен сизга умид ва шифо ҳақида бир оғиз сўз айтишим муҳим. Эҳтимол, сиз ёлғонга ишониб, қўрқиб ўсгандирсиз. Балки сиз набирангизни йўқотгандирсиз. Вазиятлар қандай бўлгани ва сиз ким бўлганингизга қарамай, мен ишонаман: Ота-Худо бүгун – сен кечирилгансан ва нариги томонда сени ҳаёт кутади, демоқда. Абортлар учун камдан-кам ҳолларда очикча мотам тутилади. Ушбу кичкина ҳаётларнинг гўзаллиги пухта ва самарали тарзда, изсиз йўқ қилинади. Фақат шундан кейингина, аввал онани, кейин отани ва унга дахлдор бўлганларнинг барчасини айбдорлик ва уят пардаси буғувчи тўлқин бўлиб қоплайди.

Биз ўта худбин маданиятда яшаймиз. У художўй ҳаётга руҳлантиришга қодир эмас, чунки уни худбинлик ва шахсий қулайлик талаблари

бошқаради. Муаммонинг бошқа томони ҳам мавжуд – бу ҳукм бўлиб, бунга турмушга чиқмаган ҳомиладор аёллар жамоатда дуч келишади. Мен яқинда масиҳий комиссия кенгашида иштирок этдим. Ўша ерда бўлган аёлларнинг бешдан икки қисми боласини аборт қилганини, чунки ноқонуний равишда ҳомиладор бўлиб қолгани борасида, жамоат томонидан бўладиган ҳукмларга бардош бера олмасликларини тан олишди. Жамият эса аборт қилмоқчи бўлган аёлларга бутунлай бошқа нарсани гапиради:

“Сен ёш ва гўзалсан... Бутун ҳаётинг олдинда”.

“Бир кун сен ажойиб она бўласан, лекин ҳозир вақти эмас”.

“Сен тайёр бўлганингда, фарзанд кўрасан”.

“Ҳар бир бола исталган бўлиши керак, бу эса – исталмаган”.

Мен ҳали ёш ва аллақачон етук бўлган аёллар ҳам – бундай сўзларга қулоқ солиб, кейин бу учун қандай афсус қилганларини эшитганман. Улар шифохонага икки киши бўлиб келиб, у ердан барбод бўлган ва синган ҳолда чиқишган. Ахир биз, Исонинг севгиси ва раҳм-шафқатини таниб билганлар, уларга абортариядагидек эмас, балки ҳаққоний ёрдамни кўрсатишимиз керак эмасми? “Ҳаёт томонда бўлиш” – бу сиёсий шиор эмас. Бу ҳаёт тарзи бўлиб, у ерда севги томонидан буюрилган ҳамдардлик, фарзанд қилиб олиш ва дадил қарорларга ўрин бор.

Кеч пушаймонлик қанчалик оғриқли бўлмасин, биз ҳеч қачон ортга қайтиб, ўтмишни ўзгартира олмаймиз. Бизнинг умидимиз – келажакда. Худонинг ҳақиқатини ва кечиримини қабул қилинг. Агар сиз аборт қилишдан ўтган бўлсангиз – ўзингизни кечиринг ва шифоланишга рухсат беринг.

Самовий Ота, менга ҳукм эмас, шифоланиш асбоби бўлишни ўргатгин. Мен ҳаётнинг гўзаллиги ва қадр-қимматини Сен кўргандек, кўришни истайман.

Мен кўрглиман

ЧУНКИ МЕН АФСУСЛАНИШ ВА УЯТНИ ЭМАС,
БАЛКИ ҲАЁТ ВА УМИДНИ ТАНЛАЙМАН.

НИКОҲНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ

“Никоҳ ҳаммангизда қадрли бўлсин, жинсий муносабатингиз нопок бўлмасин. Зинокорлару фоҳишаларни эса Худо ҳукм қилади”.

ИБРОНИЙЛАРГА 13:4

Ушбу оятнинг моҳияти ҳақида гапиришдан аввал, номус нима эканини билиб олиш муҳим. Ҳурмат қилиш – аҳамияни тан олиб, алоҳида қадр-қимматга сазовор деб билиш. Мен эримга қарши эмас, балки у билан бирга ҳаракат қилиб, ҳурмат билан гаплашганимда, ўз эримга ҳурмат билдираман. Ҳурмат қилишдан бош тортиш эса бепарволик ва лоқайдлик билан намоён бўлиб, одам бошқа бир инсондаги ҳақиқий қадр-қимматни кўрмайди. Никоҳда бу нарсa, ҳурмат қилиш тамойилларини тушунмаслик сабабли содир бўлади ва иккала томон ҳам шундай йўл тутиши мумкин: эр хотинини, хотин эса эрини ҳурмат қилмаслиги мумкин. Ибронийларга мактубда “никоҳ тўшаги”ни – жинсий яқинлик жойини ҳурмат қилиш ҳақида алоҳида гапирилган. Биз тўйгача никоҳимизни ифбатли бўлган ҳолда сақлаймиз. Никоҳдан ташқари жинсий алоқа, нафақат никоҳ аҳдини, балки унда иштирок этадиган одамларни ва ниҳоят, Худони булғайди. Аксинча, никоҳдаги яқинлик Худони, турмуш ўртоқни ва уларнинг иттифоқини ҳурмат қилишни англатади. Никоҳни ҳурмат қилишнинг яна бир йўли – жинсий яқинлик маконига ҳеч кимни ва ҳеч нарсани киритмаслиқдир. Бу жинсий яқинликнинг гўзаллиги ва ўзига хослигини камситадиган барча нарсадан қочиш зарурлигини англатади. Бундай бузувчи омиллар порнография, мастурбация, бузуқлик, фоҳишалик ёки ифбатсизлик бўлиши мумкин. Мен ўзим

ҳам никоҳгача бу ҳақиқатларга мувофиқ яшамаганман ва никоҳ қуриб, кўпгина тўсқинликларга дуч келдим.

Мен ўз эримга эркин ва тўлиқ тегишли бўлишни хоҳлардим, аммо ўтмишда қабул қилган қарорларимнинг асири бўлиб чиқдим.

Биз фақат бир инсон билан жинсий бирлашиш учун яратилганмиз, чунки жинсий яқинлик икки кишининг иттифоқи учун мўлжалланган бўлиб, бу никоҳ аҳди орқали бир бутунга айланади. Ҳақиқий яқинлик, фақат ўзига хослик бор жойдагина имконлидир. Агар биз ҳар хил шериклар билан алоқага киришсак, жинсий яқинлик ўз чуқурлигини ва такрорланмаслигини йўқотади.

Бизнинг маданиятимиздаги эр-хотин хиёлати шу қадар кенг тарқалганининг сабабларидан бири аҳдни тушунмаслик деб ўйлайман. Одамлар: “Никоҳ – бу бор-йўғи бир парча қоғоз” – дейишади. Улар аҳд – бу бир бутунга айланувчи, фақат икки кишининг иттифоқи эмаслигини англаб етмайдилар. Худо уларни бир бутун қилиб бирлаштиради – никоҳда уч нафар иштирокчи бўлади. Биз никоҳимиздан Худони чиқариб ташлаганимизда, никоҳ ҳақиқатан ҳам шунчаки расмийчиликка айланади.

Аммо биз Худонинг Сўзини ҳурмат қилсак, никоҳ кучга, аҳд ва ҳақиқий яқинликка эга бўлади. Худо бузилган нарсани қайта тиклайди ва бадном қилинган нарсани шифолайди.

Самовий Ота, менга никоҳни ҳурмат қилишни ўргатгин.
Муқаддас Рух, менинг никоҳимдаги ёки никоҳ аҳдини тушунишимдаги бузилган ёки булғанган соҳаларимни менга очиб бергин. (Сиз турмушга чиққан ёки чиқмаганингиздан қатъий назар, ушбу сўзлар билан ибодат қилишингиз мумкин.) Мен ҳаётимда, Сенинг яқинлик ҳақидаги аҳдинг амал қилишини хоҳлайман.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ЯҚИНЛИКНИ БЕГОНАДАН ҲИМОЯ
ҚИЛАМАН ВА НИКОҲ АҲДИНИ БУЗАДИГАН
БАРЧА НАРСАДАН ВОЗ КЕЧАМАН.

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН

“Раббий – менинг таянчим, менинг истеҳкомим ва менинг Халоскорим. Менинг Худойим – менинг қоям”.

САНОЛАР 17:3

Менда бутунлай саросимага тушиб қолган ҳолат бўлган. Бизнинг чўпонимиз ҳозиргина мендан бир гуруҳ қизлар билан жинсий иффат ҳақида гаплашишимни илтимос қилди, мен эса уларга нима дейишни умуман билмас эдим. Шунчаки бошим қотиб қолмади – мени ваҳима қамраб олди. Менга нима бўлди? Ахир, мен кўп йиллардан бери дунё бўйлаб юриб, турли ёшдаги аёллар билан тўла залларда сўзга чиққан бўлсам. Нима учун мени маҳаллий юқори синф қизлари билан бўладиган учрашув чўчитмоқда? Мен чуқур нафас олдим ва ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим. Ахир, мен собиқ ёшлар чўпонининг рафиқаси эдим, у чўпон сифатида хизмат қилган икки йил давомида мен озми-кўпми муваффақиятни бошдан кечирдим. Кейин бир нарсани тушундим: гап бу қизларнинг ёшида эмас эди. Мени мавзу безовта қилар эди. Мен қандай саволлар менга берилишини билардим: бизга нима мумкин ёки мумкин эмас? Ўғил болалар билан муносабатларда нимага руҳсат берилади?

Мен юқори синф қизларига руҳсат этилган нарсаларнинг чегаралари ҳақида нима дейишим мумкин эди? Менинг ҳатто, қизим ҳам йўқ. Тайёргарлик кўриш учун вақт ҳам йўқ эди.

Мен полга ўтириб, ибодат қила бошладим: *“Ота, менга ҳақиқатан ҳам бу қизлар учун жавоб керак. Мен ўз фикрим билан эмас, балки Сенинг донолигинг билан бўлишишни хоҳлайман. Сендан илтимос, менга уни ҳозирнинг ўзида очгин”.*

Мен кутдим. Жим-житлик. Мен полдан туриб, душга кирдим. Номаълум кун эртага белгиланган эди. Мен душда ювинар эканман,

фикрларим мақсадсиз чалкашарди. Лекин вақт ўтиб, тўсатдан Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим: «Сен уларнинг хулқ-атворини чеклаш учун қоида излаяпсан. Аммо қоидалар уларни тўхтатиб қолмайди. Куч муносабатлардан келади. Уларга нима мумкин эмаслиги ҳақида эмас, нима мумкин экани ҳақида айт. Сен уларга, йигити билан, ўз отасининг олдида ҳадди сиққан нарсани қилиши мумкинлигини айт.

Менинг жавобим шундай бўлди. Ота ўз қизининг шаънини ҳимоячиси бўлиши керак. Балки, бу сизнинг ҳаётингизга ўхшамас. Эҳтимол, сизни ҳимоя қиладиган ерлик отангиз ёнингизда бўлмагандир. Яхши янгилик шундаки, сизнинг Самовий Отангиз бор. У ҳеч қачон сиздан фойдаланишларини ёки сизни зўрлашларини хоҳламаган бўларди. Эҳтимол, сиз аллақачон анча чуқурлашиб кетгандирсиз. Бироқ ўтмишда нима бўлганидан қатъий назар, У сизнинг келажагингизни севги билан ҳимоя қилади. Бу жавоб нафақат ўсмирларга тегишли. Бу ҳақиқат нопок маданиятда, покликни асраш мушкул бўлган ҳар бир қизга тегишлидир.

Бизнинг юрагимизни қоидалар ўзгартирмайди. Биз юқори тартиб қаршисида, севги қаршисида жавоб берамиз. Гап бизнинг Самовий Отамиз билан муносабатларимиз ҳақида кетмоқда. Бизнинг йўл-йўриқ кўрсатадиган чизиқларимиз чекловлар, панд-насиҳат ва совуқ тошга ўйиб ёзилган одоб-ахлоқ қоидалари эмас, балки юракларимизга ёзилган тирик ҳақиқатлар бўлиши керак. Имон нима мумкин ва нима мумкин эмаслик рўйхатига айланганида, биз энг муҳимини – энг аълосини Истовчи билан муносабатларни йўқотамиз.

Самовий Ота, менинг поклигим Сен билан бўладиган
муносабатлардан туғилсин. Ўтмишимга қарамай,
Сени ўз ҳимоячим деб атайман ва ҳаётимнинг
энг яширин бурчакларига таклиф қиламан.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕНГА КУЧНИ ҚОИДАЛАР ЭМАС, АКСИНЧА
ОТАМ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР БЕРАДИ.

КЕЛИН

“Күёв ўз келини ҳақида қувонганидек, худди шундай, сенинг Худойинг сен ҳақингда қувонадиган бўлади”.

ИШАЪЁ 62:5

Худо бизни Ўзининг келинига таққослаётгани менга ёқади. Яқинда ўғилларимдан икkitаси уйланди. Мен биринчи қаторда ўтириб, келинлар яқинлашаётганда, иккаласининг ҳам кўзларида ёш қалқиганини кўрдим ва албатта, менинг ҳам кўзларим ёшга тўлди. Бахтдан порлаётган келинлар ўзларининг оқ либосларида жуда ҳам гўзал эдилар. Мен ҳам Исо бизни айнан шундай кўришига ишонгим келади. Ваҳий китобининг 19:7-оятида ўқиймиз: “...Унинг хотини ўзини тайёрлади”.

Аммо буни қай тарзда амалга ошириш керак? Келинг, аниқлик киритамиз. Келин ўз суюклиси билан учрашувга қандай тайёрланади? Бу гўзал либос, турмак ва бўянишдан кўпроқ нарсани англатади. Ҳақиқий тайёргарлик юракда содир бўлади. Мен буни қуйидагича кўраман:

- Келин ҳамма нарсада кўёвнинг кўнглини топишга ҳаракат қилади.
- Келин қилаётган барча нарсада пок ва иштиёқли бўлишни истайди.
- Келин унинг сўзлари ифодалаши мумкин бўлгандан кўра чуқурроқ тушунилган бўлишни орзу қилади.
- Келин ўзини кўёвга бағишлаб, ожизага айланганида, ўзини хавфсизликда ҳис қилиш у учун муҳим.
- Келин қўрқмасдан, ўзини эркин ифода этишни истайди.
- Келинни сюрприз ва кутилмаган совғалар хурсанд қилади.
- Келинга ўз суюклиси билан сирларини баҳам кўриш ёқади.

- Келинга унинг суюклиси унинг ортидан эргашиши ёқади ва ўзи ҳам унинг ортидан эргашишни ёқтиради.
- Келинга суюклисига тегишли бўлиш ҳисси қувонч келтиради.
- Келин уни ардоқлашларини, ҳимоя қилишларини ва йўналтиришларини ва мулойимлик билан тўзатишларини хоҳлайди.
- Келиннинг юраги ўз куёвига бўлган севги билан ёнади.

Мен ишонаман, ушбу ва кўпгина бошқа истаклар Худо томонидан Унинг ҳар бир қизларининг юрагига солинган. Ушбу истаклар бизнинг юрагимизда яшашига рухсат беришимиз мумкин, чунки Унинг кўнгилдаги истаги – У бизни қандай яратган бўлса, шундайликча севишдир. Бизнинг куёвимиз, Исо: “Мен сени севишимга рухсат бер” – деб чорламоқда.

Бошқа ҳеч ким бизни бундай сева олмайди. Бу истаклар шу қадар чуқурки, ердаги ҳеч қандай эркак уларни тўлақонли қондира олмайди. Ерлик севги сўниши, умидларни алдаши, ҳафсаламизни пир қилиши мумкин, чунки биз кўпроқ нарсага ташнамиз. Бизнинг осмондаги Шаҳзодамиз ҳеч қачон ҳафсалани пир қилмайди ва азоб бермайди. У юрагимизнинг ҳар бир интилишини билади ва унга жавоб беради.

У биз чиндан ҳам муҳтож бўлган барча нарсани беради. Унда нега Унинг ҳақлигига бурканмаслик керак? Ўзингизни Унинг севгиси билан безанг. Унинг қучоғидан роҳатланинг ва юрагингиз Унинг қаршисида очилсин.

Самовий Ота, Сен мени қандай яратган бўлсанг,
шундай севгин. Келин ўзини Куёв учун тайёрлагандек,
мен ўзимни Сен учун тайёрлайман. Мен Сенинг
юрагингдаги муҳр бўлайин ва Сен мен учун
тайёрлаган барча нарсанинг тўлиқлигига кирганимда,
Сенинг табассумингни кўришга ижозат бер.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕНИНГ КУЁВИМ МЕНИ
КЎРИБ ХУРСАНД БЎЛАДИ.

*Hakukanga
kyru*

ДОНОЛИКНИ ГАПИРУВЧИ

*“Ёқимли сўз – мумли асалдир, у жонга
ширин ва суюкларга шифобахшдир”.*

ҲИКМАТЛАР 16:24

Хаворий Юҳанно дўсти Гайга шундай деб ёзган: “Севиклигим, сенинг жонинг муваффақият қозонаётгани каби, сен барча нарасада муваффақият қозонишинг ва соғ-саломат бўлишинг учун ибодат қилмоқдаман” (3-Юҳанно 1:2).

Юҳанно тана соғломлиги жон фаровонлигидан ажралмас эканини билган. Ушбу икки соҳа ўзаро чамбарчас боғланган. Гарчи сўзлар кўкариш ва шилинган излар қолдирмасада, Муқаддас Китоб сўз – ҳам ўлдирувчи қурол, ҳам шифолловчи малҳам бўлиб хизмат қилишга қодир эканини айтади: “Ўйламасдан гапирадиган одам қилич каби яралайди, доноларнинг тили эса шифолайди” (Ҳикматлар 12:18).

Хафа қилувчи ва ғазабли сўзлар, худди ўткир пичоқ каби таъсир қилади. Бири орқани, бошқаси қоринни жароҳатлайди, учинчиси эса, қўлда из қолдиради. Кейин дилозор кетади, биз эса – қўлаганимиздан эсанкираб, топталган ҳис-туйғулар ва қони оқиб турган жон билан қоламиз. Биз бир лаҳза таажжубланиб, кўзларимизни юмамиз – қандай қилиб сўз шунчалик оғриқ келтириши мумкин?

Аммо энди биз бошқа овозни эшитамиз. Сокин ва мулойим.

Худди олтин қуёш тумани зулматни тарқатиб юборгандек, унинг тафтини ҳис қиламиз. Ҳаёт ва шифо сўзлари, бизни жароҳатлаган сўзларни бекор қилади. *Мен сени севаман. Мен сен биланман. Сен меникисан.* Уларнинг нозик тафти жизил-латадиган оғриқни тинчлантиради. Ушбу сўзларнинг ҳар бири жароҳатларни шифолайди ва йўқотилган кучни қайтариб беради.

Сўзларнинг жонимиз устидан ҳокимияти шундай ҳисобланади. Улар жароҳатлаши ва шифо бериши мумкин. Сўзларнинг кучини билган ҳолда, келинг, уларни яралаш ва оғриқ келтириш учун эмас, балки озод қилиш ва шифолаш учун ишлатайлик. Сўзларни ўйламасдан отмайлик, аксинча, уларни эҳтиёткорлик ва донолик билан танлайлик. Биз сўзларимизни назорат қилиб, уларнинг кучини ҳурмат қиламиз.

Ким учундир оддий далда ва ҳамдардлик сўзлари, ҳамма нарсани ўзгартириши мумкин. Биз Худонинг Сўзидан гапирганимизда, оғзимизда ҳаётбахш дори бўлади. Фақатгина У – ҳақиқий шифокор ва Унинг сўзлари шифо келтириши ажабланарли эмас. Қўллаб-қувватловчи сўзларни айтиш жуда оддий, аммо улар кимнингдир ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

Сиз танлайсиз. Сиз бугун қандай сўзларни танлайсиз – эзгулик йўлидаги сўзларними ёки ёвузлик йўлидаги сўзларними?

Худойим, менга сўзларнинг кучини ўргатгин. Сен менинг йўлимга юборадиган одамларга руҳлантириш ва шифо келтирадиган сўзларни гапиришимга ёрдам бергин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ШИФО, ДОНОЛИК ВА ҲАЁТ
КЕЛТИРУВЧИ СЎЗЛАРНИ ТАНЛАЙМАН.

БИР БУТУН

“Ё, Раббий, менга йўлларингни ўргат ва мен Сенинг ҳақиқатингда юраман. Менинг юрагимни Сенинг номингдан қўрқиш учун мустаҳкамла”.

САНОЛАР 85:11

Анча олдин, Исроилга бўлган саёҳат вақтида, бизнинг гидимиз Жон иккиламизга римликлар ҳақида сўзлаб берганини эслайман. Унинг таъкидлашича, улар қайсидир маънода олийҳиммат босқинчилар бўлишган. Улар яҳудий халқига ўз эътиқодига амал қилишига рухсат беришган, лекин бир шарт билан – яҳудийлар Рим маданиятини қабул қилишлари керак эди. Римликлар яҳудийларнинг римликлардек ўзини тутишини, кўринишини ва яшашини хоҳларди. Асрлар ўтди, аммо душманнинг бостириб кириш усули ўзгармади.

Бугун бизга: “Биздаги қадриятлар тизимини ҳам қабул қилиш шарти билан, ўз динингизга эътиқод қилишингиз мумкин. Ақлингизни ишлатинг, – ҳамма учун ягона бўлган ҳақиқат йўқ, ҳар бир киши ўз ҳақиқатига эга. Хоҳлаган нарсангизга ишонинг, лекин биздек йўл тутинг!” – дейишади.

Албатта, биз бунга рози бўлмаймиз. Худо ҳеч қачон бизни маданият таъсири ортидан эргашишга чақирмаган. Биз дунё билан бир эмасмиз, биз Унда бирмиз. Бу биз Исонинг сўзларига ишонишимизни англатади: “Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Ҳеч ким Менсиз Отанинг олдига бора олмайди” (Юҳанно 14:6).

Биз даврнинг расм бўлган таъсирига эмас, Раббимизга эргашамиз. Унинг ҳақиқати бизни одатга айланган йўллари қолдириб, Худонинг режаси томон кўтарилишга руҳлантиради. Худо биз каби

эмас – бутунлай бошқа даражаларда фикрлайди. Қуруқ сўзлар, бизни аввалгидек қолишга, хатти-ҳаракатларимизни оқлаш йўлини қидиришга, ўз виждонимизни сотишга ундайди. Бу дунё – бизнинг уйимиз эмас, биз бор-йўғи мусофирмиз, холос. Бу биз ортиқ маданиятга мослашмаслигимизни, лекин Муқаддас Худойимиз билан муносабатлар орқали ўзгариб боришимизни англатади.

Биз доноликни, зерикарли дунёнинг қочиримлари, шиорлари ва ғояларидан эмас, балки Худонинг Сўзидан оламир. Масихнинг издошлари сифатида, биз бир-биримизни руҳлантиришга даъват этилганмиз. Бу шунчаки қўллаб-қувватлашни эмас, балки бир-биримизга Худонинг ваъдаларини эслатиб, дадилликни ўғотишимизни англатади. Дунё бизга: “Борлигингизча бўлинг. Сиз ўзингизни ўзингиз яратасиз” – дейди. Аммо биз – буюк саросима вақтида ер юзида яшовчи осмон элчиларимиз. Биз ўзимиз учун яшамаймиз – биз У учун яшаймиз.

Раббийнинг Сўзини бу асрнинг қадриятлари билан аралашадиган даражада қориштириш мумкин эмас. У доим ажралиб туради. Биз бир оёғимиз дунёда туришига уринсак, шубҳасиз қийинчиликларни бошдан кечирамиз, чунки у ҳолда юрагимиз ҳар хил томонга тортилади. Бугунги оятда Довуд, бизнинг юрагимиз бутун бўлиши кераклигини тўғридан-тўғри айтган. Сиз Худога бутун юрагингиз билан хизмат қилишни хоҳлаганингиз учун, ушбу сатрларни ўрганаётганингизга ишонаман. Худо бизнинг юрагимиз, боғлиқликлар орасидаги ички курашдан парчаланишини истамайди. Худо бизни Унинг ғамхўрлигига ишонган ҳолда, ўз юракларимизда тинчлик ўрнатишга ва шундан кейингина жонларимизнинг душмани билан жангга киришишга даъват этмоқда.

Раббий, Сенинг шоҳлигинг – бу менинг йўлим
ва мўлжалимдир. Юрагимни Сенинг исминг
қаршисидаги эҳтиромда мустаҳкамлагин.

Мен кузлиман

ЧУНКИ МЕНИНГ ЮРАГИМ БУТУН.

ДЕВОРЛАР

*“Ўша кунн Яҳудо ерида ушбу қўшиқ куйланади:
“Бизнинг шаҳримиз мустаҳкам; У бизга нажот
учун деворлар ва кўтармалар тайинлади””.*

ИШАЪЁ 26:1

Қадимда шаҳарларни душманлардан ва ёввойи ҳайвонлардан ҳимоя қилиб, уларни баланд деворлар билан ўрашган. Ҳозир бундай эмас, аммо яқин ўтмишда бирорта шаҳар, мустаҳкам қалъа деворларисиз бўлмаган. Улар ташқаридан келадиганлар учун огоҳлантириш бўлиб хизмат қилган: “Биз фақат хавф туғдирмайдиганларни киритамиз”. Ичкарида яшовчилар учун деворлар хавфсизлик рамзи эди. Одамлар деворларга ва соқчиларга ишонганлар – шаҳар босқинчи ва талончилардан ҳимояланганини билганлар. Деворлар аҳолини ҳалокатли касалликлардан, ёмон об-ҳаво ва қум бўронларидан ҳам сақлаган.

Энди, деворларсиз, қароқчи ва босқинчилар исталган вақтда бостириб келадиган шаҳарни тасаввур қилинг. Душманлар кўнглига тусанган пайтда келиб, кетадилар. Ҳеч қандай ҳимоя ва осойишталик йўқ. Ким бундай жойда яшашни хоҳлайди?

Биз ўз руҳимизни ҳимоя қилмаганимизда, мана нима содир бўлади. Бизнинг юрагимиз осойишта бандаргоҳ, хавфсизлик ва тинчлик маскани бўлмай қўяди. У бўлганган, талон-тарож қилинган шаҳарга айланади. Биз ўзимизни ҳиссиётлар, қизиқишлар, ёлгонлар ва тўсиқларсиз ичкарига кирадиган, вайрон қилувчи сўзлар ихтиёрига топширамыз. Ҳафсаласи пирлик бизнинг ҳаёт нонимизга, қайғу ва тавба қилиш эса – одатий озуқамизга айланади.

Қандай қилиб, биз жонимизнинг ҳимоя деворларини қайта тиклашимиз мумкин? Келинг, ўз сўзларимизга маъно беришдан, шифоловчи ва барпо қилувчи сўзларни танлашдан бошлайлик. Худонинг Сўзини ўқинг ва уни ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасида: никоҳда, ишда, фарзандлар тарбиясида ва дўстликда қўллашни ўрганинг. Ҳаётингизнинг ушбу соҳаларини дуо қилинг ва ҳатто, фикрларингизда ҳам лаънат сўзларини айтманг. Худонинг Руҳи жонингизни ўзгартиришига рухсат беринг ва сиз ҳосилларни йиғиб оласиз.

Худо сизни ўтмишдаги ғазаб кўтарилишларидан ёки жароҳатловчи сўзлардан халос қилишига рухсат бериш жуда муҳим. Бу сизнинг ёки бегонанинг сўзлари бўлиб, сизнинг деворларингиз уларнинг ўқ ёмғири остида қолган бўлиши мумкин. Ёки бу сиз ўзингизга айтадиган вайрон қилувчи сўзлар бўлиши мумкин. “Аслида мен ҳеч кимга керак эмасман. Ҳамма менга хиёнат қилади, натижада, мен ёлғиз қоламан”. Ёки “Мен хунук ва семизман. Умуман олганда кимга ҳам ёқардим?” Бу сўзлар – ичкаридан вайрон қилувчи заҳарли ўқлар кабидир. Деворларингизни бузманг, аксинча уларни Худонинг Сўзи билан мустаҳкамланг. Ўзингиз ҳақингиздаги ҳақиқатни эълон қилиш учун Унинг ваъдаларидан фойдаланинг ва улар сизнинг юрагингиз учун ишончли ҳимоя деворларига айланишига рухсат беринг.

Самовий Ота, менга Ўз Сўзинг орқали, ўзим ва ҳаётим ҳақидаги ҳақиқатни очгин. Менга юрагимнинг атрофида, чидамли ҳақиқат деворларини кўтаришимга ёрдам бергин, токи юрагим уларнинг ҳимояси остида гуллаб-яшнасин.

Мен кўзлиман

ЧУНКИ МЕНИНГ ЮРАГИМ ХУДО
СЎЗИНИНГ ҲИМОЯСИ ОСТИДА.

АЙЛАНМА ЙЎЛ

“Чунки ошкора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, маълум ва аён бўлмайдиган ҳеч яширин нарса ҳам йўқ”.

ЛУҚО 8:17

Мен Колорадога кўчиб келиб, меҳмонхона учун мебель сотиб олишга қарор қилдим. Менга бирдан ёқиб қолган ўша мебелни, қандай топганимни эслайман. Мен: “Мана ўша мукамал диван!” – деб ўйладим. Диван дўконнинг атрофидаги чиройли безаклар ва суратлар билан ўралган девори ёнида турар ва ҳашаматли кўринарди. Кейин мен диванимни орқасида девор бўлмаслигини эсладим. У ҳар томондан ўзича яхши кўриниши керак эди. Диванни орқасидан кўриш учун, девордан сурганимда, ҳеч нарса ўхшамаслигини тушундим. Агар мен уни фақат олдидан кўрсанмиди, уни дарров ўйга олиб кетган бўлардим. Мен бир куни уни бошқа томондан кўрмаганимча, менга ёқарди.

Аксариятимиз гуноҳнинг фақат ташқи жиҳатини кўраемиз. Бизга унинг қандай кўриниши, қандай ҳис-туйғулар қўзғашини ёқадими ва биз ўзимизга: “Оламан!” – деймиз. Фақат кечроқ унинг “бошқа томони”ни кўрганимизда, уят ва ҳафсаласи пирликни бошдан кечиравемиз. Биз яширинча гуноҳ гапларни гапирганимизда ёки гуноҳ қилганимизда, Худо бизни уялтиришга уринмайди – биз ўз-ўзимизни ноқулай ҳолатга солиб қўямиз. Бу худди яширинча уруғ ёқиб, кейин ўсимлик ўсиб чиққани учун Худодан хафа бўлишга ўхшайди. Эҳтимол, изларни шунчалик яхши ўчира оламиз, деб ўйлаймиз ва бугунги оят бизга бутунлай дахлдор эмасдек. Аммо Муқаддас Ёзув ҳеч нарса яширин қолмаслигини айтган бўлса, демак, қоидадан истиснолар йўқ.

Буни англаб етиш ва янада ақл билан иш тутиш нақадар зарур. Эфесликларга мактубда бу “эҳтиёткорлик билан юриш” деб аталади. “Фош қилинадиган ҳамма нарса нур томонидан аён қилинади, чунки аён қиладиган ҳамма нарса нурдир... Шундай қилиб, қаранглар – нодонлар каби эмас, балки донолар каби эҳтиёткорлик билан юринглар” (Эфесликларга 5:13, 15).

Эҳтиёткорлик билан юриш – ҳаётимиздаги ҳамма нарса ўзаро боғлиқлигини англаган ҳолда яшаш демакдир. Бугун унутилгандек кўринган нарса, эртага бизни қувиб етиши мумкин. “Эҳтиёткорлик билан” сўзининг ўзи – пухта ўйланган, эҳтиёткорона, ҳамма мумкин бўлган жиҳатларни чамалаб кўриш, ишни ҳар томондан кўздан кечириш деган маъноларни англатади. Бу харид қилишдан олдин уйни текширишга ўхшайди: мижоз хонадон харид қилишдан олдин, сифатга баҳо бера олиши учун якка тартибда иморат қурувчи шахс уни барча хоналар бўйлаб олиб ўтади. Ҳаётда ҳам шундай: биз ўз қарор ва ҳаракатларимизни ҳар томонлама баҳолашимиз керак. Биз ўз қароримиз атрофи бўйлаб “айланиб чиқишимиз” - ҳар бир “хона”га назар солишимиз, барча мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олишимиз ва шундан кейингина танлов қилишимиз керак. Ўшанда бизнинг ҳаракатларимизда донолик бўлади ва қабул қилинган қарорлар афсусланиш эмас, куч манбаига айланади.

Раббий, Сен учун ҳеч қандай яширин нарса – мен
Сендан яшира олишим мумкин бўлган ҳеч нарса
йўқлигини менга эслатиб тургин. Мени барча
ишларда эҳтиёткорликка ўргатгин, токи менинг
хатти-ҳаракатларим Сенга шўҳрат келтирсин.

Мен кўзгидан

ЧУНКИ МЕН ФАҚАТ БУГУНГИ КУН
БИЛАН ЯШАМАЙМАН.

АФСУС- НАДОМАТЛАР ДИЁРИНИ ТАРК ЭТИБ

*“Шаҳар дарвозасининг кириш қисмида тўрт нафар
мохов киши турар эди ва улар бир бирларига дедилар:
“Ўлимни кутиб, биз бу ерда ўтириб нима қиламиз?”*

4-ШОҲЛИКЛАР 7:3

Кайсидир лаҳзада ҳар биримиз ўзимизга: “Бас” — деб айтишимиз керак бўладиган нуқтага яқинлашамиз. Мохов касаллиги танани кемирганидек, афсус-надоматлар ҳам юракни муқаррар кемиради. Кучли аёллар қачон туриб, юриш вақти келганини билишади. Афсус-надоматлар ботқоғига ботиб қолмаслик учун мақсадга йўналган ҳолда яшанг. Ўз мақсадингизни ёдда тутиб, келажак томон юринг, чунки мақсадсиз йўл — бу шунчаки сарсон-саргардонликдир. Сиз интилаётган жойга боришнинг бошқа йўли шунчаки йўқ. Эҳтимол, сиз ҳозир бўлишни хоҳлаган жойда эмасдирсиз. Эҳтимол, сиз қоронғу афсус-надоматлар диёрига бориб қолгандирсиз. Сизга сирни очаман: афсус-надоматлар ўз-ўзидан сизни қўйиб юбормайди.

“Агар фақат...” иборасини “ҳозирнинг ўзида” иборасига алмаштириш вақти келди. Афсус-надоматлар билан юзма-юз учрашмагунимизча, унинг садоси ҳаётимизда жаранглайверади.

Мен ҳар бир авлодда ўз хатоларини тузатиш имконияти ҳам, бунга ҳаққи ҳам борлигига ишонаман. Биз ҳақиқатни очиқ айтиш

ва ортимиздан келаётганларни огоҳлантириш орқали бунга эришишимиз мумкин. Аммо биз ўз афсус-надоматларимиз билан маст бўлиб қолсак, бунга эриша олмаймиз. Биз улардан халос бўлиб, ўз хатоларимизни донолик меросига айлантирамыз. Бу эса, кейинги авлодда юқорироқ кўтарилиш, аниқроқ кўриш ва қачонлардир биз тушган тузоқлардан қочиш имконияти бўлади. Ҳозир ўтмишдаги муваффақиятсизликларимиздан афсусланиб, таслим бўлиш вақти эмас, мақсадсиз сарсон-саргардон бўлиш вақти эмас. Олға юриш вақти келди.

Худойим, мен афсус-надоматлар асирлигида қолишдан бош тортаман. Мен бошқалар учун куч манбаига айланиш йўлида ўрнимдан туриб, олға юраман. Ўзимнинг “агар фақат” сўзларимни, “ҳозирнинг ўзида!” сўзларига алмаштираман ва ўтмиш ҳақидаги афсус-надоматлар ўрнига, келажагим ҳақидаги Сенинг ваҳийингни қабул қиламан.

Мен кутганиман

ЧУНКИ ЎЗ АФСУС-НАДОМАТЛАРИМНИ
МАҚСАДГА АЛМАШТИРАМАН.

СҮЮКЛИ

“Зеро сенинг Яратувчинг – сенинг эрингдир. Унинг исми – Қўшинлар Худовандидир. Исроилнинг Муқаддаси – сенинг қайта сотиб олувчингдир, У бутун ер юзининг Худоси деб аталади. Чунки Раббий сени ташлаб кетилган ва руҳан қайғураётган хотинни, яъни рад қилинган ёшликдаги хотинини чақиргандек, чақирмоқда, – дейди сенинг Худойинг”.

ИШАЪЁ 54:5, 6

Бугунги парча аёллар учун алоҳида ваъдани ўз ичига олади. Худо Ўзини бизга “Ота” деб аташи мумкин эди, аммо бу ерда У бошқача гапирмоқда. Ўзини йўлдан озган хотинни, ҳақиқат йўлига қайтараётган севувчи эр сифатида кўрсатди ва Ўз ваъдасининг ишончилиги ҳақида гапирди: “Тоғлар ўрнидан қўзғалади ва тепаликлар тебранади, лекин Менинг сенга нисбатан эзгулигим ўрнидан қўзғалмайди ва Менинг тинчлик аҳдим тебранмайди” (10-оят). Сиз ҳаётингизда қандай изтиробларга йўлиққан бўлсангиз ҳам, Худонинг сизга бўлган севгиси ҳеч қачон ўзгармайди. Бу масалани ўзингиз учун узил-кесил ҳал қилинг.

Муқаддас Китобнинг ушбу парчасида ҳеч қандай баҳона йўқ. У барчага истисносиз қаратилган: турмушга чиқмаганларга, ажрашганларга, фарзандсизларга, беваларга қаратилган. Ўзини синган, номуносиб, тушкун, батамом йўқолган деб ҳис қилганларга қаратилган. Бу ваъда ёшга боғлиқ эмас. Бу

– Ўзининг қимматбаҳо суюклиларига қаратилган Худонинг овозидир. У Ўз аёлларига тинчлик таратади. Шунинг учун Унинг тинчлигини қабул қилинг ва бу юрагингизнинг түбидә яширин ётган ғазаб, ташвиш ва қўрқувни шифолашига рухсат беринг.

Аёлларга ноёб имконият берилган. Биздаги ҳамма нарса – тана, юрак, жон – хизмат қилиш ва янги ҳаётни ўстириш учун яратилган. Аммо кўпинча биз яхшилик қилишдан чарчаймиз ва Самовий Отамизнинг норозилигига сабабчи бўлишдан қўрқиб яшаймиз. Биз қанчалик ҳаракат қилмайлик – бу барибир камдек, ҳеч қандай қурбонлик етарлича бўлмайдигандек туюлади. Аммо шуни ёдда тутинг: барчаси нима қилаётганингизга эмас, балки сиз учун аллақачон амалга ошган нарсага асосланган. Биздан ҳеч ким Худонинг мезонига мос келадиган даражада мукаммал ҳаёт кечири олмайди. Биз Унинг юрагидаги аёллар бўлишимиз керак, бироқ рад этилишдан ва Унинг ғазабидан қўрқсак, Унинг ортидан эргашмаймиз. Бундай қўрқув фақат ҳафсаласи пирликка олиб келади. Худо Ўз қизларини бу юкдан озод қилишни хоҳлайди.

Сизлар – Унинг нияти бўйича яратилган аёлларсиз, сизда илоҳий мақсад бор. Бу мадҳ қилишга арзийди, чунки сиз ажойиб яратилгансиз – абадул-абад севилгансиз.

Раббий, Сен мени қандай кўришни хоҳлаган бўлсанг, менинг жонимда ўша аёлнинг тимсолини муҳрагин. Мен Сенинг барқарор севгингни ва Сен мен учун амалга оширган барча нарсаларни қабул қиламан. Мен ўзимнинг аёллик табиатимда оромга эга бўлиш учун мени Ўзингга яқинлаштиргин.

Мен кўрликман

ЧУНКИ МЕН АЖОЙИБ ЯРАТИЛГАНМАН.

ИККИНЧИ ТОИФАЛИ ЭМАС

“Мен сизларга Ота бўламан, сизлар эса Менинг ўғилларим ва қизларим бўласизлар” – дейди Раббий Қодир Худо”.

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 6:18

Мен Масихни қабул қилиб, Худо мени ҳақиқатан ҳам севишини англаганимда, бу менга деярли тушунарсиз бўлиб туюлган. Бундай ҳайратланарли раҳм-шафқатга жавобан, мен ўзимни Унинг ғамхўрлигига ишониб топширдим. Ўшанда менинг аёл эканим муаммо бўлиши мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмаган. Аммо кейин мен турли жамоатларга ва масиҳий анжуманларга ташриф буюра бошладим ва у ерда эшитганларимдан келиб чиқиб, Унинг менга бўлган севгиси масаласи тобора мураккаб туюлди. Аста-секин менда, худди мен бу шоҳликда, иккинчи тоифали фуқаро сифатида қайта сотиб олинганман, деган тасуувур пайдо бўлди. Эътибор беринг, мен буним кимдир тўғридан-тўғри айтди деб ўйламайман, лекин бу гап-сўзларнинг замиридаги маънони англатарди: аёлларга ишонмаслик керак ва худди улар қутқарилишга арзимайдигандек.

Мени саросимага солиб қўйган биринчи воқеа, коллеж пайтида содир бўлди. Бир масиҳий анжуманида ажойиб хизматдан сўнг чўпон ибодат қила бошлади ва минбарга ўз рафиқасини таклиф қилди. Мен бу нозик, ёқимтой аёл, минглаб одамларнинг қаршисида минбарга кўтарилишини кузатдим. Сўнгра чўпон ҳазил қилиб, асосан рафиқасига қарата аччиқ танбеҳлар ота бошлади. Аёл ҳам ҳазиллашиб жавоб қайтарди. Жамоат аъзолари кулиб юборишди, мен эса ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Унинг ҳазиллари аёлниқидан кўра кескинроқ туюларди.

Гўё аёл ўзининг чегарасини билар, эрида эса бу чегаралар йўқ эди.

“Биз эркаклар аёлларсиз қаерда бўлган бўлишимизни биласанми?” – деб у хушмуомалалик билан сўради. Мен энди шундай тиконли ва истехзоли танбеҳлардан сўнг, у бирор яхши нарса айтишига соддаларча умид қилдим.

“Эркаклар ҳали ҳам Адан боғида бўлган бўлишарди”. Зал кулгудан портлади. Наҳот, бу нарса фақат менга қаттиқ теккан бўлса? Наҳот, мени масхарага айлантирадиган бошқа дунёга тушиб қолишим учун, уятга тўла бошқа дунёни тарк этган бўлсам? Ёноқларим қизариб, томоғимга бир нима келиб тиқилгандай бўлди. Мен зўрға кўз ёшларимни тутиб турдим. Эртаси куни мен хизматга бормадим. Мен баҳона тўқиб, болалар хизматига кўнгилли бўлиб бордим. Мен йиғлаётган чақалоқни қўлларимда силкитганимда, Худо мени севишига ишонишим осон эди. Мен уларни қучоқлаб, Худо мени худди шундай қучоқлашини тасаввур қилар эдим. Юрагим зор-зор йиғлар, У эса мени мулойимлик билан юпатар эди. Мен бир нарсани – Унинг қизи, У эса менинг Отам эканини билардим. Ўшанда кўп нарсани тушунмаганман, бироқ Унинг севгиси шубҳасиз эди.

Нима учун аёллар ўз жинси ҳақида камситувчи танбеҳларга чидайдилар? Қўрқувданми? Бунинг сабаби янада чуқурроқ деб қўрқаман. Кўпчилигимиз ғайриихтиёрий бўлса ҳам, бу сўзларда қандайдир ҳақиқат борлигига ишонамиз. Биз чиндан ҳам камроқ муносибмиз, демак, шундай муомалага арзиймиз. Лекин бу ундай эмас. Бунга ишонманг. Худо аёллардан, улар аёл бўлгани учун ғазабланмайди. У бизни иккинчи тоифали одамлар қилиб яратмади. У бизни Ота ўз боласини севгани каби севади ва Унинг бизга бўлган севгиси шубҳасиздир.

Раббий, Сен мени аёл қилиб яратганинг учун Сендан миннатдорман. Менга қадр-қимматим ҳақидаги ва Сенинг менга бўлган севгинг ҳақидаги ҳақиқатни очгин.
Ўз қизларингни руҳлантириб, уларга куч бергин.

Мен кулгиман

ЧУНКИ МЕН УНИНГ ҚИЗИМАН – МЕН ИККИНЧИ ТОИФАЛИ
ЭМАСМАН, МЕН УНИНГ БИРИНЧИ СЕВГИСИМАН.

СИЗНИНГ БУТУН СЕВГИНГИЗ

“Худо одам эмаски, алдаса ва инсон ўғли эмаски, ўзгарса”.

СОНЛАР 23:19

Кўпгина аёллар уларнинг ҳақиқий тақдири – улар турмушга чиққанидан ва орзусидаги эркакдан, абадий севги ваъдасини олганидан кейингина бошланади деб, хато ўйлашади. Биз ушбу йўлнинг қайсидир жойида муҳимини – биз Унинг орзуси эканимизни унутиб қўйганмиз. Севги бизни топгунича кутишимиз керак эмас: у аллақачон бизни топди. Исо бизни биринчи бўлиб севди. “Мен севилганманми?” саволи абадий ёпилган.

Шунга қарамай... Асрлар давомида Ҳавванинг қизлари Одам Атонинг ўғилларига: “Менга бутун севгингни бер. Мени ҳимоя қил. Менинг энг зарур – ҳимоя ва хавфсизликка бўлган муҳтожлигимни қондир” – дея айтиб келишади. Бунга жавобан Одам Атонинг ўғиллари, сўз билан ифода эта олмайдиган истагини, Ҳавванинг қизлари қондиришига умид қилиб, ўзлари бажара олмайдиган ваъдаларни беришади. Иккала томоннинг ҳам интилишлари муваффақиятсизликка учраши муқаррар, чунки ҳар биримизнинг кўнгил истакларимизни амалга оширишга фақат Худо қодир.

Жон Эдриж ўзининг ажойиб “Жиловланмаган юрак” номли китобида, ўз истакларини “оқсуяк қизда” амалга оширишни излайдиган эркакларнинг ҳафсаласи пир бўлгани ҳақида гапиради. Аёллар ҳақида нима дейиш мумкин? Ахир, биз ҳам

нотўғри нарсага умид боғламаяпмизми? Одам Ато бошидан, бизнинг умидларимизни оқламасликка маҳкум бўлганига қарамасдан, биз унда тўлиқликни жуда узоқ қидирдик. Одам Ато Ҳавва учун шунчаки эрдан кўра кўпроқ нарсани англатган. Маълум бир маънода, у Ҳавва учун ота тимсолида эди, чунки у – эркадан туғилган ягона аёл эди. Ҳавва илон томонидан алданиб, гуноҳга қўл урди, сўнгра ўзиники каби Одам Атонинг танловидан ҳафсаласи пир бўлди. Ростини айтганда бизга, биздан эмас, бошқа каттароқ нарсадан куч оладиган эркалар керак.

Бу Одам Ато ўғилларининг айби эмас, улар шунчаки биз излаётган баракани беришга қодир эмас. Биз ҳам ўз навбатида, ўзимиз уларга жонларимиз устидан шундай ҳокимиятни бериб, уларни қўрқитиб қўйдик. Биз чинакамига муҳтож бўлган баракалар, фақат Худодан келишини тушуниб етишимиз зарур. У бизга янги исм беришига рухсат беришимиз керак, ахир, биз энди Ҳавванинг сояда яширинувчи қизлари эмас, балки нур ва ваъданинг қизлари – Унинг келинларимиз.

Эркалар билан муносабатларда севги, дўстлик, умр йўлдош топишимиз мумкин – лекин ҳеч қачон Нажоткорни топмаймиз. Фақат Исо – ёлғон гапира олмайдиган Инсондир, чунки У Ҳақиқат. Унинг Муқаддас Рўҳи биз нафас олаётган ҳаводан кўра яқинроқдир. Биз Исода нажот топганмиз, ҳимояланганмиз, ардоқлаб вояга етказилган ва шифоланганмиз, чунки буларни фақатгина мукаммал севадиган Шахс уддалай олади.

Раббий, Сен ёлғони йўқ Ҳақиқатсан. Фақат Сен мени шифолай оласан. Жоним устидан ҳокимиятни, Сендан бошқага топширганим учун кечир.

Мен кўзгидан

ЧУНКИ ЭРКАКЛАРДА ЭМАС, АММО ХУДОДА
БУТУНЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТАМАН.

НУРДА ЮРИШ

“Агар У нурда бўлгани каби, биз ҳам Унга ўхшаб нурда юрсак, бир-биримиз билан мулоқотда бўламиз ва Унинг Ўғли Исо Масиҳнинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан поклайди”.

1-ЮХАННО 1:7

“У нурда бўлгани каби, биз ҳам Унга ўхшаб нурда юриш” нимани англатади? Бу саволга жавоб бериш учун олдинги оятга мурожаат қилиш керак: “Худо – нур ва Унда ҳеч қандай қоронғилик йўқдир” (1-Юҳанно 1:5). Худо нурда шунчаки юрмайди; Унинг Ўзи Нурдир. Бу нур ташқи қобиқдан чиқмайди, балки Унинг моҳиятининг ўзидан келиб чиқади. Унда заррача ҳам қоронғилик йўқ – бу Унинг табиати учун бегонадир. Биз буни ҳатто, англаб етишимиз ҳам қийин, тасаввур қилиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Биз дунёда кўраётган барча нарсa, қандай бўлмасин, қоронғи томонига эга. Бизга маълум бўлган ҳар бир нур манбаи, буюмларни соя туширишга мажбур қилади. Аммо ҳаворий Юҳанно, атрофда ёки биздан ташқарида порловчи ташқи нур ҳақида эмас, балки юракдан, ичкаридан чиқувчи нур ҳақида гапирмоқда.

Юҳанно табиий, жисмоний эмас, балки руҳимизнинг нурини назарда тутати. (Бу Мусо билан содир бўлганидек, гарчи осмонда бўлсада, бу нури чиндан ҳам оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади.) Қоронғи соялар эгаллаган замонавий дунёнинг зулматида, биз юрак поклигини сақлаганимизда, нурда юрамиз. Исонинг қони бизни тозалашига рухсат бериб, ҳаётимиздаги зулматни тарқатиб юборамиз. Бу бошқа

имонлилар билан ҳам, Худо билан ҳам, биродарлигимизни қайта тиклаб, қўллаб-қувватлайди. Аммо “Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат йўқдир” (1-Юҳанно 1:8).

Агар бизда заррача бўлса-да, ўз-ўзини англаш бўлганида эди, кўпчилигимиз ҳеч қачон гуноҳсизлигини даъво қилмаган бўларди. Аммо бу содир бўлиб туради, боз устига, буни ҳатто, сезмай қоламиз. Биз ўз қилган ишимизга сабаблар келтириб, бошқани айблаб ёки ўзимизни оқлаганимизда, аслида бенуқсонлигимизни айтиб даъво қилган бўламиз. Бу бизнинг сўзларимизда шундай жаранглайди: “Кечир. Биламан, ... бундай қилмаслигим керак эди, аммо (шу ерда ўзингизни оқлайсиз). Аксариятимиз бундай фикрлаш усули билан яхши танишмиз. Биз у ёки бу шаклга болалигимиздан мурожаат қиламиз. Аммо бу кечирим эмас – бу айбни тўнкаш усули. Биз ўз ҳаракатларимиз учун жавобгарликни ўз зиммамизга олмаганимизча, ҳақиқий тавба бўлмайди.

“Кечир, лекин сен мени шунга мажбур қилдинг!” – бу айблаш усули. Менда бошқа чора йўқ эди, дегандек бўламиз. Юҳаннонинг биринчи мактубидаги 1:8-оятда, биз бундай намунага амал қилиб ва айбсизлигимизни маъқуллаб, ўз-ўзимизни алдаймиз ва “бизда ҳақиқат йўқдир”. Ҳақиқатни билиш бошқа, ҳақиқат бўйича яшаш бошқа нарса.

Худо пок қўллар ва пок юракни истайди, улар камтарлик, очиқлик ва ҳалоллик орқали келади.

Раббий, менга айблашни ва зулматнинг ҳар қандай кўринишини оқлашни бас қилишни ҳамда нурда юришни ўргатгин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ НУР МАНБАИНИНГ ЎЗИ МЕНИ
ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ЕТАКЛАЙДИ.

Муносабатларда қизли

ҲЕЧ ҚАЧОН РАД ЭТИЛМАЙДИГАН

“Чунки Унинг ғазаби бир лаҳзали, илтифоти эса бир умрдир”.

САНОЛАР 29:6

Бошқа одамнинг дилини оғритиб ёки хафа қилиб қўйганингизни тушунганингизда, қандай йўл тутасиз? Мен ўзимнинг аччиқ тажрибамдан шунга амин бўлдим, агар мен ўзимни четга олсам, ундан қочсам ёки оқлаш йўлини қидирсам, муносабатлар барбод бўлишни бошлайди. Бироқ мен одамга юрагимни қаратсам, қўлимни чўзсам – ва энг қийини – ўзимни паст олиб, кечирим сўрасам, унда ҳаммасини қайта тиклаш имконияти пайдо бўлади. Одамлар билан муносабатларда ҳатто, биз бошқа одам томонидан кутилган муносабатни кўрмаганимизда ҳам, бу доим тўғри йўл ҳисобланади. Баъзан одамлар кечирмасликка қарор қилишади, лекин улар қўйидагини билиб олишлари шарт: Худо бундай қарорни ҳеч қачон қабул қилмайди. Унинг севгиси ва кечирими инсонниқидан устун. Ҳатто У юз ўгирдандек кўринсада, У ҳеч қачон сизни рад этмайди.

Шундай вақтлар бўлади, мен Худо хулқ-атворимдан унчалик ҳам рози эмаслигини тушунаман. Лекин мен буни рўйирост тан олиб, тавба қилган ва Ундан кечирим сўраган ўша лаҳзадаёқ, юрагим Унинг нури ва севгисига тўлади. Ҳатто мен ҳукм қилинишга лойиқлигимни билсамда, У мени Ўзининг

рахм-шафқати билан ювади. У мени шубҳасиз ишонтиради: “Сен Меникисан. Мен сени севаман. Мен ўзгармоқчи эканинга ишонаман. Мен сени аллақачон кечирдим. Энди буни қўйиб юбориш вақти келди”. Ўша лаҳзада, У сиз ҳам шу нарсани билишингизни хоҳлайди.

Сиз Унинг фарзандисиз. У сизнинг ишларингизни, сўзларингизни ёки хулқ-атворингизни рад этиши мумкин, лекин сизнинг ўзингизни ҳеч қачон рад этмайди. Сиз ўз хулқ-атворингиз билан Отани хафа қилганингизни билганингизда, Ундан юз ўгирмасдан, юзингизни қаратинг. Агар сиз ўзингизни четга олсангиз ёки бекинсангиз, бу фақат ишни узоққа чўзади ва устимизда “Унинг илтифоти бир умр” бўлишини бошдан кечириш имкониятидан маҳрум қилади. Ўз юрагингизни очинг ва Унинг севгисини ҳам, сиз ўзлаштиришингиз керак бўлган сабоқни ҳам қабул қилинг.

Ота, Сен мени кучли севганинг туфайли, хатоларимни кўрсатасан. Менга Ўз Сўзинг ва Рўҳинг орқали раҳм-шафқатинг билан ҳаётимдаги покланишга муҳтож бўлган барча соҳаларни кўрсатгин. Мен узоқлашишни эмас, Сенга яқинлашишни танлайман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ЧЕКИНСАМ, КИМНИНГ
ОЛДИГА БОРИШНИ БИЛАМАН.

НИЗО АВЖИГА ЧИҚ- ҚАНДАГИ ТИНЧЛИК

*“Иложингиз борица ҳамма одамлар
билан тинч-тотув бўлинглар”.*

РИМЛИКЛАРГА 12:8

Баъзан низони амалда ҳал қилгандан кўра, тилда бартараф этиш осонроқ. Масиҳийлар ўртасида жанжаллар содир бўлганда, бизда ҳеч бўлмаганда умумий ҳаракатлар тизими, ечим топиш учун ягона мезон бор. Лекин одамлар ярашишдан бош тортадиган вазиятлар ҳам бўлади. Унда нима қилиш керак? Мен билан бундай нарсa бир неча маротаба содир бўлган. Бир марта, дугонамни беҳосдан хафа қилиб қўйиб, бизнинг ўртамызда жарлик кенгайганини ҳис қилганман. Мен ўз ҳис-туйғуларимни таҳлил қилиб, у билан гаплашиб олишга қарор қилдим. Унга тегиб кетиши ёки оғриқ келтириши мумкин бўлган бирор нима қилдимми, деб сўрадим. Ўзим истамаган ҳолда уни хафа қилиб қўйишим мумкинлигини тан олдим ва бунини тузатмоқчи эканимга уни ишонтирдим. У ҳаммаси жойидагиллиги айтди, аммо ўртамызда юзага келган совуқлик ҳеч қаерга йўқолмади. Мен унга совға сотиб олдим, хат қолдирдим ва яна кечирим сўрадим – жавоб йўқ эди. Кейин мен унинг олдига яна бордим. У яна ҳаммаси яхши эканига мени ишонтирди, аммо ҳали ҳам ўзини четга оларди. Охир-оқибат, бизнинг умумий танишимизга мурожаат қилдим ва ундан дугонамни нима билан хафа қилибман, билмайсанми, деб сўрадим. У ҳеч нарсани билмас эди. Мен тушунишга уриниб, унга ҳамма воқеани айтиб бердим. Мен тугатганимда, у сўради:

- Лиза, сен ундан кечирим сўрадингми?
- Ҳа, – дея уни ишонтирдим.
- Сен унга тушунтиришга ҳаракат қилдингми?
- Ҳа, бир неча маротаба, – дедим мен.
- Агар сен мумкин бўлган ҳамма нарсани қилган бўлсанг-у, у барибир мурсага келмаётган бўлса, шунчаки уни тинч қўй.

Унинг сўзларидан сўнг, худди елкамдан тош ағдарилгандай бўлди. Мен Римликларга мактубнинг 12:18-оятидаги насихатга амал қилганимни тушундим: “Иложингиз борича ҳамма одамлар билан тинч-тотув бўлинглар”. Мен айбдорлик ва саросимани ҳис қилдим, чунки нима иш қилганимни билмас ҳам эдим. Аммо гап у бизнинг дўстлигимиздан ортиқ қувонч топмаганлигида ёки шунчаки ҳар биримизнинг ҳаётимизда янги босқич бошланганида бўлиши мумкин. Мен айрим дўстлар Худо менда ёки уларда Ўз ишини тугатишига қараб, ҳаётимда пайдо бўлишини ва ундан чиқиб кетишини пайқадим.

Бизнинг мажбуриятимиз ярашиш учун ибодат қилиш ва Худодан биз бу ишда қандай ролни ўйнашимиз кераклигини сўрашдан иборат. Агар биз ярашишни истаб, одамнинг олдига севги ва камтарликда келсак-у, лекин рад жавобига дуч келсак – бу у ҳали жавоб беришга тайёр эмаслиги сабабли содир бўлиши мумкин. Бу оғриқ келтириши мумкин, аммо сиз Худонинг Сўзига бўйсунсангиз, сиз ҳеч қачон мағлуб бўлмайсиз.

Худойим, муносабатларимда тинчлик ўрнатувчи бўлишим учун менга куч ва бошқа одамнинг муносабати, менинг ихтиёримдан ташқарида эканини фарқлаш учун донолик бергин.
Имкониятим доирасида тинчлик олиб келишимга ёрдам бер.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕН БОШҚАЛАР БИЛАН ВА ХУДО
БИЛАН ТИНЧЛИКДА ЯШАЙМАН.

СЕВГИ ҚАЕРГА ОЛИБ БОРАДИ

“Ё, Худо, мени асра, чунки Сенда паноҳ излайман. Мен Раббийга дедим: Сен менинг Раббимсан, менда Сендан бошқа эзгулик йўқдир... Мен Раббийни доимо кўз ўнгимда тутдим, чунки У менинг ўнг томонимдадир, мен тебранмайман. Шунинг учун менинг юрагим қувонади ва менинг шухратим ҳайқиради. Менинг танам ҳам хавфсизликда ором олади”.

САНОЛАР 15:1, 2, 8, 9

Сизнинг тобеликларингиз сизнинг қарорларингизни белгилайди. Натижада, айнан улар ҳаётингизнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Худо юракда асосий ўринни эгаллашига, Худони ўз тобеликлари марказига айлантиришга интилаётган бизлар учун, “Қандай қилиб мен кўрмаган Зотга юрагимни қарата оламан?”, - деган савол туғилади.

Агар сиз нимадир қилишни ўрганмоқчи бўлсангиз, буни аллақачон яхши қила оладиган бирор киши билан гаплашинг. Шоҳ Довуд Худога қандай эргашишни ва Унга бўлган ўз иштиёқини сақлаб қолишни билар эди. У ўзидан олдин ҳеч кимга ўхшамаган тарзда Худога интилар эди. Довуд ҳеч қачон Худонинг севгисига ёки садоқатига шубҳа қилмаган – унинг бутун ҳаёти Унга нисбатан севги ва миннатдорчилик жавоби бўлган.

Бугунги оятда Довуд сўзлар орқали ўз юрагидаги ваҳийларни ифодалаб, Раббийни ўз қаршисига қўймоқда. Бизнинг юрагимиз, ибодат, жанжал ёки оддий суҳбатда, айтаётган гапларимиз орқали очилади. Аммо юрак ҳам, биз айтадиган сўзлар таъсири остида

ўзгаради. Довуд ушбу санода, биз ўзлаштиришимиз керак бўлган бир нечта муҳим ҳақиқатларни очиб беради:

1. Худони ўз бошпанангиз қилинг – ҳатто, подшоҳлар ҳам ўз-ўзларини ҳимоя қила олмайдилар.
2. Сизнинг Худо билан муносабатларингиз шахсийга айлансин – Уни ўз Раббингиз деб атанг.
3. Унга Ундан бошқа ҳеч нарсани хоҳламаслигингизни айтинг.
4. У доимо сиз учун биринчи ўринда бўлсин.
5. Унинг устунлигини тан олинг ва Уни ҳаётингиз билан ҳурмат қилинг.
6. Барча қиладиган ишларингизда Унга эргашинг.
7. У тарафда бўлинг – чунки юк Унинг устида турибди.
8. Қўйиб юборинг ва шодланинг – юк энди сизнинг елкаларингизда эмас.
9. Ушбу қудратли ҳақиқатларга сўянинг ва Унда ором топинг.

Биз севги ва Худо билан аҳд тўғрисида гапирганимизда, ўртамиздаги ришталар мустаҳкам бўлиб боради. Биз ҳаётимиздаги барча муносабатларга киришамиз ҳамда уларни сўз ва ҳаракатлар ёрдамида ривожлантираемиз. Сўзлар қалбимизнинг муқаддас жойларини шифолаб, тозалаши мумкин ёки унинг энг яширин моҳиятини жароҳатлаши мумкин.

Ўз юрагингизни Худога йўналтириш учун дўст танлагандек, сўзларни донолик билан танланг. Улар қўп бўлмаслиги мумкин, аммо улар ҳақиқатан ҳам муҳим бўлади. Ўз сўзларингизда Унга интилинг ва Довудга ўхшаб Унга бўлган иштиёқингиз мустаҳкамланаётганини пайқайсиз.

Раббий, мен Сени таниб-билишни – мен учун энг қадрли бўлган инсон билан муносабатлардагидек, иштиёқ ва ақл билан Сенга интилишни хоҳлайман. Сенга бўлган тобелигим ҳар бир ибодатда ўсиб борсин.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕНИНГ СЎЗЛАРИМ, ҚОДИР
ХУДОГА БЎЛГАН СЕВГИГА ТЎЛАДИР.

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ОСТИДА

“Раббий эзилганга паноҳ бўлади, унинг кулфати вақтида паноҳ бўлади”.

САНОЛАР 9:10

Бизнинг кунларимизда жинсий ва жисмоний зўравонлик эпидемия (юқумли касаллик) даражасига етди. Отам менга одамлар қандай муносабатда бўлишини хоҳлаган бўларди?

Бу муҳим савол бўлиб, яқин даврамиздаги барчага – шифокор ва ўқитувчилардан тортиб, то дўстлар ва оила аъзоларимизгача тегишли. Бу севган кишимиз ёки эримиз каби энг яқин одам бўлиши мумкин. Лекин илтимос, мени эшитинг: агар сизга озор етказишса, ўзингизни хавфда ҳис қилсангиз ёки хатарга йўлиқсангиз – бу ҳақида сукут сақлаш ўзингизни севмаслигингизни ва ўзингиз учун ғамхўрлик қилмаслигингизни англатади. Сизга ёмон муомалада бўладиганлар билан муносабатларни давом эттирманг. Ахлоқли ва ҳудожўй оталар ўз қизларини ҳимоя қилганидек, Осмондаги Отангиз учун ҳам сизнинг хавфсизлигингиз жуда муҳим.

Осмондаги Отангиз сизни зўравонликка учрашингизни ҳеч қачон хоҳламаган бўларди. У сизни ҳимоя қилишларини ва ардоқлашларини хоҳлайди. Ҳеч кимга – бошқа одамларга ҳам, ўз хатоларингизга ҳам, сизни аминликдан ва ўз қадрини билиш ҳиссидан маҳрум қилишига йўл қўйманг. Сиз ўз ўрнингизни ҳимоя қилганингизда, Ота сизни қўллаб-қувватлайди. У: “Ўша ерга борган экансан, демак ўзинг айбдорсан” ёки “Буни ўзинг бошингга солдинг” – деган гапларни айтади деб, ҳатто ўйламанг. У ҳеч қачон бундай

қилмаган бўларди, лекин: “У жойдан кет, уйга қайт ва хавфсизликда бўл!” – деган бўларди. Бор овозингиз билан зўравонлик ҳақида гапиришга ва тегишли идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга тўлиқ ҳаққингиз бор.

Бу ишқий муносабатлар, дўстлик, иш муносабатлари – сизни бошқа одам билан боғлайдиган ҳар қандай яқин алоқаларга тегишлидир. Ҳа, Луқо Хушхабаридида айтилган: “Сизларни хафа қилаётганлар учун ибодат қилинглари”, аммо ибодат масофада ҳам кучини йўқотмайди. Ҳаворий Павлус ёзган: “Иложингиз борица ҳамма одамлар билан тинч-тотув бўлинглари” (Римликларга 12:18). Бундай изоҳ тинчлик учун икки томонлама тайёрликни назарда тутди. Сизга ёмонликни истовчи одамлар билан муносабатда, ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишга ва соғлом масофани сақлашга ҳақлисиз. Сизни назорат қилишга уринаётган одамга боғланган бўлсангиз-у, унга тўғридан-тўғри қаршилиқ кўрсата олмаслигингизни ҳис қилсангиз, у билан шахсан учрашманг. Ёдда тутинг: ҳеч қандай вазиятда жинсий ёки жисмоний зўравонликка чидаш мумкин эмас.

Сизга зиён етказган одам ўртасида масофа сақлаш, нафақат сизни ҳимоя қилади, балки зўравонлик номақбул ҳаракат эканини ҳам кўрсатади, шунингдек, зарур чоралар кўрилишини талаб этади. Сиз одамни ҳатто, ўз ҳаётингизга қайта ва қайта киритмасдан ҳам, уни кечиришингиз мумкин. Кечириш – бу Худо шу қадар юқори қадрлайдиган, ўз жонингиз ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳаракатидир.

Сизлар – Худонинг суюкли қизларисиз. У сизга қандай муомала қилишларини хоҳлашини билишингиз керак.

Исо, ҳаётимдаги ҳар қандай барбод қилувчи муносабатларни енгишим учун менга Ўз кучингни ва донолигингни ато қилгин. Сен мени қўллаб-қувватлашингга ишонаман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ЖАРОҲАТЛАЙДИГАН ВА КАМСИТАДИГАН
МУНОСАБАТЛАРГА ҚАРШИ ТУРАМАН.

ДОНО ДУГОНА

*“Ошкора танбеҳ яширин муҳаббатдан афзалроқдир.
Севувчининг яралаши самимийлигидандир,
душманнинг бўсалари эса ёлғондир”.*

ҲИКМАТЛАР 27:5, 6

Дўстлик бизга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳақиқий дўстлар бизга ҳақиқатни гапирадилар – бу сўзлар бизнинг ғуруримизга тегиши мумкин, лекин охирида шифо олиб келади. Улар биз хоҳлаган эмас, эшитишимиз керак бўлган нарсани айтадилар. Шу билан бир вақтда, Муқаддас Ёзув огоҳлантиради: “Ёмон улфатлар яхши хулқни бузади” (1-Коринфликларга 15:33). Шунинг учун рад этилишга сабаб бўладиганлар билан эмас, балки сиз уларга ўхшаш бўлишни хоҳлаганлар билан дўстлашиш оқилонадир.

Кучли аёл ўз дўстларини қандай танлаши ҳақида баъзи фикрлар:

Биринчидан, дўстларингиз сизга қарши эмас, балки сиз томонда эканига ишонч ҳосил қилинг. Сиз кўпинча шикоятлар тўлқинида мулоқот қиласизми? Учрашувдан сўнг чарчоқ, асабийлик ва руҳий тушкунлик ҳисси билан кетасизми? Сизнинг ўсишингизга самимий қизиқиш билдирганларни қидиринг – ўзингиз ҳам улар учун шундай дўст бўлинг. Иккинчидан, яхши дўст – бу сизни ўсишга руҳлантирадиган ва ўзингиз истаган инсон бўлишга эътиборингизни қаратишга ёрдам берадиган кишидир. Ҳикматларда шундай дейилган: “Темир темирни чархлайди, одам эса ўз дўстининг нигоҳини ўткир қилади” (Ҳикматлар 27:17). Сиз тилёғламалик қиладиган, “ҳа-ҳа” деб туриб, бировнинг гапини маъқуллайдиган ва фақат қулоққа ёқимли нарсаларни гапирадиган эмас, балки ҳақиқатни севгида гапирадиган дўстга эга бўлишни ва ўзингиз ҳам шундай дўст бўлишни хоҳлайсиз. Зиддиятлар фойдали бўлиши мумкин, чунки “севувчи [дўст]нинг таъналари самимийдир”.

Сабр-тоқатли бўлинг. Ишонч вақт талаб этади. Дўстлик вақт талаб этади. Яқинлик – бу ортиқча очиқ бўлиш дегани эмас. Сиз бирор киши билан бир-бирингиз ҳақингизда керагидан ортиқча билишингиз, бир-бирингизни яхши биласиз дегани эмас. Мен дўстлик тезликда бошланиб, худди шундай тез сўнганини кўрган ҳолатлар бўлган. Барча қадрли нарсалар каби, соғлом дўстлик ҳам куч талаб этади. Биз низони бошдан кечирмагунимизча, дўстим ҳақиқийлигига амин бўла олмаслигимни тушундим.

Ижтимоий тармоқлар, аслида ҳақиқий дўстлик қуриш учун мўлжалланиб яратилмаган, улар бор-йўғи таниш орттиришга ёрдам беради. Шунинг учун дўст танлашда эътиборли бўлиб, онгли равишда ҳаракат қилинг. Ибодат қилинг ва Отангиздан айнан мана шу даврда сиз билан бир йўлдан кетадиган дўстларни ҳаётингизга олиб келишини сўранг. У сизга “қиёматли дўст” ва сиз билан бир йўналишда кетаётган одам ўртасидаги фарқни кўрсатиши мумкин. Агар сизнинг даврангизда кимдир сизни доимо камситса, хиёнат қилса ёки назар-писанд қилмаса, унда у билан нима сабабдан дўстлашишингизни ўзингиздан сўранг. Ўз сабабларингизни текшинг. Сиз носоғлом муносабатлар қолипда қотиб қолдингизми? Эҳтимол, шу йўсинда тан олиниш ва мақомга эга бўларсиз? Муқаддас Рух сизга Худонинг иродасини фаҳмлашга ва оқилона танлов қилишга ёрдам бериши учун ибодат қилинг.

Биз меҳрибон, дўст севар бўлишимиз ва турли хил одамлар билан яхши муносабатларни сақлашимиз мумкин. Лекин сиз яқин келишига рухсат берадиган ва ўз юрагингизни берадиган одамлар ҳақида гап кетганда, бу етарли эмас. Иккалангиз ҳам бир-бирингизга ҳақиқатни севгида айтишга тайёр эканингизга ишонч ҳосил қилинг.

*Худойим, Сенинг ироданг – мен одамлар орасида яшаб,
муносабатлар қуришим ва уларда ўсишим эканини
биламан. Мен ҳаёт йўлини бирга баҳам кўрадиган
одамларни оқилона танлашимга ёрдам бергин.*

Мен кучлиман

ЧУНКИ МЕН БИРГАЛИКДА ЎСАДИГАН
ОДАМЛАРНИ ДЎСТ СИФАТИДА ТАНЛАЙМАН.

АДОЛАТ ХУДОСИ

“Жанжални биринчи бўлиб бошлаган одам ўз нигоҳида ҳақдир, аммо унинг яқини келиб, уни имтиҳон қилади”.

ҲИКМАТЛАР 18:17

Хар сафар хонада, юзма-юз суҳбатда ёки онлайн чатда бир кишидан ортиқ киши бўлса, зиддият юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Кўпинча иккала томон ҳам ҳимояланишади ва тинглашдан бош тортишади, чунки ҳар бири айнан ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

Исроилликлар Миср қўллигида бўлганларида, низолар зўравонлик ва қўрқитиш орқали ҳал қилинишини кўриб ўсганлар. Аммо уларга ўзларининг янги ва эркин ҳаётида зиддиятларни ҳал қилишнинг бошқа янги намунаси керак эди.

Улар Худо ҳузурининг ҳимоясида, осмони очиқ ҳаёт учун, Миср еридаги қўллик ҳаётидан воз кечдилар. Бу тош бутлар ва кўр ҳайкаллар ҳокимиятидан, муқаддас ва ҳақ, севувчи ва эҳтиромли қўрқув солувчи тирик Худога ўтиш эди. Ушбу олов ва севги Худоси, назр-қурбонликлар билан тинчлантирган Миср худоларига умуман ўхшамас эди. Исроил Худосига руҳ ва ҳақиқатда хизмат қилиш керак эди. Унинг ҳукмронлигининг асоси эса адолат эди. “Раббий эса мангу яшайди, У суд учун тахтини тайёрлади” (Санолар 9:8).

Бизга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишганда, биз охир-оқибат адолат ғалаба қозонадиган нарсага умид қилишга мойилмиз. Ҳар биримизнинг ичимизда адолатга бўлган ғоят кучли интилиш яшайди, лекин очикча гапирадиган бўлсак, биз одатда ўз мулоҳазаларимизда адашамиз. Мен бошқа томоннинг ҳикоясини эшитмагунимча, ҳақ эканимга кўп маротаба ишончим комил бўлган. Айнан мана шу сабаб, Павлус қуйидагича огоҳлантиради:

“Шунинг учун вақтдан олдин, яъни Раббий келмагунича, ҳеч қандай ҳукм қилманглар. У келиб, яширин бўлган нарсаларни ёритади ва одамларнинг юрагидаги ниятларини ошкор қилади. Ўшанда ҳар кимга мақтов Худодан бўлади” (1-Коринфликларга 4:5).

Биз ўз низоларимизда Унинг донолигини қидиришимиз ва якунида, айнан У ҳукм қилиб, қутқаришидан енгил тортишимиз мумкин. Унинг бошқарувига эргашган ҳолда, биз судья, қасоскор ёки золим ролини ўз зиммамизга олмасдан, ҳақиқат ва раҳм-шафқат билан жавоб бера оламиз. Биз Унга ибодат қилишимиз ва Унинг қандай ҳаракат қилаётганини – йўналтираётганини, йўл-йўриқ кўрсатаётганини, маслаҳат бераётганини кузатишимиз мумкин. Чунки У доим ёнимизда бўладиган Маслаҳатчидир.

Раббий, ортиқ юк кўтариб юрмаётганим учун Сендан миннатдорман. Келишмовчиликлар пайтида Сенга ишонаман ва Сенинг бошқарувингга таянаман.

Мен кўзгидан

ЧУНКИ ЗИДДИЯТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА
АДОЛАТ ХУДОСИГА ИШОНГАНАМАН.

ҒИЙБАТЛАРДАН УЗОҚДА

“Ақли қосир одам ўз яқинига менсимаслигини намоён қилади, ақлли одам эса сукут сақлайди. Гап ташувчи сирни очади, содиқ одам эса гапни яширади”.

ҲИКМАТЛАР 11:12, 13

Хаммамиз шундай вазиятга тушганмиз: сиз одамлар билан ёқимли суҳбат қуряпсиз, тўсатдан кимдир, умумий танишингизни ёмонлаб гапиришни бошлайди. Сиз кимдир ғийбатчини тўхтатишига умид қилиб, атрофга назар соласиз, лекин бу содир бўлмайди. Сиз қанча узоқ эшитганингиз сари, юрагингиз оғирлашиб бораверади. Сиз энди бу ғийбатни эшитиб, яхши яшайман, деб ўзингизни ишонтирасиз, чунки сиз етук, доно ва холис одамсиз. Фақат кейинчалик сизнинг қарашингиз хиралашганини тушунасиз. Гапирган одамингизни учратиб, ўзингизни ноқулай ҳис қиласиз. Эҳтимол, сиз бу одамнинг нафақат ишларини, балки ниятларини ҳам ҳукм қилишни хоҳлаб қоларсиз. Ғийбатларда иштирок этмаслик қийин, аммо сиз шунчаки тингловчи бўлсангиз ҳам, бу ўз-ўзидан сизга ҳалокатли таъсир кўрсатади (Ҳикматлар 17:4). Шунга қарамай биз ҳар кун ижтимоий тармоқларда бундай ҳодисага дуч келмоқдамиз.

Борди-ю, биз ғийбатларда иштирок этишни истамасак, авваломбор, келинг, булар нимага олиб келишини тушуниб олайлик. Merriam-Webster лўғатига кўра, ғийбатчи – бу “бошқа одамлар ҳақида шахсий ёки таъсирчан маълумотларни бўлишиш одатига эга бўлган одам”. Бу вазиятга бевосита алоқадор бўлмаган одамларга, бошқа ҳақида чуқур шахсий маълумотларни етказиш одатидир. Ҳаммамиз ҳаётимизда, ҳеч бўлмаса бир марта ғийбат қилганмиз. Лекин ғийбатчи бун

йўл-йўлакай қилади. Тажрибамдан келиб чиқиб, бундай одамларнинг ниятлари турлича бўлиши мумкинлигини тушундим: ўзини аҳамиятли ҳис қилишдек, беғараз истакдан тортиб – то кимнингдир обрўсини шафқатсизларча барбод қилишдек, онгли равишдаги истаккача бўлади.

Ғийбатлар муносабатларни заҳарлайди ва ҳақиқатни бузади. Бу доимо ўзганинг ишончига нисбатан хиёнатдир. Кимнингдир манфаати учун ҳамма нарса – шахсий сир, хижолатли ҳодиса, унутилиши яхшироқ бўлган низо дунёга олиб чиқилади. Аслида, бир одам хавфсизлик, таъсир ёки махсус мавқега эга бўлиш учун, бошқани “сотадилар”. Баъзилар ўзининг мавқеини ошириш, эътибор тортиш, вақтичоғлик қилиш ёки ўзини яхшироқ ҳис қилиш учун ғийбат қиладилар. Айримлар кимнидир жазолаш ёки жойига ўтқазиб қўйиш учун ғийбат қиладилар.

Бу бизнинг йўлимиз эмас. Муқаддас Рух юрагимизни юмшатади ва шунинг учун бирор киши ҳақида гапирганимизда, кесиб ўтиш таъқиқланган чегара борлигини ҳис қиламиз. Агар душман сиз ўз сўзларингизни назорат қилаётганингизни билса, у кўраётган, ўқиётган ёки эшитаётган нарсаларингиз орқали, сизни йўлдан ўришни хоҳлайди. У бунга эришишига йўл қўйманг. Ғийбатлардан ўзингизни сақлаш орқали, ўз юрагингизни ҳимоя қиласиз. Бунга ўхшаш суҳбатларда иштирок этмасликка қарор қилиб, донолик сўраб, Муқаддас Рухга мурожаат қилинг: бундай вазиятда ўзингизни қандай тутишингиз керак? Гоҳида, сиз учун энг яхши нарса – шунчаки ўрнингиздан туриб, кетишдир. Ахир тилингиз сизни қоронғу йўлга олиб боришини истамайсизку. Ҳеч кимга яқинларингиз ҳақида ёмон гапиришига йўл қўйманг. Бунинг ўрнига ибодат қилинг ва севинг, зарурат туғилганда эса, бундай одамларга қарши туришдан уялманг.

Раббий, мен ўз юрагимни булғамаслигим учун оғзимни ва қулоқларимни асрагин. Менга ҳақиқатда мулоимлик билан, лекин қатъий туришни, ҳаёт йўналишимни тўғрилашни ва виждоннинг овозига эргашишни ўргатгин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ҒИЙБАТНИ ЭМАС, ҲАЁТ
СЎЗЛАРИНИ ТАНЛАЙМАН.

УЙҒУНЛИКДА ЯШОВЧИ

“Ўзаро ҳамфикр бўлинглар. Онгингизда такаббур бўлманглар, лекин камтаринларга эргашинглар. Ўз назарингизда доно бўлманглар. Ҳеч кимга ёмонликка ёмонлик қайтарманглар. Ҳамма одамларнинг олдида яхшилик учун жон куйдирунглар”.

РИМЛИКЛАРГА 12:16, 17

Бир-бири билан тинчликда ва тотувликда яшаш – бошқа одамлар билан Масихнинг танасида уйғунликда, ҳамоҳанглик ва дўстликда яшашни англатади. Бу насиҳат жамоат деворлари ичидаги ва ундан ташқаридаги ҳаётга тегишлидир. Ёлғиз биз учун аҳамиятли бўлиб туюладиган фарқлардан воз кечиш осон, чунки Масихда барчамиз бирмиз. Биз буни тушуниб, ҳаётининг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, Худога хизмат қилиш билан банд бўлган, энг кутилмаган одамларда дўстларни топамиз. Бугунги оят бизни мағрурлик ва манманлик, бошқа одамлар билан муносабатларда ноуйғунликка олиб келиши ҳақида огоҳлантиради. Чунки манманлик худди, бизни ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтаришга ҳақли деб ўйлашга мажбур қилади, бу эса Муқаддас Ёзувнинг руҳига тўғридан-тўғри зиддир. Биз Масихда хизмат қилиш йўлини қабул қилишимиз кераклигини ёдингизда тутинг. Бу ўз мисолимизда қандай тўғри яшашни кўрсатишни англатади. Биз такаббурликдан воз кечиш ва мағрурликни рад этиб, шапалоқдан кейин иккинчи юзимизни

тутаимиз, кўйлак сўраганга пальтомизни берамиз ва яна бир чақирим юрамиз. Биз бошқалар ҳақи тўғри йўл тутиш учун қўлимиздан келадиган ҳамма нарсани қилишга ва қўлимиздан келганича, ҳамма билан тинчликда яшашга даъват этилганмиз. Бу учун болаларча, Отамизга чексиз ишонишимиз керак. Ёлғиз У ҳамма нарсани – ҳикоянинг ҳар бир саҳифасидаги ҳар бир сатрни кўради. У содиқ ва ҳақиқатгўй Муаллифдир.

Биз жамият ҳаддан ташқари таранглашган ва одамлар ҳали ҳам, аввалгидек яхшиликка хайрихоҳлик кўрсатадиган даврда яшаяпмиз. Мен кун давомида кимни руҳлантириш кераклигини синчиклаб қараб юраман – мақтов сўзларини айтаман, нима биландир ёрдам бераман ёки шунчаки саломлашаман. Жуда кўп одамлар қўлоғида қўлоқчинлари ва бефарқ боқиш билан ҳаётда югуришмоқда. Мен сиздан сўраб қоламан: кучли бўлинг, эзгулик кўрсатишдан қўрқманг! Ирқий бидъатлар ёки моддий белгига кўра тақсимланиш, булардан шифо топишга ҳеч қандай ёрдам бермайди – иш-ҳаракат шифолайди. Шундай экан, келинг, илгарилаб кетишга ҳаракат қилайлик. Раббий юрагингизда яширинган барча бадъатларни фош қилиши учун ибодат қилинг. Ҳар қандай нотўғри ақидани аниқлаганингизда, уни тан олинг, унинг кўзларига дадил қаранг ва тавба қилинг. Сизни оқлов ва баҳоналарни излашга ундовчи мағрурликнинг кўзпанасини улоқтириб ташланг ҳамда камтарлик ридосини кийинг.

Ота, мен бошқалар билан тинчлик ва уйғунликда
яшашим учун мени мағрурлик ва нотўғри тушунчаларда
ушлаб турган барча нарсани кўрсатгин.

Мен кўзга кўринадман

ЧУНКИ БОШҚАЛАР БИЛАН
УЙҒУНЛИКДА ЯШАЙМАН.

ХУДОЖҲЙ ЖАМИЯТДА БАРҚ УРАЁТГАН

*“Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз,
унда сизлар Менинг дўстларимсизлар”.*

ЮХАННО 15:14

Масиҳнинг дўстлари, сизнинг ҳам ҳақиқий дўстларингиздир. Уларнинг сўзлари пок бўлади – чунки уларнинг ҳаёти покдир. “Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” (Юҳанно 15:14). Исо бу ерда нимани назарда тутаяётгани тушунарли. Масиҳнинг дўстлари Унинг амрларига амал қиладилар ва бошқаларни ҳам шунга ундайдилар. Унга бўлган севгисини исботлашни хоҳлаганлари сабабли эмас, Уни шунчаки севганлари сабабли.

Ҳақиқий дўстлар доимо сизни мукаммалликка илҳомлантиради ва Раббийга маъқул тарзда яшашга ундайди. Улар ёнингизда бўлишни хоҳлайдилар, сизнинг руҳий ўсишингиз ҳақида ғамхўрлик қиладилар, сиз билан бирга куладилар ва йиғлайдилар. Ҳаёт бизни вақтинча ажратиши мумкин, лекин дўстлик юракдан чиқса, унда учрашганингизда, ажралмагандек туюлади. Ҳақиқий дўстлар сизнинг ўсишингиз, омадингиз ёки муваффақиятингиздан қўрқишмайди – улар сиз учун, ўзлари учун хурсанд бўлгандек, хурсанд бўладилар. Ҳаммамизга ҳаётда биргаликда юришимиз мумкин бўлган аёллар керак: бизга намуна бўладиган, йўлда қўллаб-қувватлайдиган ва биз уларга намуна бўладиган аёллар керак. Бу ҳақиқатлар ҳар қандай ёшда – ёшликда ҳам, етуқликда ҳам муҳимдир.

“Агар бир кишини кимдир енгмоқчи бўлса, икки киши унга қарши тура олади. Уч толадан ўрилган ип тезда узилмайди” (Воиз 4:12).

Ҳақиқий дўстлар, сиз билан елкама-елка туриб жанг қилишади ва сиз учун жанг қилишади. Улар ибодатда биз учун шафоат қилишади ва эҳтимол, сиз ёлғиз бўлганингизда етмайдиган кучни сизга беради. Дўстлар Раббийнинг номи билан йиғилганларида, қудратли нарса содир бўлади. Исо деди: “Чунки қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен у ерда уларнинг орасида бўламан” (Матто 18:20). Бундай бебаҳо дўстликка эга бўлиш – бу улкан баракадир.

Дўстлар биргаликда Муқаддас Ёзувни ўрганадилар, бир-бирларидаги Муқаддас Рухнинг кучидан ҳайратланадилар. Дадил бўлинг. Худо шу жойда, ер юзида Ўз қизларида ажойиб чуқур ишни амалга оширади.

Дўстларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келмай қоладиган пайтлар бўлади – лекин бу уларнинг йўллари айрилишини билдирмайди. Бир-бирингизни ҳимоя қилинг ва эҳтиёт қилинг, чунки биз биргаликда ўсиш учун яратилганмиз. Ўсишга доим хатолар ва муваффақиятсизликлар ҳамроҳ бўлади. Лекин биз бир-биримизга чинакамига содиқ бўлсак, ёмон нарсани қидирмаймиз – балки яхши нарсага умид қиламиз. Ҳаётингизда ҳали бундай муносабатлар бўлмаса – уларни қидиришга ва уларни қуришга қарор қабул қилинг. Ибодат қилинг, Худодан йўл кўрсатишини сўранг, ҳудожўй ришталарни мустаҳкамлашнинг янги усулларига ўзингизни очинг. Аввалига бу кимнидир чўчитиши мумкин – ахир, ҳамма ҳам бундай мажбуриятларни ўзига олишга тайёр эмас. Аммо таваккал қилинг ва олдинга қадам ташланг. Бу аёллар билан биргаликда ибодат қилиш, ўқиш ёки шунчаки мулоқотдан қувониш – бу ҳашамат эмас, балки бусиз чинакамига ўса олмаймиз.

Исо, мен ҳақиқий дўст бўлишни ва мустаҳкам
дўстлик муносабатларини қуришни хоҳлайман.
Дўстларни қаерда қидиришни ва дўстликни
қандай ривожлантиришни менга кўрсатгин.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МАСИҲДАГИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМ
МЕНИНГ ЁНИМДА.



MessengerX


Кундалик шогирдчилик учун илова

Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг ва
ундан фойдаланишни бошланг!
Ёки сайтдаги веб-версиядан
фойдаланинг:



MessengerX.com





130+ тилда ва бу ҳали ҳаммаси эмас

- ✓ 130 дан ортиқ тиллардаги материалларни кўринг ва юклаб олинг.
- ✓ Материалларни дўстларингиз билан улашинг ёки ўқув гуруҳини бошланг.
- ✓ Янги материаллар доимий равишда қўшиб борилади.

Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг қўламдор кутубхонани ўрганинг.



Энг муҳим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

Ўсишнинг йўли


MessengerX нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гуруҳини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва филът.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

MessengerX - 1-2-3 дек осон!



- 1 **MessengerX**ни App Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2 Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3 Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.



Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!



MessengerX.com



Кыраида
кыри

СЕЗГИР ВА ОГОҲ

*“Ҳушёр ва бедор бўлинглар, чунки душманингиз
иблис бўкираётган шердай бировни
ютиб юборишини излаб юрибди”.*

1-ПЕТРУС 5:8

Душманимиз, биз уйқусираб юрганимизда, фирибни кутмаганимизда, устимизга беҳосдан бостириб келиш илинжида, бетиним изғиб юрибди. Муқаддас Китобнинг қирол Ёқуб таржимасида ҳушёр ва сезгир сўзлари ишлатилади. Ҳушёрликнинг акси – мастликдир: маст одам атрофида нима содир бўлаётганини англамайди. Унинг идроки хиралашган, нигоҳини туман босган, ҳаракати секинлашган, воқеликни идрок этиши эса бузилган. Сезгир ва бедор бўлиш – огоҳ бўлишни ҳамда фикрнинг равшанлигини ва ҳаракатнинг тезлигини сақлашни англатади.

Петруснинг биринчи мактубидаги оятда, иблис осон ўлжани излаб юрган бўкирувчи шерга қиёсланади. У бизни том маънода еб қўймайди – у айёрлик билан ва секин-аста жонимизни ютиб юборади. Унинг ҳужумлари унчалик ошкора эмас, лекин у бундан хавфсизроқ бўлиб қолмайди. У бизнинг қувончимиз, тинчлигимиз, оромимиз, кучимизни олиб қўяди. У бизнинг саломатлигимизни, муносабатларимиз ва фикрларимизни нобуд қилади. У саросима ва қўрқув чақириб, айбловлар ёғдиради. Шайтон бизни қандай қатъийлик ва ўжарлик билан таъқиб қилишини кўрсатиш учун, Худо оч шернинг қўрқитувчи тимсолидан фойдаланган деб ўйлайман.

Шер ўз ўлжасини сезганидек, у ҳам хафагарчилик ва аламларнинг ҳидини аниқ ҳис қилади.

Шерларни жароҳатдан оқаётган қоннинг ҳиди жалб қилади. Биз оғриққа эътибор бермасдан ёки устини бирор нима билан ёпиб қўйиб, жароҳатларимиздан қон оқишига давом этишига йўл қўймаслигимиз керак. Сизгир ва огоҳ бўлиш, ўз жароҳатларимизни шифолаш учун Отага олиб келишни ҳам билдиради. У уларни боғлайди ва бизни Ўзининг Муқаддас Рухининг кучи билан шифолайди. Келинг, ҳатто кичик ва хавфсиз бўлиб кўринган жароҳатларга ҳам эътиборли бўлайлик. Агар биз уларни ўз вақтида аниқласак, бу бизга тунги назорат учун онгнинг ҳушёрлигини ва идрокнинг равшанлигини сақлаб қолишимизга ёрдам беради.

Ота, ўлжа излаб, изғиб юрган душмanning ниятини аниқлашим учун менга ёрдам бер. Сен менинг яраларимни шифолай олишинг учун, уларни Сенга келтиришда менга қатъийлик бергин. Мени ҳимоя қилиб, шифолагин ва жанг қизиганда, ўзини тута билиш ва сезгирликни сақлашни ўргатгин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ОГОҲМАН ВА НОТЎҒРИ БЎЛАЁТГАН
ҲАММА НАРСАНИ ПАЙҚАЙМАН.

ЭРКАК ВА АЁЛ ЎРТАСИДАГИ ТИНЧЛИК

“Сен билан хотин орасига, сенинг уруғинг билан унинг уруғи орасига душманлик соламан. У сенинг бошингни шикастлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

ИБТИДО 3:15

К аерга қараманг, ҳамма жойда эркаklar ва аёллар ўрта-сида кураш кетаётгандек кўринади. Рухий тушкун, дарғазаб эркаklar ва заиф, жаҳли чиққан аёллар ўз оғриғида, бир-бирларини айблашади ва ҳар бири, бошқаси ҳамма нарсани тузатишини истайди. Аммо на эркаklar, на аёллар шифо келтира олмайдилар... Фақатгина Худо бизни орзуимиздаги Адан боғига қайтариши мумкин.

Илон Ҳаввани нишон сифатида танлаб олганидан буён, Ибтидо китобида (3:15) башорат қилинган жанг, ҳамон давом этмоқда. Худонинг қизлари, Одам Атонинг ерлик ўғиллари сизни илондан қутқармайди... Бу фақат Самовий Шахзоданинг қўлидан келади. Илон доим бир мақсадни кўзлаган: Ҳавванинг қизларини қадр-қимматидан, куч ва номусидан маҳрум қилиш, уларни ҳокимиятдан маҳрум қилишдир. Аёл ўз қадр-қиммати йўқотганида, эркак ҳам шарманда бўлади, чунки аёл – эркакнинг шарафидир (1-Коринфликларга 11:7).

Бу жангни қандай бўлса, шундай кўришга журъат этинг: илон

сизни кучдан, қадр-қимматдан ва кийимдан маҳрум қилади. Сиз бунӣ кўришингиз ва ғазабланишингиз керак. Ана ўшанда сиз ҳақиқӣ душманингиз билан жанг қилиш ҳамда садоқатли ва ҳақиқӣ Подшоҳга содиқлик қасамёдини айтиш учун жасоратга эга бўласиз. Шунда, сиз ўз яланғочлигингизни ёпиш учун ажойиб кийимни қўлга киритасиз. Биз эркалар ёки эрлар билан эмас, балки жонларимизнинг душмани билан жанг қилаётганимизни тушуниб етасиз. Биз даҳшатли тушдан ўйғонишимиз ва орзуга қайтиш учун фарёд қилишимиз керак.

Мен айнан ўша қалб қичқириғи ҳақида гапирмоқдаман. Сиз эрка бера олишидан кўра кўпроқ, чуқур севги, яқинлик ва бирлашишга ташнасиз. Сиз ер юзида топиш мумкин бўлгандан кўра хавфсизроқ бошпанага интилмоқдасиз. Сиз самовий Шахзоданинг севгисига муҳтожсиз. Мен сизга бир сирни очаман – У ҳам сизни жуда қаттиқ соғиняпти. Айнан У юрагимизнинг тўрига ушбу истак уруғини чуқур эккан ва ёлғиз У бизнинг ташналигимизни қондиришга қодир.

Биз қониқишни нотўғри жойдан қидириб, ҳар гал ихлосимиз қайтади. Эркалар – муаммо эмас, аммо улар жавоб ҳам эмас. Кўзларимизни осмонга қаратамиз, чунки бизга ёрдам – еру осмонни Яратган, Раббидан келади (Санолар 120:1, 2). Фақат ўша вақтда ва фақат ўша жойда, биз қувонч манбаини, қолаверса куч ва қадр-қиммат топамиз.

Ота, мен бошқа душманлар билан жанг қилиш ёки юпанчини нотўғри жойлардан қидириш васвасасига тушиб қолганимда, мени Ўзинга қаратгин. Сен менинг Қутқарувчимсан ва қувончим манбаисан.

Мен кучлиман

ЧУНКИ МЕН ХУДОНИНГ ЎҒИЛЛАРИ ВА ҚИЗЛАРИ
ЎРТАСИГА ТИНЧЛИКНИ ЭКАМАН.

КЕЧИРИМСИЗЛИК КИШАНЛАРИ

“Шунинг учун Осмон Шоҳлиги ўз хизматкорлари билан ҳисоб-китоб қилишни истаган подшоҳга ўхшайди. У ҳисоб-китоб қилишни бошлаганида, ундан ўн минг талант қарздор бўлган бир кишини унга олиб келишди. Унинг қарзни тўлашга имкони бўлмаганлиги учун подшоҳ унинг ўзи, унинг хотини, болалари ҳамда ундаги бор нарсаларни сотиб, қарзни тўлашни буюрди. Шунда хизматкор йиқилиб, тиз чўкди-да: “Шоҳим, менга сабр қилинг ва сизга ҳаммасини тўлайман”, – деди. Шунда подшоҳнинг бу хизматкорга раҳми келди ва уни озод қилиб, қарзларини кечирди”.

МАТТО 18:23-27

Кечирим – бу шифоланиш ҳаракати. У бизни алам ва айбдан озод қилади. Бундан ташқари, кечирим руҳий урушда кучлар мувозанатини ўзгартиришга қодир. Сизнинг ҳақиқий жангингиз – сизга оғриқ берган киши билан эмас, балки жонингизнинг абадий душмани биландир. Биз кечирганимизда, уни қуроллансизлантирамыз, чунки кечиримсизликда яшайдиган киши ҳужумлар учун заиф бўлади.

Бугунги парча бизга кечиримсизликнинг қоронғи тубсизликларига назар ташлаш ва унинг ҳалокатли моҳиятини англашга имкон беради. Ўзингизни қўлинг ўрнига қўйиб кўринг. Сизни қўрқув қамраб олган – тўлай олмайдиган қарзингизни ундириш учун, сизни подшоҳнинг ҳузурига олиб кетишмоқда. Ожизлик ва умидсизлик юки остида юзтубан йиқиласиз ва пайти келиб ҳаммасини қайтиришни ваъда бериб,

ундан сабр қилишини ёлворасиз. Аммо сизнинг ваъдангизни қабул қилишнинг ўрнига, подшоҳ раҳм-шафқат кўрсатади. У сиз бунга ҳеч қачон тўлай олмаслигингизни билади ва шунинг учун бутун қарзни кечиради. Сиздан оғирлик қилаётган юк олиб ташланди. Сиз подшоҳнинг меҳрибонлигидан ҳайратда қолдингиз.

Подшоҳнинг қилган ишидан ўрнак олиб, раҳм-шафқат кўрсатишнинг ўрнига, сиздан қарздор бўлганларнинг ҳаммасини эслайсиз. Сиз уларни топиб, қарзни қайтаришини талаб қиласиз – гарчи улар сиз каби уни тўлашга қурби етмайди (Матто 18:23-31). Хушxabардаги масалда кечирилган қул, худди шундай йўл тутди. Подшоҳ бу ҳақида билганида, уни чақириб, шундай дейди: “Эй, ёвуз хизматкор! Мендан сўраганинг учун ҳамма қарзларингни кечирдим. Худди мен сенга раҳм қилганим каби сен ҳам ўз шеригингга раҳм қилишинг керак эмасмиди?” (Матто 18:32-33).

Масалдаги подшоҳ Самовий Отамизни, қул – бизни, унинг дўстлари – қуллар – Масихдаги биродар ва опа-сингилларимизни ифодалайди, жонимизнинг душмани эса, қийновчилар ролини ўз зиммасига олади. Бошқаларни кечиришдан бош тортиб, биз уларни айбдорлик ва маҳкумлик занжирлари билан боғлаймиз ва беришга қурбимиз етмайдиган қарзни тўламагунимизча, ўз-ўзимизни азоб берувчиларнинг қўлига топшираемиз. Менимча, бу ер юзидаги дўзахнинг бир тури. Барчамиз бошқаларни кечиришдан бош тортгани учун, ўзлари азоб чеккан одамларни учратганмиз. Шундай йўл тутиб, биз аслида, душманнинг ўрнига, унинг ишини қилаемиз. Ўзимиздан бу занжирларни ечиб, бошқаларни озод қилиш пайти келди.

Раббий, менинг кечирмаслик кишанларимда
толиққанларни кўрсат. Сен мени озод қилганинг
каби мен ҳам уларни озод қилишни танлайман.

Мен кўчгиман

ЧУНКИ МЕН КЕЧИРАМАН, ЗЕРО ЎЗИМ ПОДШОҲ
ТОМОНИДАН КЕЧИРИЛГАНМАН.

СИЗНИНГ БОШПАНАНГИЗ

*“Чунки ёзилган: “У Ўз фаришталарига сени
қўриқласинлар, деб сен ҳақингда амр беради””.*

ЛУҚО 4:10

Тарчи мен буни ёдда тутишим керак бўлсада, фаришталарнинг ҳимояси остида эканимни кўпинча унутаман. Довуд Саноларида келтирган тасвирлар менга жуда яқин: “Менга шафқат қил. Ё, Худо, менга шафқат қил, чунки менинг жоним Сенга умид қилади, то кулфат ўтиб кетгунича Сенинг қанотларингнинг соясида яширинаман” (Санолар 56:2).

Худо – бизнинг ҳимоямиз. Мен ўзимни тўлиқ даражада ҳимоя қила олмаслигимни анча олдин тушунганман. Худога – мана, биз Кимга умид қилишимиз керак. Агар сизни нотўғри айблаган, тўхмат қилган ёки сиз ҳақингизда ёлғон гапирган бўлишса – гўшакни қўйинг, ноутбукни ёпинг ва Унинг қанотлари сояси остига яширинишга шошилинг. Мен билан шундай нарсa содир бўлганида – эшикни ёпиб, мусиқани ёқаман ва ибодатга шўнғийман. Сажда қилиш – айниқса, нима қилишни билмаганингизда, энг тўғри йўлдир. Агар ҳаёт ҳиқилдоққа келса, нима бўлишидан қатъий назар, доимо Унинг ҳузүрида ҳимоя топасиз. Душман, сизни ҳимояланишга ёки жим мудофаа олиб боришга мажбур қилиб, тузоққа илинтиришига йўл қўйманг; сиз муваффақиятсизликка учрайсиз. Худо бизни, бўрон тинчиб, ҳамма нарсани ҳақиқий нурда кўрмагунимизга қадар, Унда яширинишга чорлайди.

Сохта бошпаналар Унинг қанотларининг сояси остида қолмайди. Қасос ва қаҳр-ғазаб ўзини паноҳдек кўрсатишга уринсада, уларда паноҳ топишнинг имкони йўқ. Худонинг ҳузурига кириш учун, бу ёлғон пана жойларни қолдириш керак.

Ўз-ўзини мудофаа қилиш ва ўз кучига умид қилиш – Худо билан солиштирганда заиф пана жойдир. Қочиш, ўз-ўзини даволаш, муаммолардан ўзини тортиш – ечимни вақтинчалик кечиктириш, холос. Ҳар қандай маслаҳат, ўзига ёрдам бериш тизимлари ва “синовдан ўтган усуллар”, Унинг ёнида кучсиз ҳисобланади.

Агар сизга ҳаммаси барбод бўлаётгандек, пистирмага тушиб қолгандек ва чиқиш йўли йўқдек туюлаётган бўлса – хурсанд бўлинг. Бу белги: Худо яқин. У келиб, сиз қила олмайдиган нарсани амалга оширади. У нафақат фаришталарга сизни ҳимоя қилишни буюради, балки Ўзи ҳам намоён бўлади. Душман қутурганда, биз ваъдага умид ўшбу қиламиз: “Улардан қўрқманглар, зеро Раббий Худойингизнинг Ўзи сизлар учун жанг қилади” (Қонуннинг такрорланиши 3:22).

Жанг ҳолдан тойдирганда – Унга яқинлашинг.

Раббий, Сен менинг ҳимоямсан. Мен ибодатда
Сенга югураман – ва менинг кучим тугаганида,
Сен жангга киришишингга ишонаман.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ ҚАНОТЛАРИ СОЯСИ
ОСТИДА БЕХАТАРМАН.

РУҲИЙ ЖАНГЛАР ҚАЙНАГАН ЖОЙДА

“Чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 6:12

Душман, зулматнинг кўринмас кучлари билан эмас, балки одамлар билан курашмоқдамиз, деб ўйлашга мажбурлаб, бизни чалғитишга ҳаракат қилади. Лекин бу ундай эмас. Ҳаворий Павлус бу ҳақида, қўрқитиш учун эмас, балки содир бўлаётган нарсаларни англашимиз учун ёзган. Биз ҳеч қачон ўз кучимиз билан енга олмайдиган бор зулмат шоҳлиги, бизга қаршилиқ қилмоқда. Павлус давом этади: “Шунинг учун, сизлар ёвуз кунда қаршилиқ кўрсата олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларини қабул қилинглар, токи ҳамма нарсани бажариб, тура олинглар” (Эфесликларга 6:13).

Бардош бериш учун Худо бизга аллақачон барча зарур нарсаларни берган. Аммо Павлус бу насиҳатни бекорга такрорламаган. Мен у бизни руҳий қуролларимизга бепарволик билан муносабатда бўлмасликка чақирмоқда деб ўйлайман. У бизни хом хаёлга берилиб, қурол-аслаҳаларсиз жангга кириб, бардош беришимиз мумкин, деб ўйлашимизни истамайди. Бардош бериш нимани англатади? Бу бир ҳолатни қатъий эгаллаш ва ундан чекинмасликни англатади. Павлус: “Шундай қилиб, ўрнингиздан

туринглар, белингизни ҳақиқат камари билан боғланглар, ҳақлик совутига бурканинглар, тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга тайёрликни кийинглар” – дейди (Эфесликларга 6:14, 15).

Биз ҳақиқатга ўралган ҳолда турибмиз, бизнинг юрагимиз ва барча энг заиф томонларимиз Масихнинг ҳақлиги билан ҳимояланган, бизнинг оёқларимиз эса дунёга Эзгу Хабарни етказишга тайёрдир. Бизнинг жамиятимиз ниҳоятда тинчликка муҳтож. Аммо ҳақиқат ва ҳақликсиз, чинакам тинчликнинг имкони йўқ – улар олдинда боришади. Ҳақиқатдан воз кечиб, таянчимизни йўқотамиз ва ўзимизни камситамиз. Биз қаҳр-ғазабда эмас, балки хотиржамликда жанг қилганимизда, кучлигимиз. Масихдаги хотиржамлик – заифлик эмас, балки бўронларни тинчитувчи, юракларни шифоловчи ва жонларни янгиловчи кучдир.

Самовий Ота, Сен берадиган тинчлик билан жанг қилишни ўргатгин. Мен Сенинг Сўзингга қулоқ солганимда, Сенинг ҳақиқатинг менинг жоним билан бирлашсин, токи ҳеч қачон уни бўзмайин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ҲАҚИҚАТДА, ҲАҚЛИКДА ВА
ТИНЧЛИКДА ТУРАМАН.

ҚАЛҚОНЛАР ВА КАМОН ЎҚЛАРИ

“Бунинг устига, имон қалқонини олинглар, у билан ёвўзнинг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизлар”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 6:16

Бизга ёвўз томонидан отилган ҳар бир қиздирилган ўқлардан пана қиладиган қалқон берилган. Павлус буни имон қалқони деб атайди. Ибронийларга мактубнинг 1:1-оятида айтилган: “Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир”. Албатта, у бизни айнан қандай ҳимоя қилишини кўрамиз, лекин уни ҳис қилишни ҳам ўрганишимиз мумкин. Худонинг Сўзини эшитиб, уни ўзлаштирганимизда, имон келади. Мен имонни куч майдони сифатида тасаввур қиламан: бизнинг имонимиз қанча мустаҳкам бўлса, ҳимоя шунчалик ишончли бўлади. Баъзида имон биз оладиган нарсадан бошланади, аммо у доимо биз беришимиз мумкин бўлган нарсага айланиши керак.

“Шунингдек, нажот дубулғасини ва Худонинг сўзи бўлган Рухнинг қиличини олинглар” (Эфесликларга 6:17). Нажот – бу дубулға бўлиб, бизнинг онгимизни ҳимоя қилади. Мен эндигина имонга келганимда, кўпинча ҳаёлимга қўрқинчли фикрлар келарди. Мен улар қаердан келиб қолганини тушунмасдан, даҳшатга тушардим. Нажот топганимдан сўнг менга тегишли бўлмаган фикрларни фарқлашни ўргандим. Нажот онгимизга тинчлик беради. Яна ваҳимали фикр келганида, биз ўз

қиличимизни оламиз. Худонинг Сўзи – бу Руҳнинг қиличидир. Исо шайтон томонидан васвасага солинганида тутган йўлдан намуна олиб, биз ҳам жонларимизнинг душманига, Муқаддас Ёзувнинг сўзлари билан жавоб қайтарамиз. У бизнинг тинчлигимизга тажовуз қилганида, биз пайғамбар Ишаёнинг китобидаги Худонинг ваъдалари билан зарбани қайтарамиз (26:3): “Онгида мустаҳкам бўлган одамни Сен мукамал тинчликда сақлайсан, чунки у Сенга ишонч боғлайди”.

Самовий Ота, мени душманнинг ҳужумларидан
ҳимоя қиладиган имон инъомини берганинг
учун, жонимдаги тинчлик учун ва Сен менинг
қўлимга тутқазган Руҳнинг қиличи учун Се

Мен кузгиман

ЧУНКИ ИМОНДА ЎСАЯПМАН – СЕНИНГ
СЎЗИНГНИ ЎҚИБ, УНИ БОШҚАЛАРГА
ЭЛТАЯПМАН ВА У БЎЙИЧА ЯШАЯПМАН.

ҲАҚИҚИЙ УРУШ

*“Ҳа, биз танада юрсак ҳам, тана изми
бўйича жанг қилмаяпмиз”.*

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 10:3

Биз ер юзида яшаймиз, лекин унинг қонунларига кўра жанг қила олмаймиз. Гап жангга киришимиз ҳақида эмас, балки уни қандай олиб боришимиздир. Фарқ ниятда, яъни нима учун жанг қиялпмиз, деган саволнинг жавобида яширинган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, биз фақат кимгадир қарши эмас, балки кимдир томонда жанг қилишимиз керак. Биз бу дунёнинг қонунларига кўра уруш олиб бораётганларнинг ниятларидан, анча чуқурроқ бўлган ҳақиқатни биламиз: одамлар ҳеч ҳачон бизнинг асл душманимиз бўлмайди. Мен бу ҳақиқатга баъзан ишониш қийин эканини биламан, айниқса, оғриқ янги бўлганида ва назаримда, жавоб зарбасига лойиқ одамлар бор бўлганида, шундай туюлади. Аммо Худо Ўз халқини севади — Исо бу одамларни қутқариш учун келган. Шунинг учун биз уларга қарши курашмаслигимиз керак — ахир, биз асирларга қарши эмас, балки асирларни озод қилиш учун курашяпмиз. Биз шахсларга эмас, уларнинг юраклари қамалган қалъаларга ҳужум қиламиз. Чунки: “Жангимиздаги қуроллар тана измига оид эмас, балки истеҳкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан қудратлидир” (2-Коринфликларга 10:4).

Бизга илоҳий кучга эга қурол ишониб топширилган — у бу дунёнинг қуролларидан тубдан фарқ қилади. Ҳа, энг муҳими, у айнан жуда қудратли экани сабабли, биз унга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз керак. Биз кўпинча, ҳатто сўз ҳам дуо-барака ёки лаънат олиб келиши мумкинлиги ҳақида

унутиб қўямиз. Унда хатти-ҳаракатлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бу дунёнинг қуроли ҳалок қилади, бизнинг қуролимиз эса ҳаёт келтиради. Дунёвий қурол халқларни, маданиятларни ва юракларни ажратади, бизнинг ибодат қуролимиз эса, бизни Унинг шоҳлигининг ҳокимияти остида бирлаштиради. Ерлик қуроллар, биз душман деб билган одамларни яралайди ва майиб қилади, Худо Сўзининг ўткир дудама қиличи эса ҳақиқатни ёлғондан ажратиб, шифоланиш ва тикланишни олиб келади. Бу дунёнинг қуроли одамлар томонидан, бошқаларни қўрқитиш ва уларни қўрқувда ушлаб туриш учун яратилган, бизнинг осмонда ясалган қуролимиз эса асирларни халос этишга ва уларга илоҳий даъватга эргашиб, ўз йўлидан кетишга жасорат бериш учун яратилган. Биз асирларни озод қилиш учун қалъага ҳужум қиламиз.

Самовий Ота, ҳар бир жангда мен ҳақиқатан нима
учун курашаётганимни кўрсатгин. Муқаддас Рўҳ,
доимо менга эслатиб тургин: мен маҳбусни енгил учун
эмас, балки қалъани бўзишга даъват этилганман.

Мен кузгидан

ЧУНКИ БОШҚАЛАРНИ ОЗОДЛИГИ
УЧУН КУРАШАМАН.

НУРДАГИ ЖАНГ

“Худо – нур ва Унда ҳеч қандай қоронғилик йўқдир”.

1-ЮХАННО 1:5

Йешуа Нун ўғлининг китобида, Худонинг халқи ва уларнинг душманлари ўртасидаги шиддатли жанг ҳақида ҳикоя қилинади. Раббий улар билан ёнма-ён жанг қилди. Вақт келиб, исроилликларнинг йўлбошчиси Йешуа Нун ўғли шундай деб қарор қилди: жангни давом эттириш учун уларга кўпроқ нур керак. Шунда у: “Қуёш, Гибеоннинг устида ва ой, Аялон водийси устида тўхта!” – деди. Муқаддас Китоб айтади: “Халқ ўз душманларидан қасос олмагунича қуёш тўхтади ва ой тўхтаб турди... Қуёш осмоннинг ўртасида туриб қолди ва кун бўйи ботишга шошилмади... Зеро Раббий Исроил учун жанг қилди” (Йешуа Нун ўғли 10:12-14).

Кўриниб турибдики, ўша жангда ёруғлик етишмади ва Худо бу камчиликни мўъжизавий тарзда тўлдирди. Исроилликлар қуёш нурида, ким улар билан, ким эса уларга қарши эканини аниқ кўра олишди. Қоронғида душманни дўст деб ўйлаш ва сафни бузиш осон. Бизнинг руҳий жангимизда ҳам, худди шундай – жанг қилиш учун бизга нур керак! Худо бизга бу нурни мўл-кўл қилиб беради. Худди уфқимиздаги қуёш каби, бизни адаштирадиган, чалғитадиган ва кучдан маҳрум қиладиган зулматни тарқатиб юборади. Душман зулматда гуллаб-яшнаётган пайтда, биз Худо севгиси ва ҳақиқатининг нурида гуллаб-яшнаймиз ва ғалаба қозонамиз. “Зеро, мана, ер юзини қоронғилик ва халқларни

зулмат қоплайди. Сенинг устингда эса Раббий порлайди ва Унинг шуҳрати сенинг устингда намоён бўлади” (Ишаъё 60:2). Исроил фарзандлари каби биз ҳам, бизни ўраб турган зулматнинг ҳокимиятига қарам эмасмиз, чунки бизнинг устимизда Раббийнинг Ўғли порлайди. Эҳтимол, Исроил қўшини, тун келишини тўхтатиш имконсиз деб ўйлагандир, аммо инсон учун имконсиз нарсаси, Худо учун имконлидир. Бизнинг Худойимиз имконсиз нарсани амалга оширади. У: “Мен биламан, сен зулмат ерга ва одамларнинг юрагига тушаётганини кўряпсан, лекин қўрқма, зеро Мен сенинг нур чойшабингман”, дейди.

Жанг қизғинида сизни ўраб турган зулматга қараманг. Доимо сизда ички нур борлигини ёдда тутинг. Худо зулматни ҳайдаб, сиз учун порлашда давом этади, ҳатто бу бутун кун ва бутун тунни талаб қилса ҳам.

Раббий, Сен менда ёққан нур, менга куч беради.
Жанг босилмагунича, Ўз нурингни устимга қуйгин.

Мен кузгидан

ЧУНКИ КУРАШЛАРДА ХУДО МЕНИНГ НУРИМДИР.

ҚАТЪИЯТГА ТЎЛА

“Сизлар ўрнингиздан турунглар, тик турунглар ва сизларга юборилаётган Раббийнинг нажотини кўрунглар”.

1-ЙИЛНОМА 20:17

Хаёт йўлларида шундай пайтлар бўладики, ҳаммасини ташлаб кетгинг келади. Ҳаммамизнинг ҳаётимда, шунчаки ётиб, ўрнимиздан туришни истамайдиган кунлар келади. Лекин таслим бўладиганлар билан ғалаба қозонадиганларнинг ўртасидаги фарқ шундай иборатки, бирлари ётишда давом этади, бошқалари эса ўринларидан туришади. Кўплаб жанглар, куч ҳисобига эмас, балки барқарорлик ҳисобига ғалаба қозонилади – кўпинча кимдир шунчаки таслим бўлмагани учун ғалаба қозонади. Ҳар биримиз йиқилишимиз мумкин ва кўп ҳолларда бунинг олдини ола олмаймиз. Аммо ўрнимиздан туришни ёки турмасликни биз танлаймиз. Ҳатто, ўзингизда кучни ҳис қилмасангиз ҳам, имонда туришга қарор қилинг. Ҳис-туйғулар бизни чеклаши мумкин, лекин ҳақиқат шундаки, сиз нимага қодир эканингизни билмайсиз. Биз оёқларимизда мустаҳкам турар эканмиз, Раббий биз учун курашади. Бу осон бўлмайди. Наҳот сиз, чинданам жангсиз ғалаба бўлади деб ўйлаган бўлсангиз? Ҳаётингизда ҳали ҳам ўзингизни олиб қочаётган жанг борми? Рухий ҳаётингизда, фикрингиздан қайтган соҳа борми? Худо сизни ўз ўрнингизга қайтишга чорламоқда. Ваъда берган Зот содиқдир. Худо кучли ва У сиз ҳам кучли бўлишингизни хоҳлайди. У Ўз кучини сиз орқали намоён бўлиш учун очади. Чарчаганингизда, тўхтамоқчи бўлганингизда, Иккинчи Йилномалар китобининг 20:17-оятида нима дейилганини ёдга олинг:

Бу дафъа сизлар жанг қилмайсизлар. Сизлар ўрнингиздан туринглар, тик туринглар ва сизларга юборилаётган Раббийнинг нажотини кўринглар. Яҳудия ва Йерусалим! Қўрқманглар ва даҳшатга тушманглар. Эртага уларга қарши чиқасизлар ва Раббий сизлар билан бирга бўлади.

Раббий биз учун курашади. Баъзан ғалаба, биз шунчаки таслим бўлмаётганимиз учун келади. Биз севишдан, беришдан, хизмат қилиш, ўрганишдан тўхтамаганимизда, ғалаба қозонамиз. Бошқа жанглар қўшиқ куйлаш билан ғазаба қозонилади. Биз Худонинг Сўзини куйлаганимизда – Рухнинг қиличи билан қуролланамиз. Унинг ваъдалари ҳақидаги ибодат имон қўшиғига айланади. Шундай жанглар бўладикки, унда куч эмас, балки сукунат ва Унга бўйсунуш ғалаба қозонади. Биз Худонинг эзгулигига ва яхшилик қилишига шу қадар аминмизки, У ўстун келишини билиб, содир бўлаётган нарсаларга шунчаки жилмайиб қарашимиз мумкин. Биз Унинг кучига таяниб, ҳаёт бизни дучор қиладиган барча нарсага – ғамгинликка, ҳолдан тойишга ва очиқ қаршиликка қарши туришимиз мумкин. У: “Қўрқма, зеро Мен сен билан биргаман. Хижолат бўлма, зеро Мен – сенинг Худойингман. Мен сени мустаҳкамлаб, сенга ёрдам бераман ва сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман” – дейди (Ишаё 41:10).

Қодир Худо, Сен мен учун жанг қилаётганингда,
Сенинг содиқлигингга умид қилиб тураман. Жанг
ғалаба қозонилмагунича – мен кундан-кунга
қатъийлик ва сабр-матонатни танлайман.

Мен кузгилман

ЧУНКИ МЕНИНГ ХУДОЙИМ, РАББИЙ МЕН УЧУН
КУРАШАЁТГАНИГА ИШОНЧ БИЛАН ТУРАМАН.

Инаятга қурли

СИЗНИНГ ЎТМИШИНГИЗ, СИЗНИНГ КЕЛАЖАГИНГИЗ ЭМАС

“Исо бошини кўтариб, аёлдан бошқа ҳеч кимни кўрмасдан унга: – Эй, аёл! Айбловчиларинг қани? Сени ҳеч ким ҳукм қилмадими? – деди. У: – Ҳеч ким, Ҳазрат, – деб жавоб берди. Исо унга: – Мен ҳам сени ҳукм қилмайман. Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма, – деди”.

ЮҲАННО 8:10, 11

Биз ҳаммамиз гуноҳдан холи эмасмиз. Жуда кўп ҳолларда, ўз қадримизнинг тасдиғини эркакларда, динда ёки дунёда қидирамиз. Аммо буларнинг барчаси ҳафсаласи пирлик келтиради, холос. Охир-оқибат гуноҳ панд беради, дин эса хиёнат қилади. Юҳанно Хушхабарининг 8-бобида, оломонга ғажишга топширилган, ҳеч ким танимаган аёлга, Исо қадр-қиммат, куч ва иззат-икром ато этди. Исо бошқалардан кўра кўпроқ нарсани кўрди ва шунинг учун унинг ҳозирги куни – бу бутун умрлик ҳукм эканини тан олишдан бош тортди. Аслини олганда, Исо унга қуйидагича гапирди: “Сенинг ўтмишинг келажагингни белгиламайди!

Бор ва бошқа гуноҳ қилма. Сенинг ўтмишинг гуноҳ эди, аммо сенинг келажагинг — бу художўйликдир. Сен асирликда эдинг, лекин олдинда сен озодликка эгасан. Сенинг ўтмишинг уят эди, аммо сенинг келажагинг — қадр-қимматдир. Ўтмишинг яланғоч-лик эди, аммо сенинг келажагинг ҳашаматли либослардир”.

Исо бу аёлни шунчаки кечирмади — У унга озодлик тақдим этди. Озодлик кечиримдан бошланади. Биз гуноҳнинг кишанларидан халос бўлганимизда, унинг тўрига яна тушиб қолмаслигимиз учун, бизни иноят олға бошлайди. Аввалида Исо бизга раҳм-шафқат ёғдиради, сўнгра Ўзининг инояти билан бизни мустаҳкамлайди. “Гуноҳ устингиздан ҳукмронлик қилмасин, чунки сизлар Қонун остида эмас, балки иноят остидасизлар” (Римликларга 6:14).

Раҳм-шафқат бизнинг ўтмишдаги ишларимизга ишора қилади, иноят эса Исо биз учун амалга оширган ишни шарафлаб, ҳозирги кунда ҳаракат қилишга куч беради. Худонинг раҳм-шафқати ва инояти бизга гуноҳқор ҳаётни ортда қолдириб, Унинг умиди билан тўла келажакка қадам ташлашимизга куч беради.

Бизга иноят юборилган. Ўтмишимизнинг мустаҳкам бўлиб кўринган кишанлари узилди. Занжирларнинг кучига эмас, балки бизнинг халоскоримиз — Масих сўзларининг кучига ишониш вақти келди. Занжирлар, Худо сизга интилганидек чидамли эмас. Ишониш учун жасоратга эга бўлинг ва ўтмишингизнинг соясини ортда қолдиринг.

Самовий Ота, Сен берган кечирим ва келажак учун
Сендан миннатдорман. Мен зулматнинг ёлғонларига
эмас, Сенинг нур ҳақидаги сўзларингга ишонаман.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ МЕНИНГ ЎТМИШИМ, БУ
МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ ЭМАС.

КЕЧИРИЛГАН

“Аммо бир-бирингизга нисбатан меҳрибон ва ҳамдард бўлинглар. Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 4:32

Ниҳоят, Масихни қабул қилган вақтга келиб, ҳаёт жараёнидаги рўйхатимда анчагина хато ва гуноҳлар тўпланиб қолган эди. Эрим Жон менга, нажот топиш ибодатини унинг ортидан такрорлашимни айтди: “Раббий, мен ўз гуноҳларимни тан оламан”.

Мен ваҳимага тушдим. “Уларнинг барчасини эслай олишимга ишончим комил эмас”. Мен агар ниманидир унутиб қўйсам, Худо менинг тавбамни қабул қилмаслигидан қўрқар эдим.

Жон мени тинчлантириб: “Ҳаммасини санаб ўтишинг шарт эмас – шунчаки гуноҳ қилганингни тан ол” – деди. Мен енгил нафас олдим, чунки Худо шубҳасиз мендан кўра анча синчковлик билан “хато ишларим рўйхати”ни тузган бўлса керак. Мен гуноҳкор эканимни ва раҳм-шафқатга муҳтожлигимни билар эдим. Менга кечирим керак эди ва мен уни Худонинг инояти билан қабул қилдим.

Бироқ мен масиҳий бўлганимдан сўнг, тез орада бошқа масиҳийларга, Масихдаги биродарларим ва опа-сингилларимга нисбатан ўз юрагимда кечиримсизлик борлигини пайқадим. Улар менга нимадир қарздордек туюлиб, кечирим сўрашларини кутар эдим. Бу ҳис-туйғу мени барбод қилишига йўл қўйдим. Ўша даврда оғир ички курашни бошдан кечирдим. Ўзимни қурбондек ҳис қилар эдим ва бу аслида ҳам шундай эди. Мен

аллақачон масиҳий бўла туриб, шайтоннинг макр-ҳийласи қурбони сифатида қуладим. Мен кўп вақтни ибодатда ўтказиб, ўзим билганимча ёвузликни боғлар ва ҳақиқатни эълон қилар эдим, лекин натижа бўлмади. Мен ўзимнинг тузоғимга тушдим ва ўзимни занжирбанд қилдим. Ваниҳоят, қаршимда ҳақиқат очилганида, мен энг асосий нарсани англаб етдим: мени қандай хафа қилишгани муҳим эмас. Ким ҳақ, ким айбдор экани муҳим эмас. Аҳамиятга эга бўлган ягона нарса – бу Раббийнинг буйруғига бўйсунуш эди: мен қандай кечирилган бўлсам, ҳудди шундай кечиришим керак эди.

Мен қанчалик қаттиқ адашганимни тушунганимда, ҳайратда қолдим. Мен ўзимни мутлақо тўғри деб билардим, амалда эса даҳшатли адашган эдим. Буни англаб етгандан сўнг кечириш осонлашди. Мен Раббийга илтижо қилиб, У мени ўз шафқатининг тозаловчи дарёсида яна ювишини сўрадим ва У албатта, буни амалга оширди. Айтайлик: мен ўз тажрибамда, боғлиқ ҳолда яшаш нимани англатишини ва озод бўлиш нимани англатишини тушундим – озод бўлиш яхшироқ. Ҳатто озодликка бориш йўли камситилиш ва ўзининг ноҳақ эканини тан олиш орқали ўтса ҳам – озодлик барибир аълороқ.

Самовий Ота, юрагимда яширинган ҳар қандай
янглишиш ва кечиримсизликни менга кўрсатгин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ЎЗИМНИ ВА БОШҚАЛАРНИ КЕЧИРАМАН.

МЕҲРИБОН

“Соғлом ақл одамни тез ғазабланмайдиган қилади ва хатоларга кечиримли бўлиш – унинг шухратидир”.

ҲИКМАТЛАР 19:11

Хикматлар китобининг муаллифи хатоларни кечирish қобилияти, инсонни иззатлашини айтади. Бировнинг хатосига бағрикенглик кўрсатиш қобилияти масиҳийнинг ички етуклигидан далолат бериб, уни юксалтиради ва бошқалардан ажратиб туради. Бу ҳақиқий масиҳийча хатти-ҳаракатнинг намунасидир.

Аммо бировнинг таъаналари, ҳақоратлари ва таҳдидларига нисбатан, биз ўзимизни Отамизга, одил Ҳакамга ишониб топширганимизда, чинакам бағрикенг бўла оламиз. Жон иккимизнинг болаларимиз жанжаллашганда, улар биздан адолат кўрсатишимизни сўрашарди. “У ўз ортидан тозаламади!” ёки “У кун бўйи компьютерда ўйнайди!” деб, бир-бири ҳақида айтар эдилар. Биз уларни эшитишимизни ва яхшиси, уларнинг фойдасига ҳукм чиқаришимизни хоҳлашарди. Одатда биз Жон билан вазиятни ўрганамиз ва ҳаққоний ҳукм чиқаришга ҳаракат қиламиз. Лекин болалар, кўпинча бизнинг қарорларимизни адолатсиз деб ҳисоблашади. Шунда улар мустақил равишда “адолат тиклашга” киришишади ва шунинг учун муаммолар бўлиши муқаррар. Гап келишмоқчиликни ҳал қилиш ҳақида кетмаяпти – шундай бўлса, биз бундан фақат хурсанд бўлардик. Улар қасос олишга ташнадирлар. Кейин “Нима учун сен укангни урдинг?”, деб сўрайман. “Чунки у...”, қолганини ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Улар муштлашишнинг ўрнига, муаммо билан бизнинг олдимизга келишлари кераклигини айтганимизда, улар: “Лекин сизлар ўтган

сафар ҳеч нима қилмаган эдингиз” – деб жавоб беришади. Яъни: “Ўшанда сиз қандай тартиб ўрнатганингиз менга ёқмади. Шунинг учун мен энди таваккал қилмаيمان. Ўзим ҳал қиламан!”, дейишади.

Биз Жон билан рўйирост тан оламиз: ота-она сифатида, биз ҳам хато қиламиз. Лекин яхши янгилик шундаки, Худо хато қилмайди – У одил ва мукаммал Ҳакамдир. Унинг қарорлари доим, биз уларни кутган вақтда келмайди ва доим ҳам бизнинг истакларимизга жавоб бермайди, аммо Унинг йўллари мукаммал, бизники эса йўқ. Биз кечирганимизда, ишонувчан болалар каби шундай деймиз: “Ота, мен Сенга бу нарсада ишона олишимни биламан. Бу мен учун жуда ҳам оғриқли ва қийин. Мен зарбага зарба билан жавоб қайтаришни истамаيمان, аммо кечираман ва вазиятни Сенинг қўлларингга топшираман”. Бу шоҳлиқка доир ҳаракатдир. Шундай қилиб, биз ерлик ҳаётимизда Худонинг ўғлига ўхшаш бўламиз. Исо Ўз шогирдларига деди: “Агар бир куннинг ўзида сенга қарши етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта сенга қайта келиб: “Тавба қилдим”, – деса, уни кечиргин” (Луқо 17:4).

Ҳар биримизнинг ҳаётимизда шундай хафагарчиликлар бўладик, уларни босиб ўтиш яхшироқдир. Босиб ўтиш – хафагарчиликдан ўстун бўлиш, вазият тепасидан туриш, унга юқоридан донолик билан назар солишни англатади. Ҳукм қилишнинг эмас, балки иноят ва раҳм-шафқатнинг фойдасига танлов қилишни билдиради.

Раббий, менга бошқаларга нисбатан сабр-тоқат бергин, хафагарчиликлар билан яшашимга йўқ қўймагин. Сенинг иноятинг ва раҳм-шафқатингни барча ишларимда акс эттиришимга имкон бергин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ХУДО МЕНГА БАҒРИКЕНГ БЎЛГАНИ КАБИ,
МЕН ҲАМ БОШҚАЛАР БИЛАН БАҒРИКЕНГМАН.

ЎЗ-ЎЗИНИ АЗОБЛАШНИНГ ЎРНИГА, ЎСИШ

*“Шундай экан, энди Исо Масихда бўлганларга
ҳеч қандай маҳкумлик йўқдир”.*

РИМЛИКЛАРГА 8:1

Нима учун биз ўзимизга нисбатан бунчалар қаттиққўл бўламиз? Биз аслида, бу билан нимага эришмоқчимиз? Илгари мен уйқуга ётиб, кун давомида қилган барча муваффақиятсизликларимни биттама-битта эсга олардим. Мен гуноҳларимни ювишга уриниб, ҳар бир хато учун яна уялиб, ўзимни азоблардим. Баъзан биз кун охирида ҳафсаламиз пир бўлиб, ўзимиздан норози бўламиз. Балки ўзимизни тўғри жазоласак, шунда эрталаб бошқача — яъни яхшироқ ва тўғрироқ одам бўлиб ўйғонадигандек кўринади. Лекин бу ундай эмас. Бу стратегия бизни ўзгартирмайди, балки ичкаридан барбод қилади холос.

Ўз хатоларини англашда ёки ўз танловидан афсус қилишда ҳеч қандай ёмон нарсаси йўқ. Қайта кўриб чиқишимиз учун, Муқаддас Руҳ бизга нотўғри сўзлар ва ишларни эслатиши яхши. Аммо бу айбдорлик ҳиссини ўстириш учун эмас, балки биз ўсишимиз учун керак. Ҳар тун айбдорлик ҳисси, кўтариб бўлмайдиган даражада оғирлашмагунича, ўтган кундаги хато-камчиликларим учун ўзимни койирдим. Фақат ўшандагина мен ўзимга ибодат қилишга ва кечирим сўрашга рухсат берар эдим. Аммо бу вақтга келиб,

айбдорлик ҳисси ботқоқлик каби мени тортар ва янги тонгнинг шафқати енгиллик олиб келишига ортиқ ишона олмас эдим.

Мисол учун, агар мен бирор кун болаларимга бўлган муносабатларимдан норози бўлсам, “Нима учун сенда сабр йўқ?” каби саволлар билан ўзимни қийнардим.

Эртага қандай қилиб, кўпроқ сабр кўрсатишни ўйлашнинг ўрнига, мен ўзимга омадсизлик ёрлиғини ёпиштирар эдим – бу мени фақат янги омадсизликка ундарди.

Ўзидан жирканиш, ўзига нисбатан ғазаб – буларнинг барчаси ҳалокатли айбдорлик сценарийсини ишга туширади.

Исо айбдорлик юки биз учун жуда оғир эканини тушунган ва айнан шунинг учун У бунга Ўз елкасига юклади. Хатоларимизни Унинг Сўзининг нурига олиб чиқишимиз керак. Биз фақатгина ўша жойда айблов эмас, балки тушуниш, ҳукм эмас, балки маслаҳат топамиз. Нур нафақат фош қилади – у шифолайди. Айб – бу зулмат, раҳм-шафқат – нурдир. Шундай экан, келинг, қайта ва қайта ўз хатоларимизга ўгирилишни бас қилайлик. Келинг, ҳамма нарсани тўғирлайдиган нурга юз тутайлик.

Самовий Ота, ўз-ўзимни қийнаш билан шўғулланаётганим
учун мени кечиргин. Сенинг Сўзингнинг нури
юрагимни ҳақиқат билан тўлдирсин. Менга ўз-
ўзимни ҳукм қилишни тўхтатишга ва Сенинг
шафқатингни қабул қилишга ёрдам бергин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ АЙБДОРЛИК ҲИССИНИ ЭМАС,
ЎСИШНИ ТАНЛАЙМАН.

ЮРАКНИНГ БОҒИ

*“Диққат қилинглар, токи ҳеч ким Худонинг
иноятидан маҳрум бўлиб қолмасин, токи бирор
аччиқ илдиз пайдо бўлиб, зарар етказмасин
ва у орқали кўплар ҳаром бўлмасинлар”.*

ИБРОНИЙЛАРГА 12:15

Болалигимда кўпинча менга бегона ўтларни тозалаш вазифасини беришарди. Мен доимо ўйнашга улгуриш учун ишни тез тугатишга ҳаракат қилардим. Шошилишда, аксарият бегона ўтни илдизи билан суғуриб олишнинг ўрнига, унинг тепа қисмини юлардим. Илдизгача бориш учун ифлос тўпроқни ковлаш керак бўларди, мен эса бу билан овора бўлишни хоҳламас эдим. Мен ўсимлик поя ва барглрсиз ўлади, онам эса барибир сезмайди деб ўйлардим. Мен чиқиб турган томир ўстига тўпроқ сепиб, қочиб кетардим. Бир неча ҳафта ўтгач, худди ўша жойда янги куртак ёриб чиқарди. У олдингисидан кичикроқ, лекин ҳайратланарли даражада мустаҳкам қалин томирли бўлар эди. Онам менга томирни очиш учун ўсимликнинг ўзагини қандай ковлаш, уни қаттиқ ушлаб, бутунлай юлиб олиш кераклигини кўрсатди. Хўжалик бўйича оддий топшириқ сифатида бошланган иш, энди зерикарли курашга айланди.

Биз ҳар қанча вақтда, ўз юрагимизнинг боғи билан худди шундай йўл тутамиз?

Шайтон бизга умидсизлик, ёлғон фикрлар ва ғазаб уруғларини экишга интилади, алам илдизлари Худо Сўзининг ҳаётбахш куртакларини сиқиб чиқармагунича, у буни қайта ва қайта қилади.

Бегона ўтлар маданий экинларга қараганда тезроқ ўсади. Улар

ёввойи, жой танламайдиган ўсимликлар бўлиб, ерга тезда тарқалиб кетади, ҳар қандай тупроққа осон мослашади. Одам учун жуда муҳим бўлган мева ва сабзавот экинларининг уруғлари эса ғамхўрлик ва эътибор талаб қилади. Бегона ўтлар ва ноқулай тупроқ уларни осонгина ҳалок қилиши мумкин.

Алам илдизлари энг ноқулай вақтда ўсиб чиқиш одатига эга бўлиб, уларни тартибга солиш ҳаммасидан ҳам қийин бўлади. Уларни таг-туғи билан йўқ қилиш ўнчалик осон эмас, лекин эътиборсиз қолдириш ҳам мумкин эмас – вақт ўтказиб юборилса, улар халокатли даражада хавфлига айланади. Ҳаммасини ўзибўларчиликка ташлаб қўйманг ва илдиз ўзича қуриб кетишига умид қилиб, ҳеч қачон тепа қисмини юлиб олманг. Ўзингизни алдаманг – илдиз яна мустаҳкамлашади ва бир кун яна ўниб чиқади. Жуда ҳам кўп ҳолларда, Муқаддас Рух бизда чуқур ишни амалга оширишига йўл қўймасдан, ҳаммасини назоратимиз остида ўшлаб турибмиз, деган хом-хаёл билан овунаимиз.

Шундай экан, келинг, сергак боғбонлар бўлайлик. Юрагимиздаги аламни топиб, – у эса ҳаётимизнинг ҳар бир даврида, у ёки бу тарзда илдиз отишга ҳаракат қилади, – биз уни Асосий Боғбонга олиб келишимиз мумкин. У бизга жуда чуқур кириб боришга, илдирларгача етиб бориб, уларни йўқ қилишга ёрдам беради. Агар Унинг Сўзи юракларимизнинг иноятли тупроғига тушса, биз ажойиб ҳосил йиғиб оламиз.

Ота, жонимнинг боғига астойдил ишлов беришимга ёрдам бергин. Менда ўниб чиқиши мумкин бўлган алам илдизларини очишдан қўрқмаслик учун жасорат бергин. Ҳар бир кичик кўртақдан мени огоҳлантиргин ва Менга Ўз кучингни ато этгин, токи мен ҳаёт келтирмайдиган барча нарсани илдизи билан суғуриб ташлай олайин.

Мен кўргиман

ЧУНКИ ЎЗ ЮРАГИМГА БОҒ СИФАТИДА
ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАМАН.

МУҲОКАМА ҚОЛИПЛАРИ

“Ҳукм қилманглар, шунда сизлар ҳам ҳукм қилинмайсизлар. Зеро қандай ҳукм қилсангизлар, сизлар ҳам шундай ҳукм қилинайсизлар, қандай ўлчов билан ўлчасангизлар, сизларга ҳам шундай ўлчанади”.

МАТТО 7:1, 2

Кўпчилигимиз буюмлар ўз ўрнида туришини ёқтирамиз. Биз жавоннинг ҳар бир қутисида нима борлигини ва у ерга нима сиғишини аниқ билганимизда, ўзимизни хотиржам ҳис қиламиз. Агар нимадир ёки кимдир биз ажратган қолипга мос келмаса, биз ҳукм қилишни ва ёрлиқ ёпиштиришни бошлаймиз. Бироқ аслида, бу биз ҳукм қилаётган одам ҳақида эмас, балки биз ҳақимизда кўпроқ нарсани гапиреди. Мен масиҳийликни қабул қилганимдан сўнг бир неча йил ўтиб, менга узоқ вақт тинчлик бермаган воқеа содир бўлди. Мен ўз ҳаракатларим мослиги тизимида, унга тўғри келадиган “қути” топа олмадим.

Гап масиҳий жуфтлик ҳақида бўлиб, улар Худо уларни никоҳда қандай бирлаштиргани ҳақида очиқ гувоҳлик беришарди. Биз уларнинг иккаласи билан суҳбатлашардик ҳамда иккаласи ҳам, Худони ва Унинг халқини чин дилдан севишларини билардик. Кейин бирдан улар ҳақида ифлос миш-мишлар тарқала бошлади ва биз ўзимизга келишга улгурмасдан, улар аллақачон оғир ажрим жараёнини бошдан кечиришди. Уларнинг ҳеч бири бир-бирига хиёнат қилмаган. Улар шунчаки бир-бирига мос эмасдек туюларди. Бу мени руҳан синдирди. Ўша пайтда мен ўзим никоҳим учун ва оилавий муаммоларни ҳал қилишда, Худога умид қилиб курашаётган эдим, чунки мени Жон билан боғлаган У эканига ишончим комил эди. Ўз никоҳини илоҳий

тақдир деб тушунтирган бу жуфтлик эса парчаланди.

Бу воқеа Худо менинг никоҳимга таъсир кўрсатиши мумкин деган ишончимни ларзага солди. Мен ўша жуфтликда бирон-бир камчиликини топишга ҳаракат қилдим. Агар мен “тўғри” масиҳийча қолипга сиғмайдиган нимадир топишга муқаррар бўлганимда, уларни “мос келадиган жавон қутисига” итариб киргизардим.

Мен юракдаги ғулғулаларимни ўзим ишонган руҳий устозим билан бўлишиб, Муқаддас Китобдан иқтибослар билан тўлиқ жавоб олишни кутдим. Лекин у шунчаки хўрсиниб, деди: “Бу қийин масала. Мен бу масалада ҳукм чираришим керак эмаслигидан хурсандман”. Худди елкамдан тош қулагандай бўлди. Унинг оддий сўзлари мени оғир юкдан халос қилди. У ҳақ эди. Мен душманга юрагимга ғулғула солишига рухсат бердим, бошқаларни ҳукм қила бошладим ва Худонинг садоқатига шубҳа қилдим. Мен ўз никоҳимни, ўша одамларнинг никоҳи билан ўлчаган эдим ва назаримда, Худо улар учун қилмаган нарсаса Уни иштирокчи қилиб қўйдим. Мен севгидан эмас, қўрқувдан келиб чиқиб ҳукм қилдим. Биз кўпинча, оғриқдан ёки танқидлардан ҳимояланиш учун ҳукм қиламиз, бироқ ҳақиқат шундаки, ҳар биримиз айбдормиз. Бугунги парчадан кейинги оятда шундай дейилган: “Сен нимага биродарингнинг кўзидаги зирапчага қараяпсан, аммо ўз кўзингдаги ходани сезмаяпсан?” (3-оят).

Исо бизга аниқроқ кўриш ва бошқаларга ҳам, ўзимизга ҳам чинакамига ёрдам бериш учун, кўзларимиздан баҳоловчи ҳукмнинг “хода”сини олиб ташлашимиз кераклигини эслатади. Кимдир бизнинг қолипларимизга мос келмаганда, келинг, ўз юрагимизнинг чуқурликларига назар солайлик ва ҳукм қилиш — бизнинг ишимиз эмаслиги учун миннатдорчилик билдирайлик.

Ота, агар мен бошқаларни ҳукм қилишни бошласам,
бошқаларни қандай ўлчов билан ўлчасам, менга ҳам
шундай ўлчашларини менга эслатгин. Менга раҳм-
шафқатни ўргатгин, чунки мен унга муҳтожман.

Мен кўзимдан

ЧУНКИ ҲАЁТИМ МУҲОКАМА ҚОЛИПЛАРИ
ТОМОНИДАН СИҚИБ ҚЎЙИЛМАГАН.

ТАН ОЛИШ ВА ҚЎЙИБ ЮБОРИШ

*“Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва
Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб,
бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди”.*

1-ЮХАННО 1:9

Бу ваъдада жуда кўп озодлик бор. Биз гуноҳларимизни эътироф этганимизда, У нафақат кечиради, балки бизни танловимизнинг оқибатларидан ҳам тозалайди. Нима учун биз айбни бировнинг зиммасига юклаймиз, баҳоналар ўйлаб топамиз? Сиз хатоингизни тан олганингиз заҳоти, хато сизнинг устингиздан ҳокимиятини йўқотишини тушуниб етдим. Исо бизнинг айбимизни Ўзига олганида, “ким айбдор” ўйинини ўйнашдан маъно йўқ. Биз эътироф этамиз – ва олға юрамиз.

Авваломбор, келинг, очиқча тан олиш ҳақида гаплашсак. Ёшлигимда комедиячи Флип Уилсонни томоша қилардим, у Жералдин исмли қаҳрамонни ўйнаган. Унинг таниқли ибораси бор эди: “Шайтон мени мажбур қилди!” Биз ҳам ўзимизни оқлашда баъзан жуда топқир бўламиз, аммо ҳақиқат шундаки, шайтон биз хоҳламаган нарсани қилишга мажбурлай олмайди. Масъулиятни бошқага юклаш ва ўзини оқлашнинг яна бир нозикроқ усули бор. Бу биз: “Қўлимдан ҳеч нарса келмади” ёки “Мен шунчаки ўзимни бошқара олмадим” – деймиз. Гуноҳ бизни эгаллаб олганини ва биз уни енгиш аҳволида эмаслигимизни тасдиқлаб, бизни қўллаб-қувватлаётган Масиҳда, ҳамма нарса қила олишимизни айтаётган Худонинг Ўзига қарши чиқамиз. Ҳатто, биз бу сўзларни айтмасакда,

бизнинг ҳаракатларимиз ўзи учун гапиради. Тавба қилиш бошқача жаранглайди: “Ҳа, мен шу гуноҳни қилдим, мен тавба қиламан ва Сен мени поклашинг учун Сенга, Раббий, мурожаат қиламан”.

Хатоларимизни виждонан тан олганимиздан сўнг, янада қийинроқ қадам келади: уни қўйиб юбориш. Ўзимизни озодликка чиқариш. Бу бизнинг ҳиссий, жисмоний ва жоний саломатлигимиз учун шубҳасиз муҳим. Борди-ю, Худо аллақачон кечириб, унутган нарса учун ўзимизни жазолашда давом этсак, бу ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди. Агар шарқ ғарбдан қанчалар узоқ бўлганидек, У бизнинг қонунбузарликларимизни биздан шундай йироқлаштирган бўлса (Санолар 102:12), унда бу уларга яна ва яна қайтишга арзийдими?

Бизни тавбага айнан Худонинг эзгулиги ва меҳрибонлиги етаклайди. Бу бизда чуқур ўрнашиб қолган барча нарсага зид ҳисобланади. Биз ҳисоб бўйича тўлашни хоҳлаймиз. Ўшанда биз айбдорликдан халос бўладигандек туюлади. Болалигимда доим менга: “Агар сенинг ўзгарганингни кўрсамгина, тавба қилганингга ишонаман” – дейишарди. Аммо Худо бошқача йўл тутади, биз ўзгара олишимиз учун, биз бунга арзимаганимизда, У Ўз раҳм-шафқатини намоён этади. Раҳм-шафқат – бу қилмишимизга муносиб равишда муносабатда бўлмасликдир. Аксариятимизга бу ёндашишнинг мағзини чақиш қийин. Бизга “кўзга кўз, тишга тиш” қоидаси кўпроқ таниш. Қонун, бизнинг душманимиз ва ички овоз ҳар доим ҳукми талаб қилади, Рух эса – раҳм-шафқат ато этади. Шундай экан, дўстлар, бу раҳм-шафқатни қабул қилинг. Худонинг гуноҳдан озодлик томон бўлган йўлини қабул қилинг.

Раббий, гуноҳдан озод бўлиш учун қаерда Сенинг ёрдамингга қаршилиқ кўрсатаётганимни менга очгин. Мен тан олиб, қўйиб юборишим керак бўлган нарсаларни намоён қилгин.

Мен кўчгиман

ЧУНКИ ЎЗ ХАТОЛАРИМИНИ ВИЖДОНАН ТАН
ОЛАМАН ВА МЕН МУНОСИБ БЎЛМАГАН
РАҲМ-ШАФҚАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАМАН.

НАФРАТДАН ОЗОД

“Ўз биродаридан нафратланадиган ҳар кимса қотилдир. Ҳеч бир қотил эса Худода мавжуд бўлган абадий ҳаётга эга бўлмаслигини биласизлар”.

1-ЮХАННО 3:15

Бизнинг дунёмизда нафрат ниҳоятда кўп. Бу оятнинг сўзларини тинглаш вақти келди. Ўз биродаридан нафратланадиган ҳар кимса — ким у? Нафрат қотиллик учун эшик очади. Ёзувдаги бу парча қандай бошланаётганига эътибор беринг: “ҳар кимса”, бу — ҳар бир кишини англатади. Бу ерда: “ўз биродари томонидан зулмга учраганлар бундан мустасно” — дейдиган баҳоналар йўқ. Биз Ёзувда “ҳар кимса”, “исталган киши”, “ҳар бир одам” каби сўзларни кўрганимизда — бу гап биз ҳақимизда ҳам эканини билдиради. Иштирок этишдан бош тортиш кўзда тутилмаган.

Яхши янгилик шундан иборатки, бу ҳукмнома эмас, балки кучга эга бўлиш ва иноятда ўсиш имкониятидир. Биз Унинг Сўзига бўйсунганимизда, У бизга ҳақиқатга кўра яшашимиз учун барча зарур нарсаларни беради. Ушбу оятда ўз биродаридан нафратланадиган ҳар кимса қотил экани айтилган. Бу ерда истисно, ўзгача талқин, чап бериш йўллари йўқ — ҳаммаси аниқ ва биргина маънога эга. Мени қотил деб аташларини истамайман. Лекин барибир масиҳийлик йўлимнинг баъзи бир босқичларида, юрагимнинг энг қоронғи бурчакларида яширинган нафратни топганман. Наҳотки, мен жинойтчи ёки ҳатто, қотил деган тамғани абадий кўтариб

юришга маҳкум бўлсам? Йўқ, агар мен тавба қилсам ва зулмат илдиз отишига йўл қўймасам, бу ундай бўлмайди.

Биз Худонинг куч билан тўлдирувчи иноятини ҳам, Худонинг бизни пана қилувчи раҳм-шафқатини ҳам таниб-билдик. Қанчалар қоронғи ва даҳшатли бўлмасин, Худо кечира олмайдиган ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Худо тавба қилган қотилни кечиради.

Биз ҳаётга ердаги суд тизими эмас, балки шоҳлик нуқтаи назаридан қараймиз. Биз энди бу ернинг оддий аҳолиси эмасмиз, зеро Ёзув бизга шундай дейди: “Демак, сизлар энди бегона ва келгинди эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонигаиларисизлар” (Эфесликларга 2:19).

Бизни самовий олий тақдир бошқаради ва биз бу ернинг қонунлари ва судлари олдида эмас, балки самолар олдида жавобгар бўламиз. Самолар тошга ўйилган ташқи қоидалар ва меъёрларни бошқармайди – улар бизни юракларимизга ёзилган махфий код орқали ўзгартиради. Қуруқ, жонсиз қоидалар – ўликлар, яъни юраги тошлар учун мўлжалланган. Тирик юрак учун эса – озодлик қонуни белгиланган. Мана нима учун сиз ҳақиқатан ҳам одам ўлдирсангиз, ердаги суд сизни қотил деб топади, шоҳликда эса нафрат ҳиссининг ўзи сизни қотил қилади. Ўз ичимизга қараш ва керак бўлганда, юракда яширинган ҳар қандай нафратнинг соясини рўйирост ҳал қилиш вақти келди. Қотиллик руҳини тағ-томири билан йўқ қилиш вақти келди.

Самовий Ота, юрагимнинг нафрат яширинган барча бурчакларини очгин. Мен ундан қотиллик гуноҳи сифатида воз кечаман. Мен уларни кечирганимдек, мени кечиргин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ ОЛИЙ КУЧИ, РАҲМ-
ШАФҚАТИ ВА ИНОЯТИГА ТАЯНАМАН.

ХУКМ ҚИЛМАСДАН

*“Исо унга: – Мен ҳам сени ҳукм қилмайман.
Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма, – деди”.*

ЮХАННО 8:11

Бу Раббий айбдорлиги мутлақо аниқ бўлган аёлларга қарата айтган айни ўша сўзлардир.

Афсуски, шайтоннинг Ҳавванинг қизларига нисбатан энг шафқатсиз ҳужумлари, кўпинча дин ниқоби остида амалга ошади. Юханно Хушхабарининг 8-бобида биз бу кескин фарқни яққол кўрамыз: қонун ва диннинг шафқатсизлиги ва Худонинг раҳм-шафқати ва севгисининг гўзаллиги орасидаги фарқни кўрамыз. Келинг, биргаликда ушбу саҳнага диққат билан қарайлик ва уни бошқача кўз билан кўришга ҳаракат қилайлик.

Эрта тонгнинг ғира-шира ёруғлигида катта оломон кўринмоқда – одамлар Исо исмли ёш раввинни тинглаш учун йиғилишди. У бошқа нотиқларга ўхшамайди, У гапирганида, Ота-Худонинг сўзлари янграйди. Тонгнинг илк нурлари остида Исо Ўз шогирдлари билан пайдо бўлди. У оломон билан саломлашиб, ўтирди ва воизлик қила бошлади. Одамлар ҳар бир сўзни юраклари билан илиб олиб, диққат билан тингламоқда. Лекин тўсатдан, узоқдан қандайдир шовқин ҳамманинг диққатини тортди.

Ҳамма яна бир гуруҳ яқинлашаётганини кўрди – қора шарпалар кўриняпти, даҳанаки жанг эшитиляпти – улар кимнидир куч билан судрашмоқда. Бу кийимлари тўзғиган аёл бўлиб, ўз яланғочлигини ёпишга уриниб, қолган кийимларини қўлларида маҳкам ушлаб олган. Уни шармандалик тўшагидан судраб чиқишган, лекин у билан тутиб олинган эркак ҳеч қаерда кўринмайди.

Улар Исога: “Устоз! Бу аёл зино устида қўлга олинди. Мусо эса Қонунда бундайларни тошбўрон қилишни амр этган. Сен нима дейсан?” – дейишди (Юҳанно 8:4, 5). Улар жавобни кутишмоқда, лекин Исо гапиришга шошилмаяпти. У ҳеч кимга қарамай, эгилди ва бармоғи билан тупроққа ёза бошлади. Сўнгра айбловчиларга мурожаат қилиб, гуноҳсиз бўлган кишини биринчи бўлиб тош отишга таклиф қилди. Сукунат чўкканда улар бирма-бир кетишди. Фақат Исо, оломон ва ўша аёл қолди. Исо уларнинг орасидаги ягона гуноҳсиз киши эди, лекин У тош отмади. Чунки Исо ҳукм қилиш учун келмади, балки У қутқариш учун келди.

Исо айбловчиларнинг сўнгиси кетмағунича сукут сақлади. Сўнг У ўрнидан туриб, ундан сўради: “Эй, аёл! Айбловчиларинг қани? Сени ҳеч ким ҳукм қилмадимми? – деди. У: – Ҳеч ким, Ҳазрат, – деб жавоб берди. Исо унга: – Мен ҳам сени ҳукм қилмайман. Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма, – деди” (Юҳанно 8:10, 11).

Аёл бошини кўтариб, Унинг нигоҳи билан тўқнашди. Аёл Унинг кўзларида кечирим, севги ва ҳатто, оғриқни кўрди. У энди ўлим ва зулматнинг қизи эмас – у ҳаёт ва нурнинг қизидир.

Илон бизнинг шармандалигимизни дунёга олиб чиқиб, бизни айблаганда, биз бу аёл қараган ўша кўзларга қарашимиз ва шуни билишимиз мумкин: У бизни ҳукм қилмайди. Унинг раҳм-шафқати бизни ҳимоя қилади, Унинг инояти эса: “Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма” – дейди.

Раббий, биз ўзимизни ҳимоя қилишга қурбимиз
етмаганда, Сен бизни ҳимоя қилаётганинг учун
Сендан миннатдорман. Сен ҳукм қилмай, балки
қутқараётганинг учун Сендан миннатдорман.

Мен кутганиман

ЧУНКИ ҚУТҚАРУВЧИГА МЕНИ ҲУЖУМЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРАМАН ВА ШАРМАНДАЛИКДАН
КЎТАРИЛИБ, ҚАЙТА ТИКЛАНАМАН.

Ўзини тута
бўлишга
қурли

ТИНГЛАЙ ОЛАДИГАН

“Худонинг ҳузурига масалангни олиб келишда юрагингда шошилмагин, сўзлаш учун оғзинг билан ҳам шошилмагин; чунки Худо самода, сен эса ердасан, шунинг учун сўзларинг оз бўлсин”.

ВОИЗ 5:2

Муқаддас Китобда сўзнинг кучи ва тилни бошқара олиш қобилияти кўп гапирилган. Аммо тинглай олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Тинглаш вақт, диққат ва ички интизомни талаб этади. Биз тинглаб, ҳикоянинг моҳиятига кириб боришимизга кўмаклашадиган саволларни берамиз. Одамларга ҳақиқатан ҳам уларни кимдин эшитаетнини ҳис қилиш муҳим.

Бунинг учун бошқа одамларнинг ўрнига, ўйлаб бир фикрга келиш одатини енгиш, хулоса чиқаришга шошилмаслик ва суҳбатдошингизга сизни ажаблантиришига рухсат бериш керак. Менга оддий, лекин доно бир ибора ёқади: “Сиз учратадиган ҳар бир киши сизга ниманидир ўргатиши мумкин”. Доимий равишда янги нарсаларни ўрганиш ва билиш орқали биз ўсамиз. Ўз фикрингизни айтиш учун тингламанг; балки ўрганиш учун тингланг. Ҳали суҳбатдошингиз гапирмасидан олдин, ўз жавобингизни ўйлаб қўйиш васвасаси таъсири остига тушиб қолманг (жуфтликлар кўпинча жанжал вақтида шундай қилишади). Кимнингдир юрагини чинакамига эшитиш — юқори олийжаноблик ҳисобланади. Одамлар уларни тингламаётган одамни ҳис қилишади. Мен кўп саёҳат қиламан ва Худо менга кўпинча парвоз пайтида, Унинг севгиси ва нури билан бўлишиш имкониятини беради. Деярли шундай суҳбатнинг ҳар бири, шунчаки тинглашдан бошланади. Агар сиз одамларни эшитсангиз, улар сизни эшитишади. Уларнинг муҳтожликлари, оғриғи, фикрларига кириб боринг. Шундан кейин Рухдан сиз орқали гапиришини сўранг.

Бошқаларни диққат билан тинглаганимизда, бизнинг ичимизда ҳам ниманидир ўйғотадиган ҳолатлар бўлади. Агар биз ўзимиз билган нарсани бўлишига шошилмасак, баъзида бизга айнан етишмаётган нарсани эшитишимиз мумкин.

Ҳикматлар китоби бизни огоҳлантиради: “Сергапликда гуноҳни четлаб ўтишнинг иложи йўқ, тилини тиядиган эса донодир. Ҳақ одамнинг тили – сара кумушдир, бетавфиқнинг юраги эса ҳеч нарсага арзимади” (10:19, 20). Сара кумуш оловда тозаланади. Биз Худо Сўзининг олови суҳбатимизни тозалашига рухсат берганимизда, ундан барча ортиқча, беҳуда ва юзаки нарсалар кетади. Ёқубнинг китоби бизни суҳбатда шошилмасликка чорлайди. Мен шошилиш сўзлар беҳосдан оғзимдан чиқиб кетишига йўл қўймасдан, тўхтаганим, бу мени кўп бора қутқарган. Мен қанча кўп тинглаганим сари, сўзларимни шунчалик синчиклаб ўлчаيمان.

Ҳатто Худо билан суҳбатда ҳам, бизни кўп гапирмасликка чорлашади. У – осмонда, биз эса ерга боғланганмиз. Худога нисбатан илтифотли қўрқув ва ҳурматнинг шаклларида бири қачон гапириш ва қачон тинглаш кераклигини фарқлай билишдир. Биз гапириб эмас, тинглаб ўрганамиз. Бу сизнинг ибодат ҳаётингизда сукунат учун – тинглашга жой бўлиши кераклигини билдиради. Худо билан сукут сақлаш ноқулайлик туғдирмайди. Тўхтаб олинг ва диққат билан қулоқ солинг. Худони ва У сизнинг йўлингизда юбораётган одамларни тингланг ва шунда сиз кучлироқ бўласиз.

Раббим, одамларнинг сўзлари ортида нима турганини,
уларнинг юрагида нима борлигини эшитишни ва
Сен қандай буюрсанг, шундай жавоб қайтаришни
менга ўргатгин. Юрагимни ҳар доим ва ҳамма
жойда Сенинг овозингни эшитишга ўргатгин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ХУДОНИ ВА БОШҚА ОДАМЛАРНИ
ЧИНАКАМИГА ЭШИТАМАН.

ЕГУЛИКДА НАФСИНИ ТИЙГАН

“Менга ҳамма нарса мумкин, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Менга ҳамма нарса мумкин, лекин ҳеч бир нарса менинг устимдан ҳукмрон бўлмаслиги лозим”.

1-КОРИНФЛИКЛАРГА 6:12

Пан оламан, мен қора шоколад ва қаҳвага ўрганиб қолган-ман. Баъзан ўйлаб қоламан — агар мен уни ҳеч қачон татиб кўрмаганимда, қора шоколадни шунчалик кучли хоҳлаган бўлармидим? Қаҳваничи? Агар эрталаблари тетиклашишга уриниб, қайноқ қаҳвага бир қошиқ Breyer’s қаҳвали музқаймоқдан солмаганимда ва устига долчин сепмаганимда, шоколадли латте мени ўзига жалб қилармиди?

Йўқ, жалб қилмаган бўларди. Мен ҳатто бу менга етишмаётганини билмаган ҳам бўлардим. Мен шунчаки бу ширинликларга ишқибоз бўлиб қолмаган бўлардим. Қаҳва мен учун фақат аччиқ таъмли қуюқ қора суюқлик бўлган пайтда, мен уни ёқтирмасдим. Мен фақат оқ ёки сутли шоколадни билган пайтда, осонгина ундан ўзимни тиярдим.

Аслини олганда, ҳеч қандай кураш йўқ. Мен вақти-вақти билан бир бўлак шоколад ейиш истаги ёки тонгги хўшбўй қаҳва ичиш одати билан курашмайман — бундан завқланишга ўзимга рухсат бераман. Бу мени бошқарадиган хўжайин эмас, балки ўзим ҳақимда ғамхўрлик қилиш усулларида бири — кичик бир завқланиш одатидир. Мен қора шоколадсиз, ҳафталаб ёки кўпроқ вақт яшашим, шу билан бирга азобланмаслигим мумкин. Бу бўлмаса, ҳеч қандай даҳшатли нарса

рўй бермайди – лекин у бўлганида, хурсанд бўламан. Қаҳвага келади-ган бўлсак, уйқу туманидан секин чиқмасдан, балки иш режимига тез киришишни хоҳлаганимда, уни ичаман.

Агар мен бу ширинликлардан роҳатланишимга, чиндан ҳам фойдали нимадир ейиш истагидан устун келишига рухсат берсам нима бўларди? Агар мен (қора шоколаддан) ҳиссий завқланиш ва (қаҳвадан) тетиклик ҳолати, ҳаётимдаги бошқа қолган барча ҳис-туй-ғулардан муҳимроқ, деб қарор қилсам нима бўларди? Эҳтимол, ўшанда кўкатли салатлар ўз жозибасини йўқотган бўлар эди, чунки улар шоколад берган ўша таассуротни бермайди. Эҳтимол, қолган барча егуликлар ва ичимликлар ҳам, зерикарли ва одатий бўлиб кўринишни бошлаган бўларди. Агар мен воқеликдан кетиб, бир неча ҳафта фақат шоколад ва қаҳва билан яшашга қарор қилсам нима бўларди? Балки мен фақат биринчи кунларда бахтли, хушбичим ва тетик бўлардим. Аммо кейин мувозанат бўзилган ва иштиёқларимни, шубҳасиз назорат остига олишга тўғри келарди.

Фикрим шундан иборатки, биз ўзимиз таъб ва истакларимизни шакллантирамиз. Бу егулик, жинсий алоқа, ўйин-кулгулар ёки ижтимоий тармоқлар бўладими – ҳар қандай одат қарамликка айланиши, бизни воқеликни ҳис қилишни йўқотишга мажбурлаши ва мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин. Мана нима учун биз ўз истакларимизнинг измидан кетмасдан, кучли бўлишимиз ва ўзимизни назорат қилишимиз керак. Улар бизнинг ҳаётимизда қанчалик катта ҳокимиятга эга бўлиши фақат бизга боғлиқ.

Самовий Ота, ўз истакларимни ўлчашни ўргатгин. Истаклар мендан кучлироқ бўлишга тақдид солаётганда, мен уларнинг қулига айланмаслигим учун тушунишга донолик бергин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ МЕН МУВОЗАНАТДА ТУРИБМАН ВА ЎЗ
ИСТАКЛАРИМНИ БОШҚАРА ОЛАМАН, ҚОЛАВЕРСА
УЛАР МЕНИ БОШҚАРИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМАН.

ҒАЗАБ – БУ ТАБИИЙ ҲОЛ

“Ғазабланиб гуноҳ қилманглар”.

ЭФЕСЛИКЛАРГА 4:26

Эфесликларга мактуби тўртинчи бобидаги йигирма олтинчи оятининг биринчи қисми оддийгина жаранглайди: “Ғазабланиб”. Мен ҳатто бунинг учун куч сарфлашим ҳам керак эмас. Худо бизга ғазабланишга рухсат беради, чунки кайфиятнинг ёмон бўлиши – бу табиий ҳол. Ғазаб – қувонч, қайғу, имон ва қўрқув каби табиийдир. Ҳатто Худонинг Ўзи ҳам, етарли даражада тез-тез ғалабланади. Эски Аҳдда Унинг Исроил халқи ва бошқа халқларга ғазаблангани, бир неча юз мароталаб тилга олинган.

Биз ҳиссиётларни фақат номақбул деб билганимиз учунгина чиқармасак, охир-оқибат, улар барибир чиқиш йўлини – кўпинча нотўғри шаклда топади. Аксинча, агар ҳиссиётларга тўлиқ эркинлик берилса, деярли муқаррар тарзда уларнинг ортидан гуноҳ келади. Худо инсон табиатининг бир қисми сифатида, ғазабга рухсат беради. Лекин кўпчилигимиз бунни тушунмаймиз. Бу нимани билдиради? Бу нарсаларни улоқтириш ва яқинларимизга бақиришми? Ёки хиёнат учун хафа бўлганликни яширишми? Йўқ, буларнинг барчаси гуноҳга олиб борувчи ғазабнинг бузилган шаклидир. Чунки ғазаб ва гуноҳ ўртасидаги чегара нозик бўлиб, баъзида бу деярли сезилар-сезилмасдир.

Америка мероси лўғати ғазабни “ифодалаш йўли кўрсатилмаган кучли, одатда вақтинчалик қониқмаслик ҳисси” деб

таърифлайди. Бирор бир воқеа ёки кимнингдир ишига нисбатан норозилик, кескин жаҳлланиш ёки ички қаршиликни бошдан кечириш – табиий ҳолат. Бундай ҳиссиётлар ҳар бир кишига таниш ва бу ҳар куни юзага келиши мумкин. Лекин “гуноҳ қилманг” чақириғини тушуниш бирмунча ички меҳнатни талаб қилади. Боладан катталарники каби муносабатни кутиш, оқилона эмас. Ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти ёш ўлғайган сари келади. Таъб хира бўлиши – табиий ҳолат, лекин таъбимиз хира бўлгани учун бошқаларни жазолаш эса – йўқ. Масиҳийлар сифатида биз нафақат ўзимизни, балки Худони ҳам ўзимизда кўрсатамиз – бу бизни тўхтаб, ўйлашга мажбур қилади: бизнинг муносабатларимиз бошқаларга қандай таъсир қилади? Биз билан содир бўлаётган ҳодисаларга таъсир қила олмаймиз, лекин уларга қандай муносабатда бўлишимиз – бизнинг қўлларимизда.

Раббий, Сенинг қизингга хос тарзда – ички етуклик ва олийжаноблик билан ўз ҳис-туйғуларимни назорат қилишни менга ўргатгин. Менга солиҳ ғазабни гуноҳдан ажратиб турадиган нозик чегарани кўрсатгин. Агар мен бу чизиққа жуда яқин келиб қолсам, мени Ўз Рухинг билан йўналтиргин.

Мен кўрлиман

ЧУНКИ ЎЗ ҒАЗАБИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАМАН.

СЎЗЛАРНИ ТАРОЗИГА СОЛИБ КЎРА ОЛАДИГАН

“Чунки ҳаммамиз кўп хато қиламиз. Ўз сўзида хато қилмайдиган одам комил бўлиб, бутун танасини ҳам тийиб олишга қодирдир”.

ЁҚУБ 3:2

Ё қуб мактубининг кейинги 3-4-оятларида ўз тилини тийиш муҳимлиги тасвирланган:

“Мана, отлар бизга бўйсунилари учун биз уларнинг оғизларига сувлуқ солиб, бутун танасини бошқарамиз. Мана, кемалар ҳам, қанча улкан бўлмасин ва қандай кучли шамоллар билан юргизилмасин, жуда кичик бир рул билан уларни кемачи хоҳлаган томонига йўналтиради”.

Биз гапирадиган сўзлар бутун ҳаётимизнинг йўналишини белгилаб, бизни йўналтириб ёки барбод қилиб, яхшиликка ёки ёмонликка етаклаши мумкин. Давомида Ёқуб тилни катта ёнғинни авж олдириши мумкин бўлган жуда кичик учқунга қиёслаган. Ахир, бизлардан ҳеч ким фалокат сабабчиси бўлишни истамайди. Лекин бошқа жиҳат ҳам бор – Римликларга мактубда, сўз орқали гуноҳ ювилиши ва сўздаги бизни зулмат шоҳлигидан нур шоҳлигига олиб чиқувчи қобилияти ҳақида айтилган. Римликларга

мактубнинг 10:9, 10-оятларида ваъда берилган:

*“Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан
эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига
ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон
ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот
топиш учун оғзи билан эътироф этади”.*

Бизнинг бошимизга кулфат келтирадиган ҳудди ўша нарса, нажот ҳам келтириши мумкин: “Ўлим ва ҳаёт тилнинг ҳокимияти-дадир ва уни севганлар унинг ҳосилидан татийдилар” (Ҳикматлар 18:21). Биз Ўзининг Сўзлари билан яратадиган ва ҳаёт берадиган Самовий Отамизнинг суратига кўра яратилганмиз. Демак, бизнинг сўзларимиз аҳамиятга эга ҳамда дуо қилиш ёки лаънатлаш бизнинг танловимиздир.

Ўйлайманки, бу доимо ўрганиш ва ўз устимизда ўсиш учун ажойиб имкониятдир. Бизнинг оғзимиздан чиқаётган нарса барбод қилишга ва ўлимга эмас, балки шифолашга олиб келсин. Бизнинг ҳаётимиз, сўзларимиз асос солган йўлдан кетиши муқаррар – шундай экан, келинг, улар биз келишни хоҳлаган жойга олиб бораётганига ишонч ҳосил қилайлик.

Раббий, оғзимни сақлагин. Ундан учиб чиқаётган сўзлар
компасга ўхшаган бўлиб, мени барбод қилиш эмас,
балки ҳақиқат ва нур йўли бўйлаб йўналтирсин.

Мен кутганиман

ЧУНКИ СЎЗЛАРНИ ОНГЛИ РАВИШДА ТАНЛАЙМАН.

ОҚЛОВЧИ АФСУСЛАНИШ

“Чунки Худо учун қайғуриш нажотга олиб борадиган шубҳасиз тавбани келтириб чиқаради, дунёвий қайғуриш эса ўлимни келтириб чиқаради”.

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 7:10

Хар биримизга афсусланиш ҳисси таниш, лекин у ҳаётимизни белгилаб бериши керак эмаслигини ёдда тутиш муҳим. Барбод қилувчи афсусланиш, Павлус “дунёвий қайғу” деб атаган нарсага олиб келиши мумкин. Бу нима? Бу обрў, пул, мол-мулк, муносабатлар ёки бу дунёга боғланган бошқа нарсалар ҳақидаги қайғуришдир. Бу ҳолда биз қилган ишимиз ва бошқаларга етказишимиз мумкин бўлган оғриқ ҳақида эмас, балки йўқотган нарсамиз учун афсусланамиз. Бундай афсусланишларни бошдан кечириб, қилиб қўйган ишингизни ўз кучингиз билан ёки дин ёрдамида тўғрилашга ҳаракат қиласиз. Аммо бундай ёндашув камдан-кам ҳолларда юракдаги ниятларнинг моҳиятига етиб боришга ижозат беради.

Худо учун қайғу оқибатлардан қўрқишдан кўра кўпроғини англатади – у Худо билан ёки бошқа одамлар билан бўлган муносабатларга етказилган зарарга қаратилган. Бундай қайғунинг табиати бузғунчи эмас, кўпроқ бунёд қилувчидир. Худо учун қайғу нарсаларни ҳақиқат нурида кўришимизга ёрдам беради. Бунинг яққол мисолини – Санолардаги (50:3) Довуднинг ушбу сўзларида кўрамиз: “Ё, Худо, меҳрибонлик бўйича менга шафқат қилгин ва Сенинг буюк раҳм-шафқатинг бўйича қонунбузарликларимни ўчириб юборгин”.

Довуд ўзгармас севги Худосига мурожаат қилиб, Унга қарши гуноҳ

қилганини тан олмоқда. У ўзини оқлашга ёки айбни бошқага ағдар-
ришга уринмаяпти, балки ўз гуноҳини руйирост тан оляпти. Куч ҳам
шунда, чунки биз ўз хатоларимизни тан олганимизда, улар ўстимиз-
дан ўз ҳоқимиятини йўқотади. Ҳаммамизга чексиз раҳм-шафқат
керак ва биз итоат қилганимизда – Худо бизни ҳар қандай вазият-
лардан устун қўяди. Довуд ўзини поклай олмаслигини билар эди,
шунинг учун Раббийга юз тутди. Фақатгина Худо, нафақат гуноҳни
кечиришга, қолаверса унинг ҳар қандай соясини ёки қалбда қолган
изини йўқ қилишга қодир.

У гуноҳ юракни заифлаштиришини ва иродани ҳолдан тойдиришини
тушунар эди. Довуд ўз ибодатида шундай дейди: “Менга нажотингнинг
қувончини қайтаргин ва ҳукмрон Руҳинг билан мени мустаҳкамлагин.
Шунда қонунбузарларга Сенинг йўлларингни ўргатаман ва гуноҳкор-
лар Сенга ўгириладилар” (Санолар 50:14, 15). Бу сатрлар, эҳтимол, ушбу
санодаги энг сеvimли сатрларим бўлса керак. Уларда ваъда эшителиди:
илгари афсуслар ва оғриқ бўлган жойда қувончни тиклайди ва янги йўл
бошланади. Худо бизнинг ички мажруҳлигимизни гўзал нарсага айлан-
тиришга қодир. Шунда бизнинг қулашларимиз, бошқаларга Худонинг
ўзгармас севгиси ва раҳм-шафқатини кўрсатиш имкониятига айланади.
Бизнинг Самовий Худойимиз афсуснинг ҳар бир қоронғу бурчагини Ўз
садоқати ва ҳақиқатининг порловчи маёғига айлантирди. Шу тарзда
Худо бизнинг қутқарилишимизда улуғланади. Қачонлардир сизни
озод қилган ўша севги ва ҳақиқатни бошқалар билан баҳам кўриб, ўз
оғриғингизни гўзаллик ва озодликнинг тирик гувоҳлигига айлантинг.
Бу Худо учун қайғунинг энг ёрқин ҳосилидир.

Раббий, мен дунё учун эмас, балки Сен учун
қайғурайин. Афсусни бошдан кечириб, уни тавбада
Сенга олиб келаман ва Сенинг шифойингни қабул
қиламан. Бизнинг тартибсизлигимиздан гўзаллик
яратаётганинг учун Сендан миннатдорман.

Мен кутлиман

ЧУНКИ ЎЗ ГУНОҲЛАРИМИНИ ХУДОГА ОЛИБ КЕЛАМАН.

СЎЗДА ИЛДИЗ ОТГАН

“Ушбу қонун китоби оғзингдан тушмасин; балки уни туну кун ўргангин, токи унда ёзилганларни аниқ бажаргин. Шунда ўз йўлларингда муваффақиятли бўласан ва доно ҳаракат қиласан”.

ЙЕШУА НУН ЎҒЛИ 1:8

Хеч нарса Муқаддас Китобнинг сўзларидек бизни мустаҳкамламайди. Мана нима учун ҳар куни уларга мурожаат қилиш одатини шакллантириш шунчалик муҳим. Биз Худонинг Сўзини ўқиб, қўлаганимизда, биз аввалги ҳолатимизда қолмаймиз. Бизнинг юрагимиз юмшайди ва Отамизнинг ишларига сезгир бўлиб қолади, биз ўзимиз Унинг бошқарувига очиқ бўламиз. Муқаддас Ёзувни ўрганиш – бу руҳий интизом бўлиб, куч билан тўлдиради ва руҳий ҳаётимизнинг қолган барча соҳаларини руҳлантиради.

Худонинг шоҳлигида Ёзувдан нечта парчани билишингиз эмас, балки улардан қанчаси бўйича яшаётганингиз муҳим. Айнан ўшанда Сўз ҳаётингизда танага айланиб, ҳосил келтиради.

Хўш, нимадан бошлаш керак? Вариантлар ва ўқув дастурлари кўп. Муқаддас Китобни “бошидан охиригача” ўқиш режасини танлаш мумкин, сизни қизиқтирган мавзунини тадқиқ қилишингиз ёки ҳаётингиздаги эҳтиёжларингизга жавоб берадиган оятларни қидиришингиз мумкин. Асосийси – Ёзувни ўқиш учун ҳар куни вақт ажратишдир. Қизиқиш сўнмаслиги учун ўзингизни ортиқча

юкламанг, лекин Муқаддас Китобни ҳар кун очишни қоида қилиб олинг. Тез орада бу одатга айланади ва ҳаётингизга пухта кириб боради.

Кундалик ва ручкани олинг. Муқаддас Рӯҳдан сиз билан Муқаддас Ёзув орқали гаплашишини сўраб, ибодат қилинг. Танланган оят устидан фикр юритинг, сўнгра кейинги қадамни амалга оширинг – сизга очилган ҳақиқатларни қандай қўлламоқчи эканингизни кундаликка ёзинг. Ушбу ҳақиқатларни ҳаётингизга ўрнатиш учун қандай ҳаракатларни бошлайсиз? Юрагингизга тушган ҳақиқат уруғларини ўстириш учун яқин 24 соат ёки яқин ҳафталар мобайнида нима қиласиз? Ўсишни қандай кузатиш мумкин?

Интизом ҳақида гапирганимизда, биз кўпинча ёқимсиз нарса ёки ҳатто, жазо ҳақида ўйлаймиз. Лекин гап Муқаддас Китоб билан ўтказилган вақт ҳақида кетса, “интизом” сўзи соғлом овқатланиш одати каби – янги маъно касб этади. У тетиклантиради, куч беради ва ҳаловатга тўлдиради. Бу муқаддас майдон бўлиб, бу жойда Худо сизга айтмоқчи бўлган нарсани қидириш ва Унинг сўзларини ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасига онгли равишда киритиш мумкин. Ушбу шифобахш амалиётни бугундан бошлаб, унга қанча имконингиз бўлса – беш дақиқа ёки ярим кун вақт ажратинг, шунда у сизни қай тарзда кундан-кунга мустаҳкамлашини кўрасиз.

Ота, сўзларинг учун Сендан миннатдорман. Менда ҳар кун, уларда ҳаётни қидириш истагини ёндиргин.

Мен кўглиман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ СЎЗЛАРИНИ ЎЗ ЮРАГИМГА
ЭКАМАН ҲАМДА УЛАРНИ ИБОДАТ, ҒАМХЎРЛИК
ВА ЎСИШГА ИНТИЛИШ БИЛАН СУҒОРАМАН.

ЭКИШ ВА ЎРИБ ОЛИШ

“Адашманглар, Худо ҳақоратда қолмайди. Одам нима экса, шуни ўриб олади. Ўзининг танасига экувчи танасидан чиришни ўриб олади; Рухга экувчи эса Рухдан мангу ҳаётни ўриб олади”.

ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА 6:7, 8

Бу экиш ва ўриш қонунидир. Яхши уруғларни экиб, мўл ҳосил оламиз. Муқаддас Ёзувнинг уруғлари мўл-кўл ҳаётбахш ҳосилларни беради.

Кўп йиллар аввал мен ҳақлик ҳосилини йиғиб олиш умидида ўз юрагимга Муқаддас Китоб матнларини эка бошладим. Менинг сеvimли оятларимдан бири – Ёқуб мактубидан эди: “Шундай қилиб, сеvикли биродарларим, ҳар бир одам тинглашда чаққон, гапиришда вазмин ва ғазабланишда оғир бўлсин” (1:19).

Аммо ўша пайтда, мен бунинг бутунлай акси эдим: гапиришда чаққон, эшитишда гарангроқ ва осонгина ғазабга бериладиган одам эдим. Мендаги барча нарса эгри йўлда эди. Вазминликка эга бўлишимга ёрдам беришини сўраб, Худога мурожаат қилдим. Мен Довудга ўхшаб ибодат қилдим: “Ё, Раббий, менинг оғзимга соқчи қўйгин, лабларимнинг эшигини қўриқлагин” (Санолар 140:3).

Бу яралаши мумкин бўлган нотўғри сўзлардан оғизни сақлашни англатади. Муқаддас Рух, нотўғри сўзлар оғзимиздан отилиб чиқишига йўл қўймасдан, керакли лаҳзада янграши учун, Ёзувни бизнинг юрагимизга жойлашини билиб олдим.

Илм-фан нуқтаи назаридан, одатлардан халос бўлиш учун йигирма бир кун талаб қилинади. Одатлар кучлидир. Бу биз кўрсатадиган автоматик реакциялар бўлиб, улар ҳақида ҳатто ўйлаб

ҳам ўтирмаймиз. Бир пайтлар ғазаб мен учун шундай одатга айланган эди. Ғазабсиз йигирма бир кун яшаш ақл бовар қилмас бўлиб кўринарди – худди шундай натижа билан йигирма бир йил ҳақида гапириш мумкин эди. У менинг қалбимда шунчалик чуқур илдиз отган эди.

Хўш, қандай қилиб одатлардан халос бўлиш мумкин? Уни қандай қўлга киритган бўлсангиз, худди шу усул билан қутуласиз. Бошида, битта ғазабланиш истагини тўхтатинг, кейин беш дақиқа ғазабланмасликка чидаб туринг, кейин – бир соат, кейин – бир кун чиданг. Мен ғазабнинг мустаҳкам доирасини айнан шундай узишга муваффақ бўлганман. Мен ҳали тўшагимдан турмасдан, ибодат қилардим: “Худойим, менга Сенинг ёрдамнинг керак. Оғзимга қаттиққўл соқчини қўйгин. Мен Сенинг қаршингда ҳам, бошқалар олдида ҳам гуноҳ қилишни истамайман. Менга гапиришга вазмин, тинглашга чаққон ва ғазабга оғир бўлишга ёрдам бергин”. Муқаддас Китобнинг ушбу эслатмалари менинг кундалик ибодатларимга ва куч манбаига айланди.

Мен бу осон бўлди деб айтмайман – асло йўқ. Аммо мен аниқ айтишим мумкин: Худо билан ҳамма нарсанинг имкони бор. Йигирма йилдан ортиқ вақт давомида ғазабнинг ҳоқимиятидан озодликда яшамоқдаман. Бу менинг ажойиб ўрим-йиғимим – ҳосилим бўлиб, мен уни Муқаддас Ёзувнинг иккита кичик уруғини экиб ва уларга мувофиқ тарзда яшаш орқали олганман. Сиз бугун ўз юрагингизга нимани экмоқдасиз? Қандай ҳосилни йиғиб олмоқчисиз? Сўзда уруғларни изланг, уларни ўтқазинг – ва Худо уларни ўстиради.

Худойим, мен қалбимда ўстиришим керак бўлган Сўзни менга кўрсатгин. Мен Сенинг Сўзингни экиб, имон билан унга кўра яшаганимда, Сен ҳосил юборишингга ишонаман.

Мен кўраман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ СЎЗИНИ ЎЗ ЮРАГИМГА
ЭКАМАН ВА УНГА КЎРА ЯШАЙМАН.

ДАМ ОЛИШНИНГ КУЧИ

*“Худо Ўз қилган ишларини еттинчи куни тугаллаб,
барча қилган ишларидан еттинчи кунда дам олди”.*

ИБТИДО 2:2

Дам олиш куни ёки шаббат ҳақида гап бошланганда, кўпчилигимиз айбдорлик нишини ҳис қиламиз. Аёл сифатида биз доимо ўз елкамизда эътиборимизни талаб этадиган масъулият ва ташвишлар юкини ҳис қилиб турамыз. Бизни ифлос кийимлар тўғи ва тобора узун бўлиб борадиган ишлар рўйхати кутиб туради. Оилаларимиз биздан эътибор ва иштирокни кутиши турган гап. Ҳаттоки, бутун оилани жамоатга биргаликда боришга йиғиш учун ҳам яхшигина меҳнат қилиш керак. Гап биз тўртинчи амрга риоя қилишни истамаётганимизда эмас (Шаббат кунини ёдда тутиб, уни муқаддас сақла”, Чиқиш 20:8 га қаранг). Кўпинча биз ўзимизга дам олишга рухсат бершимиз мумкинлигига ишонмаймиз. Пировардида, бу ишонч масаласи. Борди-ю, тўхтасак – яъни ўзимизга дам олишга рухсат берсак – Худо биз ҳақимизда ғамхўрлик қила олмаслигидан қўрқамиз.

Аслини олганда, шаббатнинг маъноси, одам ўзи ҳақида, саломатлиги ва қайта тикланиши ҳақида ғамхўрлик қилишдн кўзда тутди. Кўп ҳолларда якшанба куни мен учун дам олиш куни бўлмайди, шунинг учун мен бошқа йўллар билан дам олишни ўргандим. Ҳатто Исо Ўз шогирдларини хизматда танаффус қилишга чақиради: “Сизлар алоҳида овлоқ жойга бориб, озгина дам олинглар” (Марк 6:31). У улар ҳолдан тойгунча меҳнат қилишда давом этсалар, хизматда улардан наф бўлмаслигини ва улар азоб чекишларини билар эди. Мен ўзимнинг аччиқ тажрибамда амин бўлдимки,

чарчаганимда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир эмасман. Бу ҳолатда мен рози бўлишим керак бўлган нарсани рад этаман ва йўқ дейишим керак бўлган нарсага “ҳа” дейман. Бундай нотўғри қарорлар оқибатидаги ҳаёт, янада кўпроқ ҳолдан тойдиради.

Нима учун ўзимизга Унинг маслаҳатидан фойдаланиб, шунчаки дам олишга рухсат бермаймиз? Бир кун, ярим кун ёки ҳеч бўлмаганда бир неча соатни танлаб (бу якшанбада бўлиши шарт эмас), уларни қалб ва тананинг тикланишига бағишланг. Буни биринчи ўринга қўйинг, ҳаммасини олдиндан режалаштиринг, телефонни ўчиринг, ноутбукни ёпинг ва яқинларингизни тармоқдан ташқарида бўлишингиз ҳақида огоҳлантиринг. Бу ўз фарзандларингиз билан ўйнаш, дўстлар билан учрашувдан қувониш ёки турмуш ўртоғингиз билан оқшомни ўтказиш вақтидир. Ресторанга боринг ёки байрам арафасида бирор мазали таом тайёрланг. Миянгизда ишлар рўйхатини айлантиришни бас қилинг. Кир ювишни кейинга қолдириг. Иш хонангиздан кўтариб келган ҳамма қоғозларни бир четга суриб қўйинг. У ҳеч қаерга кетмайди – бу билан шунчаки бугун шуғулланмайсиз, холос. Худо томонидан сизга берилган дам олиш кунидан роҳатланинг. Ундан ўз юрагингизни озиқлантириш, тозалаш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланинг. Ўшандагина Худо сиз учун тайёрлаган иш учун куч бўлади.

Ишда бўлганингизда, тиришқоқлик билан ва ўз кучингизга яраша ишланг, дам олиш учун ажратилган вақтда эса дам олинг! Худонинг дам олиш учун таклифини қайта ишга тушиш ва тикланиш имконияти сифатида қабул қилинг.

Раббий, мен куйишни истамайман. Менга иш ва дам олиш ўртасидаги мувозанатни топишга ёрдам бергин, токи дам олиш кuni мени ҳақиқатдан ҳам тўлдирсин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ХАММАСИ ХУДОНИНГ НАЗОРАТИДА
ЭКАНИНИ БИЛИБ, ДАМ ОЛАМАН.

ХУДОНИНГ ЭЛЧИСИ

“Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳона руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронғиликдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар. Бир вақтлар халқ эмас эдингизлар, энди эса Худонинг халқисизлар. Бир вақтлар раҳм-шафқат топмаган эдингизлар, энди эса раҳм-шафқат топдингизлар”.

1-ПЕТРУС 2:9, 10

Олимпиада ўйинларида ғолибларни қутлашади, уларга медаллар топширилади ва улар тақдим этаётган ўша давлатнинг байроғини елкасида олиб юрадилар. Агар маросим қизиган пайтда, олтин медални қўлга киритган америкалик гимнастикачи тўсатдан Канада вакили бўлмоқчилигини айтиб қолса, нима бўлар эди? Унга рухсат беришган бўлармиди? Албатта, йўқ. Уни Канаданинг эмас, Американинг элчиси сифатида танлашган. У бошқа мамлакатни эмас, айнан Америка маданияти ва халқини тақдим этишга даъват этилган.

Биз учун худди шу тамойил ишлайди. Биз осмоннинг вакиллари ва элчиларимиз. Биз ўз ҳаётимиз орқали ким эканимиз ва қайси Шоҳликни тақдим этаётганимизни сўзлаб бериш орқали йўлимизда учратадиганларнинг юракларида из қолдириш учун шу ердамиз. Ҳаворий Павлус бизни “Масих ҳақи элчилар” деб атайди (2-Коринфликларга 5:20), Петрус эса Худонинг халқини “шоҳона руҳонийлар” деб атайди. Бизга бир вақтнинг ўзида ҳам элчилар, ҳам Худонинг шоҳона руҳонийлар оиласининг бир қисми бўлиш шарафи берилган.

Хўш, нима учун тўсатдан биз бир кун келиб, содиқликка риоя қилмасликни ва бизнинг Отамизга тегишли бўлмаган шоҳликнинг

элчилари бўлишни хоҳлаб қолдик? Петрус давом этади:

“Бир вақтлар халқ эмас эдингизлар, энди эса Худонинг халқисизлар. Бир вақтлар раҳм-шафқат топмаган эдингизлар, энди эса раҳм-шафқат топдингизлар. Севганларим, бу дунёда ғарибу мусофирдай бўлганингиз учун, сизлардан ўтиниб сўрайманки, жонга қарши жанг қилаётган танавий ҳирслардан ўзингизни тийинглар. Сизларни ёмонликда айблаб ғийбат қиладиган мажусийлар орасида диёнатли ҳаёт кечиринглар, токи улар хайрли ишларингизни кўриб, Раббий ташриф буюрадиган кунда Худони улуғласинлар” (1-Петрус 2:10-12).

Қачонлардир биз Худога тегишли эмас эдик, лекин энди тегишлимиз. Қачонлардир биз Худонинг ҳукми остида бўлганмиз. Энди Унинг раҳм-шафқатидан лаззатланмоқдамиз. Бошқача қилиб айтганда, илгари биз бу дунёнинг қонунлари остида, унинг айбловчи ҳукми остида яшар эдик, лекин энди биз унга тегишли эмасмиз; биз Худонинг шоҳлигиданмиз. Бу қачонлардир бизнинг уйимиз бўлган бу ер юзида биз мусофир ва келгиндиларга айланганимизни билдиради. Руҳонийлар сифатида биз Худонинг ер юзидаги вакиллари ва элчилари ҳисобланамиз.

Бугун қандай йўл тутишни ва қандай муносабат кўрсатишни танлаб, сиз кимнинг супасида турганингизни ёдда тутинг. Шундай яшангки, сизнинг ҳаётингиз ўзи учун ўзи гапирсин – токи одамлар сизга қараб, Худони улуғласинлар ва сизга қўшилиб, улуғвор ҳамду-сано хорида овозларини кўтаришсин.

Раббий, мен Сенинг элчинг эканимдан
ғурурланаман. Менинг ҳаётим ва ишларим Сенинг
эзгулигинг ва иноятингни акс эттирсин.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ШУҲРАТ ШОҲЛИГИНИ – ХУДОНИНГ
РАҲМ-ШАФҚАТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИРЛАНГАН
ШОҲОНА РУҲОНИЙЛИКНИ ТАҚДИМ ЭТАМАН.

Озодликга қурли

ГУНОҲДАН ХАЛОС БЎЛГАН

“Исо уларга шундай жавоб берди: – Ростини, сизларга ростини айтаман, гуноҳ қиладиган ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир. Аммо қул уйда умрбод яшамайди, ўғил эса умрбод яшайди. Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар”.

ЮҲАННО 8:34-36

Ўғил бизни озод қилганида, биз “ҳақиқатан озод” бўламиз. Ҳақиқатан сўзи нимани англатади? Шубҳасиз, бу – чиндан ҳам, шартларсиз, узил-кесил деган маънони билдиради. Одамлар сизнинг озод бўлиш ҳуқуқингизни шубҳа остига қўйиши мумкин. Ўтмишингиз сизни уят қўрқуви остида, хатолар қўллигига қайтаришга уриниши мумкин, лекин Худо учун ҳаётингиз устидаги гуноҳ ва уят ҳокимиятининг куни битди. Одамлар аввалгидек сизга тош отишни исташлари мумкин, аммо Исонинг сўзлари, энди ҳаётингиз гуноҳдан озод экани ҳақида эслатиб туради. “Исо унга: – Мен ҳам сени ҳукм қилмайман. Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма, – деди” (Юҳанно 8:11).

Биз эътироф этганимиз заҳоти олға ҳаракат қилиш – гуноҳ, уят, бошқаларнинг айбловлари ва шахсий виждон азобини ортда қолдириш вақти келади. Зулматдан Унинг нури томон ҳаракат қилиб, олға бориш ва бошқа гуноҳ қилмаслик учун кучга эга бўламиз. Худо ҳукм қилмайман деб айтаётган бўлса – демак, сиз ушбу ҳақиқатда юриш учун озодсиз. Бу жойда ҳис-туйғуларга таяниб

бўлмайди, улар сизга ёлғон гапиради. Биз ўзимизни чинакамга солиҳ деб ҳис қила олмаймиз, чунки ўзимизда ҳақлик йўқ. Бизнинг ҳақлигимиз — бизнинг ишларимиз ва ҳаракатларимизнинг натижаси эмас, бу фақат Масиҳда эга бўлган инъомдир. Бу бизга ўтмишдаги хатолар ва муваффақиятсизликларни ортда қолдириб, давом этишга имконият беради. “Сизлар аввалгиларини эсга олмайсизлар ва қадимгилар ҳақида мулоҳаза қилмайсизлар” (Ишаъё 43:18).

Кечаги муваффақиятсизликлар, ортиқ бизнинг бугунги кунимизга таъсир қилмайди. Биз янгидан яшаш учун озодмиз, шунингдек Худо ҳар қуни юборадиган раҳм-шафқат билан тозаланган кишилармиз.

Самовий Ота, мен Сенинг раҳм-шафқатингни
қабул қиламан ва унга ҳаётимнинг барча
соҳаларида тантана қилишига руҳсат бераман.
Мен ушбу, ўзимга нисбатан айбдорлик ва нафрат
ғамхонасини тарк этаман. Мен ўрнимдан тураман
ва бошқа гуноҳ қилмаслик учун бораман.

Мен кўнглиман

ЧУНКИ ОЛИЙ ҲАКАМ МЕНИ АЙБДОРЛИК
ВА УЯТДАН ОЗОД ҚИЛДИ.

ЯНГИ ЮРАК

“Мен сизларга янги юрак бераман ва сизнинг ичингизга янги руҳни соламан. Сизнинг танангиздан тош юракни олиб ташлайман ва сизга этли юрак бераман”.

ЭЗЕКЕЛ 36:26

Масихий сифатида биз юрагимизни очиқ ва юмшоқ сақлашга интиламиз – Муқаддас Китоб бuni “этли юрак” деб атайди. Бу севги, ҳамдардлик ва Худонинг бошқарувига сезгирликда ўсадиган юракдир. Осмон бизни юрагимизга ёзилган муқаддас севги кодекси орқали олиб боради. Тошга ўйилган ўлик, жонсиз қоидалар қаттиқ, ўлик юраклар учун мўлжалланган. Озодлик қонуни – юраги тошдан бўлган эмас, балки этдан бўлган сезгир юраклар учундир.

Бироқ огоҳлантиришим керак: юмшоқ юраклар тош юраклар билан солиштирилганда, севгига ҳам, оғриққа ҳам анча сезгир-роқдир. Агар хафагарчиликка рухсат берилса, у юрагимизни тош қилиши мумкин. Агар биз эҳтиёт бўлмасак, у аста-секин, лекин аниқ ҳаётимиздан барча илоҳий нарсаларни сиқиб чиқаради. Бу ҳолатни оғирлик ва ички бўшлиқ ҳисси тасдиқлаши мумкин. Оғир юрак билан кечириш тобора қийинлашиб бораверади, алам ва хафагарчиликлар ёқасидаги ҳаёт эса тушкунликка солади.

Яхши янгилик бор, Худо Сўзининг ҳақиқати ҳатто, энг қаттиқ юракни ҳам озод қилиши мумкин. Мен масихийликни қабул қилганимдан сўнг ҳам юрагимда нафратни топганман. Мен ундан халос бўлишга онгли равишда қарор қилдим. Сизнинг юрагингиз ҳал қилинмаган хафагарчиликлардан, ғазаб, нафрат, ҳасад

ва бизни осон йўлдан урадиган бошқа гуноҳлардан озодлик бериш учун ҳимояга муҳтож. Ҳимоя усулларида бири – ўз юрагини доимо ҳақиқатга очиш ҳисобланади. Бу куч, итоаткорлик ва ҳалолликни талаб этади. Аммо сизнинг юрагингиз, у учун курашингизга арзийди.

Хатто ҳозир ҳам, сизнинг онгингиз ички курашдан ўртанаётган бўлиши мумкин. Бир овоз сизга озор берганларни эслатиб, уларни кечиришингизни ва қўйиб юборишингизни ўтиниб сўрайди. Бошқа овоз эса: хафа эканинг ўринли, улардан нафратланишга ҳаққинг бор, – деб таъкидлайди. Биринчи овозга бўйсунинг. Қаттиқ юрак сизни ҳимоя қилишига ишонманг... Бу ундай эмас.

Ота, мен юрагимдаги ҳар қандай қаттиқлик учун тавба қиламан. Ўз Сўзингнинг тоши билан қаттиқлик зирҳини синдиргин ва этдан бўлган тирик юракни кўрсатгин.

Мен кўзга келман

ЧУНКИ ЮРАГИМНИ ЗИЙРАК ВА ХУДОНИНГ
ОВОЗИГА ОЧИҚ САҚЛАЙМАН.

ИҚРОР БЎЛИШНИНГ КУЧИ

*“Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф
этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз
учун ибодат қилинглр. Ҳақ одамнинг ғайратли
ибодати кўп нарсани амалга оширади”.*

ЁҚУБ 5:16

Иқроор бўлиш – энг қийин руҳий интизомлардан биридир. Лекин нима учун у шунчалик зарур? Биз Отамизга гуноҳларимизга иқроор бўлганимизда, кечиримга эга бўлишимизни биламиз. Аммо Ёқуб мактуби яна чуқурроқ бориб, шифога эга бўлиш учун баъзан бир-биримиз олдида иқроор бўлишимиз ва биргаликда ибодат қилишимиз кераклигини айтади. Бунинг ҳақиқатлигига ишонаман ва бу нима учун шундайлигининг учта сабаби бор.

Биринчидан, Шоҳлик табиий қонунларда қурилмайди. Исонинг фарзийларга қарата, аёлга шаҳват билан қараган ҳар кимса, у билан юрагида зино қилишини айтганини эсланг. Юракдаги иллатлар Шоҳликда алоҳида аҳамиятга эга. Юрак – бу ёки яхши, ёки барбод қилувчи уруғлар тушиши мумкин бўлган тупроқдир. Фарзийларнинг мисоли шуни кўрсатадики, ҳатто гуноҳ иш содир бўлмаган бўлсада, юрак аллақачон гуноҳ томонидан заифлаштирилган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, биз камтар бўлиб, ўз гуноҳларимизга иқроор бўлганимизда ҳамда Масиҳдаги биродар ва опа-сингиллар билан биргаликда ибодат қилганимизда, шифо учун йўл очамиз. Қабул

қиладиган, тушунадиган ва ҳукм қилмайдиган одамларнинг орасида гуноҳни нурга олиб чиқиб, шифо юракларимизнинг энг қоронғу бурчакларига кириб боришига рухсат берамиз. Иқрор бўлиш қалбнинг гуноҳ ва уят яшайдиган барча бурчакларига нур ёғдиради ва ушбу порлашда, ибодат шифоланиш ва тикланиш жараёнини ишга туширади.

Учинчи сабаб шундаки, иқрор бўлиш ўзи билан масъулиятли бўлишни ҳам олиб келади. Калом шундай дейди: “Севувчининг яралаши самимийлигидандир” (Ҳикматлар 27:6). Ўзимни иқрор бўлишга очиб, мен ҳамдардликни қидирмайман – ҳатто, у яра-лайдиган бўлса ҳам, менга ҳақиқатни айтадиган инсон керак. Биргаликдаги ибодатдан сўнг уят юки елкамдан қандай қулаётганини ҳис қиламан.

Аммо одатлар муаммоси ечилмади. Исо: “Агар ким Менинг ортимдан юришни истаса, ўзидан воз кечсин ва ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин” – деди (Матто 16:24). Иқрор бўлиш – Худога тўлиқ қарамликни тан олиб, “ўз хочини кўтариш” усуллари-дан бири. Бу ўз-ўзини мустақил тўғрилашга ёки гуноҳнинг мустаҳкам доирасини ёлғиз ўзи ўзишга уринишларни рад этиш демакдир. Иқрор бўлиш – бу биз ўз кучимиз билан уддалай олмаслигимизни тан олиш амалиётидир. Аммо Раббийнинг ёрдами ва руҳий оиланинг қўллаб-қувватлаши билан биз шифоланишни бошлаймиз.

Ота, иқрор бўлиш орқали келадиган шифони менга намоён қилгин. Мени керакли одамларнинг олди-га олиб боргин ва мен бу хочни кўтариб чиқа олишим учун менга самимийлик, жасорат ва очиқликни бергин. Мен Сенга эргашишни хоҳлайман ва бу йўлни ёлғиз босиб ўта олмаслигимни тан оламан.

Мен кўзга келман

ЧУНКИ ЎЗ МАСЪУЛИЯТИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ,
ЎЗИМНИНГ ХОЧИМНИ КЎТАРИБ ЮРАМАН.

ГУНОҲДАН ХАЛОС БЎЛГАН

“Бу иноят эса шуни ўргатадики, биз бетавфиқликни ва дунёвий ҳирсларни рад қилиб, бу дунёда ифбатли, ҳақ ва ҳудожўй ҳаёт кечиришимиз керак. Чунки биз бахтли умидимизни рўёбга чиқишини, Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг ва буюк Худойимизнинг шуҳрати зоҳир бўлишини кутмоқдамиз. Бизни ҳар қандай қонунбузарликдан қайта сотиб олиш учун Масиҳ Ўзини фидо қилди, токи яхши ишларга ғайратли бўлган алоҳида халқни Ўзи учун покласин”.

ТИТУС 2:12-14

Бу ҳақиқатан ҳам эзгу хабар! Гуноҳ энди бизнинг устимиздан ҳеч қандай ҳокимиятга эга эмас. Ўтмишда биз унга неча бора “ҳа” деганимиз муҳим эмас – бизнинг келажагимизда унга жой йўқ. Биз гуноҳдан юз буриб, у бизни васваса қилганида ёки уят тузоғига илинтиришга уринганида, “йўқ” дейишга тўлиқ ҳаққимиз бор. Исо бизнинг устимиздан гуноҳнинг ҳокимиятини тортиб олди, бизга раҳм-шафқат кўрсатди ва бизга Худонинг инояти бўйича яшаш учун куч берди.

Энди Масизда, ўзимиз лойиқ бўлган ҳукмномадан қутулдик – чунки У бизнинг гуноҳимизни Ўзига олди. Биз кечирилганмиз ва ўлимдан ҳаётга қайтадан туғилганмиз. Севимли қизларим, жонларингизнинг душмани сиз бунни билишингизни хоҳламайди. У сизни яна гуноҳга тортишга умид қилиб, уятда қолишингизни

истайди. У сиз гуноҳ устидан ҳокимиятга эга эканингизни тушунишингизни хоҳламайди – лекин бу шундай. Ҳа, биз ўз кучимиз билан уни енга олмаймиз, аммо биз бу жангда энди ёлғиз эмасмиз. Биз Масиҳдамиз ва бизнинг қуролимиз қудратлидир!

Исо, Сен гуноҳнинг ҳокимиятини синдирганинг учун Сендан миннатдорман. Мен душманнинг ёлғонини рад этаман ва ундан Сен томон юзланаман. Бу жангни ютиб чиқиш учун Сен Ўз ўлиминг билан менга қурол бердинг.

Мен қурғилиман

ЧУНКИ МАСИҲ МЕНГА ГУНОҲ
УСТИДАН ҲОКИМИЯТ БЕРДИ.

ҲАДДАН ТАШҚАРИ ОҒРИҚЛИ БЎЛГАНДА

*“Худо уларнинг кўзларидаги ҳар бир кўз ёшини артади.
Ўлим бошқа бўлмайди. Йиғи-сиғи ҳам, фарёд ҳам, оғриқ
ҳам бошқа бўлмайди, чунки олдингилари ўтиб кетди”.*

ВАҲИЙ 21:4

Мен сизга оғриғингиздан халос бўлиш учун қадам ташлашга ёрдам бермоқчиман. Сиз қуйидагича жавоб беришингиз мумкин: “Умуман олганда, қандай қилиб оғриқдан озод бўлиш мумкин?” Менга сизнинг оғриғингизни тушунмаслигимни, нимани бошдан кечирганингизни билмаслигимни, қалбингизда қанчалик чуқур жароҳат қолганини тасаввур қилолмаслигимни айтасиз. Ва сиз ҳақсиз. Ҳа, мен чиндан ҳам буни билмайман. Аммо буни биладиган Шахс бор. Одамлар бир-бирларига турли йўллар билан оғриқ етказишади – ҳаммасини санаб бўлмайди. Сизлардан кимдир, ўзингиз ишонган инсон томонидан зўравонлик ёки шафқатсиз муомалани бошидан кечирган бўлишингиз мумкин. Кимнидир нотаниш одам таҳқирлаган. Баъзиларга доим ёнида бўлишни ваъда қилган киши, хиёнат қилган, бошқаларни эса севган инсони камситган ва қўпол муносабатда бўлган. Кимдир фожеали ва маъносиз тарзда фарзандини йўқотган. Баъзиларга ҳали ҳам улар етарли даражада яхши эмасдек туюлади – чунки қачонлардир улардан ота-оналари юз ўгиришган. Кўпчилик терисининг ранги ёки мажруҳлиги сабабли масхарага қолган. Ва, афсуски, аксариятимиз дўстнинг

хиёнатини бошидан кечирганмиз.

Ушбу фожеалардан ҳар бири ва бу ерда тилга олинмаган яна кўплаб фожеалар, чуқур жароҳат қолдириш учун етарлича оғриқли ҳисобланади. Биз айнан жуда заиф бўлган пайтда, шайтон бизнинг яраланган қалбимизга алам сўзларини ва қасос ҳақидаги фикрларни сепади. У бизни бошдан ўтказган нарсага яна ва яна қайтиб, оғриққа тўлишга, уни қалбда ўстиришга ва уни ҳеч қачон қўйиб юбормасликка рағбатлантиради. Агарда биз оғриқни қўйиб юбормасак, у бизни янги яралардан ҳимоя қилишига ишонтириб, алдайди. Лекин бу ёлғон.

Биз ўз оғриғимизни Исога – ҳақиқатан ҳам тушунадиган ягона Шасхга берганимизда, шифо келади. Ишаъё пайғамбарнинг китобида айтилганидек, Исо “бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган эди ва қонунбузарликларимиз учун азобланган эди. Бизнинг тинчлигимиз ҳақи жазо Унга юкланган эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик” (Ишаъё 53:5).

Ўз оғриғимизга ёпишиб олиб, биз яраларимизга янада кўпроқ туз сепамиз, холос. Кўзларингизни юмиб, Исога бутун оғриқларингизни бераётганингизни тасаввур қилинг. У сиз билан содир бўлган воқеанинг жиддийлигини камайтирмайди. Оғриқни қўйиб юборинг, У уни олишига ва сизни озодликка чиқаришига изн беринг.

Исо, мен ишонаман – Сен менинг шифойимсан,
шунинг учун оғриғимнинг ҳар бир заррасини Сенга
ишона оламан. Мен олиб юриш учун яратилмаган
юқдан воз кечаман. Мен ўз яраларимни Сенинг
ғамхўрлигингга ишониб топшираман. Сенинг
шарафинг учун оғриғимни пасайтиргин.

Мен кўзлимдан

ЧУНКИ ОҒРИҚЛАРИМНИ
ШИФОЛОВЧИМГА ТОПШИРАМАН.

ОЗОДЛИКДА ТУРАДИГАН

“Шунинг учун Масих бизга ато қилган озодликда маҳкам туринглар ва яна қўллик бўйинтуруғини тақманглар”.

ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА 5:1

Биз озодликка эга бўлганимизда, баъзан ҳақиқатан озод эканимизга ва бу абадий эканига ишониш қийин. Бизнинг маданиятимиз ва динимиз бизни қўллик кишанларига яна қайтариш учун, қачонлардир бизни асирликда тутиб турган гуноҳ ва шармандаликнинг оғир юкини елкамизга юклаш учун ҳамма ишни қилади. Озодлик баъзида тезда, баъзида вақт ўтиши билан келади. Биз Исога ўз ҳаётимизни берганимизда, У бизни озод қилади ва биз бу озодликни талаб қилишга ҳақлигимиз. Кейинчалик, вақт ўтиши билан, ўтмишда кўтариб юрган гуноҳнинг юкига қарши “мустаҳкам туриб”, озодликда яшашни ўрганамиз ва мукамалликка ўз кучимиз билан эришиш васвасасига қаршилиқ кўрсатамиз.

Шундай экан, озодлигингизда мустаҳкам туринг! Сизга мағлубнинг ёрлиғини олишга, тушкунлик ботқоғига тортишга ва гуноҳкор ҳаёт тарзига қайтаришга ҳаракат қиладиган айбдорлик ва уятга таслим бўлманг. Бузғунчи хатти-ҳаракат қолипига “йўқ” дейиш ҳуқуқингизни шубҳа остига қўядиган, ўтмиш уятининг ҳар қандай соясига қарши туринг. Эҳтимол, илгари айбдорлик ва уят ҳисси “йўқ” дейишга ҳалақит бергандир, аммо сиз ўтмишдан озод бўлдингиз, келажак эса ёрқин ва эркин!

Масиҳ бизга берадиган озодлик ва ажойиб умид туфайли, Раббимиз ва Наботкоримизнинг қайтишидан қўрқиш учун бизда сабаб йўқ – У бизни бузуқликдан халос этди ва Ўзиники деб атади. Илгари биз ёвузлик қилишни хоҳлардик, энди эзгулик қилишни астойдил истаймиз! Чинакам юқоридан туғилиш, бизни ва табиий истакларимизни ўзгартиради. У бизни кечиради, сўнгра табиатимизни ушбу сўзлар билан ўзгартиради: “Бор ва бошқа гуноҳ қилма”. Бу кечирим олишнинг шарти эмас – кечирим аллақачон берилган. Бу ишонч ва ҳамма энг яхши нарсалар ҳали олдинда эканига ишонишнинг белгиси ҳисобланади.

Исонинг Сўзларини бошқача тарзда ифодалаш мумкин: “Мен сени ҳукм қилмайман. Мен сени кечираман ва гуноҳ ҳукмидан озод қиламан. Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма. Сен озодсан!” (Юҳанно 8:11). Биз ҳеч қачон ҳудожўйликда юра олмай ҳамда гуноҳга ва дунёвий эҳтиросларга “йўқ” дея олмаганимиздек, бизга кўрсатилган раҳм-шафқатга Худонинг иноятисиз ҳеч қачон лойиқ бўла олмаган бўлардик. Гуноҳ энди ҳаётингиз устидан ҳокимиятга эга эмас, чунки Масиҳ бизга озодлик берган.

Раббий, Сендан менга кечирим ва қайта сотиб
олишни берганинг учун бутун юрагимдан
миннатдорман. Бу озодликда яшашни менга
ўргатгин – мени қўллик кишанларига қайтарадиган
ҳамма нарсадан юз ўгиришимга ёрдам бергин.

Мен кўчгиман

ЧУНКИ МАСИҲ МЕНИ ОЗОД ҚИЛДИ ВА
ҲАЁТИМДАГИ БУ ОЗОДЛИКНИНГ ДАЛИЛЛАРИ
КУНДАН-КУНГА КЎПАЙМОҚДА.

ОЗОД

“Шундай қилиб, биродарлар, биз чўрининг эмас, балки озоднинг фарзандларимиз”.

ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА 4:31

Кичкиналигимда отам мен билан кам гаплашар – ўзимни хафа қилдириб қўймаганлигимни мақташ учунгина гаплашар эди. У мени эркалаб “йўлбарс қиз” ва “кичик безори” деб чақирарди. Кўйлақлар ва қизларга хос бошқа ёқимтой нарсалар нима учундир бу тимсолларга мос келмас эди. Мен нозикойим ёки қизалоқча бўлмасликка қатъий қарор қилган эдим.

Мен юқори синф ўқувчиси бўлганимда, бир куни битта фильм кўриб қолдим, унинг қаҳрамони айнан ўзимни тенглаштирган ўша тимсолни акс эттирар эди. Бу Бонднинг қизларидан бири эди. У ҳеч қандай безакчалар ва боғиччалар тақмас, унинг ҳаёти эса бошдан-оёқ ҳаяжонли саргузаштларга тўла эди. Менга ёпишган калта шимдаги қўрс саҳибжамолнинг тимсоли ёқарди, у тўппончани моҳирона ўйнатар ва ҳеч нарсада эркаклардан қолишмас эди. Бу қизлар ҳеч кимдан қолишмас, ўзларини хўрлашга йўл қўймас эдилар. Уларга ҳимоячи керак эмас эди – улар ўзлари учун туриб бера олишарди.

Аммо Бонднинг қизлари билан ҳаммаси ҳам оддий эмас эди. Агар хотирам панд бермаса, жосус 007 ҳақидаги ҳар бир фильмда бу қизлардан камида бири ҳалок бўларди. Якунида доимий тарзда, Жеймс тирик қолган қиз билан тўшақда ётган бўлар эди, аммо шундан сўнг энди уларни ҳеч қачон бирга кўрмас эдик. У янги саргузаштда пайдо бўларди, қиз эса кераксиз бўлиб, унинг ўрнини навбатдаги соҳибжамол эгалларди. Уларни қадрламаган

тизимда, улар шунчаки сарфланувчи буюмга айланишарди.

Бир қарашда қатъий, сексуал ва ўзига ишонган аёл довлорак бўлиб кўриниши мумкин, лекин бу ундай эмас. Бонднинг ҳамма қизлари асосан вазият ўстидан назоратни йўқотганда, нимадан-дир қўрқар эдилар. (Нима деб ўйлайсиз, уларга қурол нима учун керак?) Уларнинг кўпчилиги болалигида ўта муҳтож бўлган севги ва ҳимояни, ҳеч қачон ўз оталаридан олмаганлар – шунинг учун фақат ўзларига суянишга қарор қилганлар. Бошқалар аксинча, севги ва асраб-авайлаш кўрган, лекин бу қаҳрамонлар ёрдамни Худодан кутмай, аёл ўзи учун ўзи туриб бера олиши керак деб сингдирадиган жамоатчилик фикрига эргашган. Аммо охир-оқибат, Бонднинг барча қизлари четда қолиб кетишади. Сексуал жозибадор бўлиш озод бўлишни англатмайди.

Биз ўзимизни маданиятимиз доирасида, озод аёлдан кўра кўпроқ асир қиз билан боғлаймиз. Аммо биз бир-бирига зид икки чегара – ҳушидан кетай-кетай деган иродасиз аёл ва тажовузкор йўлдан оздирувчи аёлдан бирини танлашимиз мутлақо шарт эмас. Худо ўз қизларининг ҳар бирига ноёб қобилиятлар ва ёрқин имкониятлар берган. Мен қандайдир инсоний қолиплар билан чегераланганман, деган ёлғонларга ишонманг. Биз – охир-оқибат, панд бериб қўяман деб ишонишга мажбур чўрилар эмас, шонинг қизларимиз. Ва Унинг фарзандлари сифатида борлигимизча бўлиш учун озодмиз – биз ўзимизнинг тақрорланмаслигимизда шартсиз суюкли эканимизни биламиз.

Ота, Сен мени қандай яратган бўлсанг, ўзимни
шундай қабул қиламан. Агар мен ўзимни камситсам,
аслида ким эканимни менга эслатгин.

Мен кўглиман

ЧУНКИ МЕН ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН АЁЛ
ТИМСОЛИГА ЁПИШИБ ОЛМАЙМАН. МЕН
– ТИРИК ХУДОНИНГ ҚИЗИМАН.

ЯНГИЛАНГАН

*“Шундай қилиб, ким Масихда бўлса, у янги ижоддир.
Эскиси ўтиб кетди, энди ҳаммаси янгидир”.*

2-КОРИНФЛИКЛАРГА 5:17

Масих бизнинг Нажоткоримиз ва Раббимизга айланганида, шарқ ғарбдан қандай узоқ бўлгани каби, гуноҳларимиз учун абадий жазо ҳам, ҳудди шундай биздан узоқлашади (Санолар 102:12). Гуноҳ энди бизнинг ўстимиздан ҳокимиятга ва руҳимизни қўлликда ушлаб туриш учун асосга эга эмас. Биз озодмиз. Аммо озодлик ва кечирим гуноҳнинг табиий оқибатларини бекор қилмайди. Агар мен жинойт содир қилганим учун қамоқ жазосини олиб, сўнг нажотни қабул қилсам, руҳим озод бўлади, бироқ тана барибир қамоқхонада қолади. Бу менинг кечирилмаганимни англатмайди. Бу мен ҳозир турган воқеликни яшаб ўтишим учун Унинг донолигини излашимни англатади.

Шунда савол туғилиши мумкин: умуман олганда, бу ҳақиқат қандай ишлайди? Мен кечирилдим ва янги ижодга айландим. Эскиси ўтиб кетди, энди ҳаммаси янги. Бу ҳақиқат бизда аста-секин ўрнашади. Биз кечирилганмиз ва гуноҳларимизга иқроп бўлганимиз заҳоти тозаланганмиз. Биз Масихнинг ҳамма нарсани қамраб олувчи раҳм-шафқатини бошдан кечириб, руҳан янгиланамиз. Аммо бу энди эски танлов менга ҳеч қандай таъсир қилмайди дегани эмас. Мен энди айбдор эмасман ва абадий ҳукмга маҳкум эмасман, аммо ўтмишнинг акс-садолари жаранглашда давом этиши муқаррар.

Айталик, мен қайноқ ва беғам ёшлик пайтимда ҳомиладор

бўлиб қолдим, унда нима кечади? Бу албатта, жиддий огоҳлан-тириш. Агар мен ҳомиладор бўлганимдан кейингина, Масихга келган бўлганимдачи? Мен боладан қутилган бўлармидим? Албатта, йўқ! Боланинг борлиги гуноҳим кечирилишини асло бекор қилмайди – худди шундай, кечирим ҳам унинг мавжудлиги ҳақиқатини бекор қилмайди. Бола – бу гуноҳ эмас, балки мен қилган қарорнинг натижаси ҳисобланади. Ҳатто никоҳдан ташқарида ҳомиладор бўлганда ҳам, бола севилган ва инъом сифатида қабул қилинган бўлиши керак.

Худо бизнинг хатоларимиз, муваффақиятсизликларимиз ва гуноҳларимизни ювиш билан шугулланади. Мўъжизалар ҳар доим ҳам бизнинг тасаввуримиздек бўлмайди, бироқ ҳатто синган бўлаклардан ҳам ажойиб нарсани яратиш мумкин. Худо учун имконсиз нарса йўқ ва юрак синган пайтда – айнан шу Унинг асосий ишига айланади. У қаттиқ тош юракни олади ва уни этдан бўлган зийрак, тирик юракка алмаштиради. У биз янги ижодга айланишимизни айтганида – биз унга ишонишимиз мумкин.

Раббий, менга абадий кечирим ва гуноҳнинг табиий оқибатлари ўртасидаги фарқни очгин. Барча муҳим нарсаларда, мени бир бутун қила олишингга ишонаман.

Мен кўглиман

ЧУНКИ ҚАРОРЛАРИМНИНГ БАРЧА ОҚИБАТЛАРИНИ,
ХУДО ШИФОЛАШИГА ИШОНАМАН.

УНГА ТЕГИШЛИ БЎЛИШ УЧУН ХАЛОС ЭТИЛГАН

“Мен сизларнинг Худойингиз бўлиш учун ва сизларга Канъон ерини бериш учун сизларни Миср еридан олиб чиққан Раббий сизларнинг Худойингизман”.

ЛЕВИТ 25:38

Кўпчилигимиз қуйидаги саволнинг жавоби устида ўйланган-миз: “Агар сен бугун тунда ўлиб қолсанг, қаерга боришингни биласанми?” Унинг мақсади — бизни “Жаннатга боришимнинг эҳтимоли қанча?” — деб ўйлашга ундашдир. Агар одам жавобни билмаса, унда ибодат қилиб, ўзининг абадий тақдирида аминликка эга бўлиш имконияти бор. Лекин абадийлик — бу нафақат ўлимдан кейинги манзил, бу ҳозир ва шу ердаги ҳаёт тарзидир. Бу ҳақида кейинги оятда айтилган бўлиб, унда Исроилни Мисрдан озод қилишдаги Худонинг яширин истаги ва Унинг иродаси очиб берилади: “Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар” (Чиқиш 19:4).

Бу оятнинг гўзаллиги ва кучи мени завқлантиради. Осмонларнинг қудратли Шоҳи, Ўз фарзандларини тўрт юз йиллик қулликдан сўнг, қаҳрамонларча қутқариш учун пастга тушди. У уларни қутқариб, Мисрни — ўша даврнинг энг қудратли давлатини — парчалади ва уни харобазорга айлантирди. Кечагина қул бўлган исроилликлар мисрликларнинг кумуш ва олтинларини олиб кетишди.

Худонинг бу истаги, фақат Исроил халқи учун эмас, қолаверса сизга ҳам тегишлидир.

Бизнинг иштиёкли ва муқаддас Худойимиз сизга интилмоқда! У сизга қараб, қачон сиз Унга ўз нигоҳингизни қаратишингизни кутмоқда. Сиз Унинг чорловига жавоб беришингизга умид қилиб, Муқаддас Ёзувнинг кўп жойларида У томонидан қолдирилган севги мактубини ўқишингизни орзу қилади. У сизни дунёнинг зулматга ботган қўллигидан Ўз нуридаги ҳаётнинг тўлиқлигига олиб чиқишни хоҳлайди. У сизни бевафо ошиқларнинг қучоғидан тортиб олиб, Ўзининг абадий севгиси билан қучоқлашни қаттиқ истайди. У Ўзининг саҳий раҳм-шафқатини намоён қилиш учун сизни бу дунёнинг шафқатсиз нозирлари ва оғир кишанларидан халос қилишга интилади.

Ваъда берган Зот чегара билмаганидек, нажот ҳеч қачон фақат ваъда қилинган ер билан чегараланмаган. Охир-оқибат, Унинг мақсади – бизни Ўзининг олдига олиб келишдир. Эски Аҳднинг ваъдалари фақатгина келажакнинг аломати эди. Нажот Худонинг назарида – бу Худо Ўз фарзандларини Ўзига қайтариш йўли. Суюклиларим, қайта сотиб олиниш – бу шунчаки ёнғиндан ёки ўлим ҳолатидан суғурта қилишдан кўра кўпроқ нарса ҳисобланади!

Ким бу дунёнинг шафқатсизлигидан узоққа кетишни ва Худонинг тоғига кўтарилишни орзу қилмайди? Охир-оқибат, бу дунё – бизнинг уйимиз эмас ва шунинг учун бундай интилишнинг хуш ёқиши табиийдир. Ҳаммамиз қўллик ва ҳукмдан халос бўлишни исташимиз керак, аммо нажот бу билан тугамайди. Келинг, Унга тегишли бўлиш имкониятидан фойдаланайлик.

Ота, мен Сеники бўлишимга ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги учун, Сен мени озод қилганингдан миннатдорман. Менинг қарорим – ваъдани бажариш ва Сени таниб-билишдир.

Мен қўллиман

ЧУНКИ УНГА ТЕГИШЛИ БЎЛИШ
УЧУН ҚУТҚАРИЛГАНМАН.

Мукаггасарыкка
кыры

БУ ДУНЁДАН ЭМАС

“Агар сизлар дунёдан бўлганингизда эди, дунё ўзиникини севган бўлар эди. Сизлар дунёдан бўлмаганингиз учун, аммо Мен сизларни дунёдан танлаганим учун, дунё сизлардан нафратланади”.

ЮХАННО 15:19

Биз бу дунёга тегишли эмаслигимизни Исо аниқ тушунтирган. Бу ҳақиқат қай тарзда бизнинг хатти-ҳаракатимизга таъсир кўрсатиши керак? Дунё, аниқроғи, биз яшаётган маданият – бизни ўз қолипига солишга интилади. Аммо дунёвий қадриятлар бизнинг устимиздан ортиқ ҳукмронлик қилмаслиги керак – биз одамлар ва Худо билан муносабатлардамиз. Биз ўзгача қадриятларга эга бўлишга: дунё нафрат тарқатаётганда севиш, у шафқатсиз бўлганда меҳрибон бўлишга чақирилганмиз. Худди шу нарса бизнинг ахлоқий кўрсаткичимизга ҳам тегишли. Эфесликларга мактуб бизнинг ҳақиқий ҳаракат тизимимизни белгилайди: “Муқаддасларга муносиб равишда, сизларнинг орангизда зинокорлик, ҳар қандай нопоклик ҳамда тамагирлик ҳатто номланмасин” (5:3).

Бу оятда ҳаммаси кундек равшан. Нега бунча жиддий буйруқ? Сабаби, ҳатто кичик ишора ҳам, фикрларни бузиб, бошқаларни адаштиришга қодир. Биз Худога тегишлимиз ва шу сабабли, биз ишларимизда ва сўзларимизда Уни ҳурмат-иззат қилишимиз зарур. Бу бизнинг сўзларимиз ҳам, хатти-ҳаракатларимиз ҳам, бизнинг ҳаётимизга Унинг таъсирини акс эттириши кераклигини англатади. Биз Масихда шунчаки кечирилмаганмиз – шунингдек, биз муқаддасмиз. Биз илгари зулмат тарқатилган жойда, энди нур сочамиз.

Эфесликларга мактубнинг давомида шундай дейилган: “Яна сизларга ёмон сўзлар, қуруқ гаплар ва майнабозлик ҳам муносиб эмас, балки миннатдорчилик яхшидир” (5:4). Ҳаворий Павлус бу рўйхатга йўлдан урувчи хатти-ҳаракат, беадаблик, аҳмоқлик ва қўпол гапиришни қўшади. Буларнинг барчаси художўйликдан узоқ бўлиб, ҳақиқатни қидираётганларга халақит беради холос.

Биз ўз нутқимизда беадаб сўзларни қўшиб гапиришнинг ўрнига, уни миннатдорчилик сўзлари билан тўлдиришимиз керак. Шундай қилиб, биз ўзимизда Худонинг эзгулиги ва раҳм-шафқати учун миннатдорчилик кайфиятини сақлаймиз. Шунинг ўзи, айримларимизда нутқ санъати ўйғониши учун етарли. Қўполлик қилиш, нолиш ва норозилик билдиришнинг ўрнига, биз Отамизга ўхшаб ўз нутқимиз билан дуо қилишимиз ва ҳаёт улашишимиз мумкин. Еимдан чиқишидан қатъий назар, қуруқ сўзлар алдовига учмаслик ҳақида бизни огоҳлантиришади. Қуруқ сўзлар ҳушёрликни ғафлатда қолдиради ва ўз-ўзини тинчлантиришни пайдо қилади. “Ҳаммаси яхши бўлади... Бу муҳим эмас... Ҳамма шундай қилади...” Сўзлар қуруқ бўлганидек, тўла ҳам бўлиши мумкин. Ҳаёт сўзлари бизни эзгуликка чақиради. Улар биз ҳамма каби эмаслигимизни эслатади – чунки биз Худойи Таолонинг қизларимиз. Биз бу дунёда яшаймиз, лекин биз бу дунёдан эмасмиз (Юҳанно 17:15, 16).

Худойим, менга бу дунё қандай яшаётгани ва Сен Ўз ишларингни қандай бошқараётганинг ўртасидаги фарқни кўрсатгин. Мен Сени пок ва соф, бегона сояларсиз сўзлар ва ҳаракатларим билан шарафлашни хоҳлайман.

Мен кутганиман

ЧУНКИ МЕН ДУНЁНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ БЎЙИЧА ЭМАС,
ХУДОНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ БЎЙИЧА ЯШАЙМАН.

ИТОАТКОРЛИК ЙЎЛИ

*“Раббийдан қўрқадиган, Унинг йўлларидан
юрадиган ҳар бир киши бахтлидир”.*

САНОЛАР 127:1

Катталар сукут сақлашни танлайдиган ҳолатларни, болалар яққол кўрсатадилар. Иккинчи ўғлим Остин икки ёш бўлганида, биз Худога бўйсунишга ҳаракат қилиб, баъзида қандай муносабатда бўлишимизни яхши тасвирлайдиган бир воқеа юз берди.

Ўша куни бизникига дўстларимиз ўз болалари билан келишди. Хайрлашув олдидан ҳар бир болага мармеладли динозаврча бериб, кичкинтойларни сийлашга қарор қилдим. Мен сахийлик билан, Остин ўзи тарқатиши учун унинг кафтчасига бир ҳовуч динозаврчалардан солдим. Болалар эшикдан чиқаётганларида, навбат билан мармеладдан олдилар. Лекин Остинда охириги иккита динозаврча қолганида, муштини қаттиқ тугди. Лекин яна бир қизча ўз совғасини кутар эди. Мен уни секингина туртиб: “Остин, пакетда ҳали кўп. Қизга иккита мармеладни бергин” – дедим. Бунга жавобан у кўчага югуриб чиқди ва бошини йўқ дея чайқатиб, почта қутисини маҳкам ушлаб олди. У охиригача ҳимояланишга аҳд қилгани аниқ эди.

Мен уйга кириб, кичкинтойни пакетдаги мармеладчалар билан сийладим. Сўнгра ўғлимни почта қутисидан ажратиб олишга уриниб, дўстларим ва уларнинг болалари билан хайрлашиб қўл силтадим. Биз уйга қайтганимиздан сўнг, ҳаммаси янада ёмонлашди. Мен Остиннинг кафтчасидан эзилган мармеладларни олиб, уни тинчланиши учун тепага болалар хонасига юбордим.

У ошхонадан қаттиқ депсиниб: “Мен хонамга бормаيمان” – деди. Мен ошхонада қолиб, хотиржам эътироз билдирдим: “Йўқ, борасан”.

Бу эътироз билдиришлар яна бир неча марта такрорланди, аммо борган сари унинг овози пасайиб борарди. У секин ўз хонасига юрди. Ўн беш дақиқадан сўнг, унинг қатъий: “Мен ухламоқчи эмасман. Умуман ухламайман!” – деганини эшитдим.

Кейин сукунат чўқди. Мен секингина юқорига кўтарилганимда, уни каравотида қаттиқ ухлаб ётган ҳолда кўрдим. Қайсидир даражада Остин ноҳақ бўлганини тушунган ва назаримда, уйқуси келаётганини сезган. Шунинг учун ҳам у мизғиб олиш учун ётган. Лекин норозилик машмашасини кўрсатиши нима керак эди? Бундай кучли қаршилиқ қаердан келди?

Лекин айтингчи, ҳаммамиз ҳам баъзида худди шундай қилмай-мизми? Ўйлайманки, оддий чарчоқдан ташқари бўйсунмасликнинг сабаби, кўпинча ўғлим билан содир бўлган воқеа билан бир хил. У унинг бир сиқим мармеладчалари тезда камайиб бораётганини кўрди ва ўзини бенасиб қолгандек ҳис қилди. Ростини айтсам, ўша лаҳзада мен Остинда ўзимни танидим. Бу умидсизлик ва камситилиш ҳисси менга ҳам таниш эди – буни сўзлар билан қандай ифодалашни билмайман. Айнан шу боис, гўёки мен шундай деб айтардим: “Худойим, менинг итоатим, аслида ўз иродамга қарши, қолаверса, мен ўзим тайёр бўлганимдагина бўйсунаман”. Мен шу йўсинда, ўз мустақиллигим ҳақида аҳмоқона гапларни айтиб, ўз шахсиятимнинг аҳамиятини тасдиқлашни хоҳлар эдим.

Биз улғайиб, жанжал кўтармасликни ва ўзимизнинг худбин истакларимизнинг таъсирига берилмасликни, балки Худо биз учун нима яхшироқ эканини билишига ишонишни ўрганамиз.

Раббий, мен бўйсунитишни хоҳламаганимда, мени қизиққонлик билан бирор иш қилиб қўймасликка ўргатгин. Менга охирида эмас, биринчи навбатда Сенинг олдинга келишн

Мен кўрлиман

ЧУНКИ КУРАШ ВА ҚАРШИЛИКЛАРСИЗ БЎЙСУНАМАН.

МУҚАДДАСЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН

“Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, чунки ёзилган: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман””.

1-ПЕТРУС 1:15, 16

Худо муқаддас... шунинг учун биз ҳам муқаддас яшаймиз. Муқаддаслик – бу яхши бўлиш учун навбатдаги омад-сиз уриниш эмас. Муқаддаслик – бу хизматчилар учун мансаб қўлланмасидан қўпроқ нарсаси; бу Муқаддас Худонинг қарши-сида турадиганларнинг барчаси учун амрдир. Биз муқаддас бўлишимиз керак, зеро У муқаддас. Биздан муқаддаслар каби ҳаракат қилиш ёки муқаддас бўлиб кўринишни сўралмаяпти; бизни муқаддас бўлишга даъват этмоқда. Муқаддас бўлиш эса – бу бизнинг моҳиятимиз, ички табиатимизни ва бу ҳаётини кучимизнинг бир қисмига айланганини билдиради. Биз муқаддас бўлган Унинг Рухи – яъни Муқаддас Рух томонидан тўлдириламиз ва бошқариламиз.

Муқаддаслик ҳам бизнинг шахсий муносабатларимизда, ҳам жамиятдаги ҳулқ-атворимизда намоён бўлади. Биз муқаддаслар каби ҳаракат қилишимиз, аммо муқаддас бўлмаслигимиз; муқаддас бўлиб кўринишимиз, аммо унақа бўлмаслигимиз мумкин. Бизнинг ким эканимиз ва моҳиятимиз, бизнинг мавжудлигимизни белгилаб беради.

Муқаддас бўлиш нимани англатади? Кейинги оят бизга тушуниш калитини беради: “Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масиҳда севги билан танлади” (Эфесликларга 1:4).

Биз ҳали илк нафасимизни олгунимизга қадар танланган эдик. Биз У ерни яратишидан олдин Унинг фикрларида эдик. Биз муқаддас ва бенуқсон бўлиш учун Худо томонидан Масиҳда танланган эдик. Модомики, Исо ҳам муқаддас, ҳам бенуқсон экан, биз ҳам Отанинг қаршисида Унинг мавқеини мерос қилиб оламиз.

Биз Масиҳдан ташқарида Унинг кучига ҳам, ваъдаларга ҳам бегона эдик. Аммо хочда парда ерилди. Бизга қарши бўлган барча нарса хочга михланди ва биз Худо билан бир бўлдик (Колосаликларга 2:14).

Муқаддас бўлиш – бошқача бўлишни, руҳ, жон ва тана билан – ажратилган бўлишни англатади. Оддий қилиб айтганда, муқаддаслик – биз Унга тегишли эканимизни англатади.

Ота, Сен Ўзингнинг олий қурбонлигинг орқали
менга муқаддаслик берганинг учун Сендан
миннатдорман. Сен муқаддассан ва менинг ишларим,
Сенга мени муқаддасликда яқинлаштирсин.

Мен қурғлиман

ЧУНКИ МЕН МУҚАДДАСМАН ВА УНГА ТЕГИШЛИМАН.

ОЛОВ БИЛАН ТОЗАЛАНГАН

“Мана, Мен сени эритдим, лекин кумушга ўхшатиб эмас; сени азоб-уқубат ўтида синадим”.

ИШАЪЁ 48:10

Олтин ва кумушни печда шунчалик юқори ҳароратда тозалашадики, метал суюқликка айланади. Тошқол ва аралашмалар юзага кўтарилади – метални ифлослантирадиган ҳамма нарсa кўринарли бўлиб қолади. Эритма совиб, қотиб қолмагунча, металлург тошқолни олиб ташлайди. Метал уни юмшоқроқ қиладиган ифлосликлар ва аралашмалардан тозаланмагунча, бу жараёни қайта ва қайта такрорлаш мумкин.

Худо бизни том маънода оловли печда тозаламайди. Унда юрагимиздан барча чўкиндини олиб ташлашнинг бошқа усуллари бор. У тозалаш учун қийинчиликлардан фойдаланади. Бу сўзнинг турли синонимлари мавжуд: машаққат, кўнгилсизликлар, бахтсизликлар, мусибатлар, синовлар. Ҳаёт қийинчиликларини ҳеч ким ёқтирмайди, бироқ биз ҳосилларни кўрмоқчи бўлсак, унда танлаган йўлимизда қаттиқ турганимиз маъқул. Бунинг ёдда тутиш муҳим, чунки “биз синовларга дуч келамизми?” – деган саволни бериш ярамайди. “Агар” эмас, балки “қачон” деб савол бериш тўғри ҳисобланади.

“Сувларни кечиб ўтаётганимда Мен сен билан биргаман, дарёлардан ўтаётганимда – улар сени чўқтирмайди;

олов орасидан ўтаётганинда ёнмайсан ва аланга сени куйдирмайди” (Ишаъё 43:2).

Баъзида ҳаёт қийинчиликлари сўв тошқини ва ёнғинларни эслатади. Ҳеч биримиз бахтсизликлардан холи эмасмиз, аммо улар вақтинчалик экани ваъда қилинган. Улар бизни синдиришига йўл қўймаганимизда, қийинчиликларни енгамиз. Бизнинг Отамиз нима қилаётганини билади ва У бизни тозалашдан олиб ўтса, демак, машаққатларнинг жўшқин дарёсидан ўтиб, биз аввалгидан ҳам кучлироқ бўламиз.

Чунки Худо бизнинг қулайлигимиздан кўра, юрагимизнинг ҳолати ҳақида кўпроқ қайғуради. Бу эса қалбимиздаги нарсани очиш учун, Худо бизни қулайлик доирамиздан чиқишга мажбур қилишини англатади. Кўпинча бундай тозаланиш, ўзимизнинг ибодатларимиз томонидан ҳаракатга келтирилади. Ҳар сафар биз Худодан ўсишимизга тўсқинлик қиладиган ёки Унга маъқул келмайдиган барча нарсани олиб ташлашини сўраганимизда, вазият кескинлашади. Оловли синов бизнинг кучли жиҳатларимизни ҳам, ўз йўлимизда қиладиган хатоларимизни ҳам очиб беради. Мен сизларни даъват этаман: чекинманг, аланга тилларида куйланг! Сизнинг миннатдорчилик ибодатларингиз тошқин сувлар ўстидан кўтарилсин, чунки Худо сизни Ўз мақсади учун ва сиз куч келиши учун тозалайди.

Раббий, менинг кўзларимни очгин, токи мен қулфатлар ва қийинчиликлар, аслида – ўзгаришни ҳаракатлантирувчи куч эканини кўра олайин. Сен мени олов билан тозаланиш синовида қолдирмаслигингни биламан, шунинг учун Сенинг ироданг бажо бўлсин.

Мен кучлиман

ЧУНКИ ҲАЁТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ЮРАГИМНИ
ОЛОВ БИЛАН ТОЗАЛАШИГА РУХСАТ БЕРАМАН.

ЖИСМОНИЙ РЎЗА

“Шунинг учун Худога бўйсунинглар, иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади”.

ЁҚУБ 4:7

Рўза – бу қалбни енгиллаштиришнинг, уни ички юкдан халос қилишнинг энг яхши усулидир. Рухий рўза – бу фикрлар, ҳаракатлар ёки одамлардан воз кечиш, жисмоний рўза эса – Муқаддас Китобга кўра, Худога интилиш учун егуликдан ўзини тийишамалиётидир. Жисмоний рўза парҳездан нимаси билан фарқ қилади? Парҳез бизнинг ташқи кўринишимизни ўзгартиради ва тарозидаги милни суради, рўза эса кўздаги пардани олиб ташлаб, нарсаларни янги нуқтаи назар билан кўришга имкон беради. Бу Худога итоаткорлигимизнинг ифодаси ҳисобланади. Биз Унинг қаршисида тиз чўкиб, ўзимизни Унга ишониб топширганимизда, душман ваҳима ичида чекинади. Егуликдан тийилиш орқали биз ҳақиқий очликни – Худога ташналикни ривожлантирамыз. Биз Унинг Сўзи билан озиқланиб, Унинг севгиси ва эзгулигини ёдга олганимизда, бизнинг қизиқишларимиз ўзгаради. Рўза зеҳнимизни ўткирлаштиради ва юракни юмшатади.

Агар сиз биринчи марта рўза тутаётган бўлсангиз, бирор оддий ва фойдали нарсадан бошланг – масалан, оқ ун ёки шакардан воз кечинг. Ёки интернетда Дониёр рўзаси номли рўза ҳақида маълумот қидиринг. Эҳтимол, сизнинг рўзангиз тушликни ўтказиб юборишдан иборат бўлади. Аммо сиз фақат сув билан рўза тутмоқчи бўлсангиз-у, шу билан бирга соғлигингизда муаммолар бўлса ёки дори-дармон қабул қилсангиз, албатта аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

Рўза – бу жисмоний ноқулайликлар билан бирга келадиган,

танавий истаклардан онгли равишда воз кечишдир. Аммо руҳий нуқтаи назардан бу тантана, ички базм ва қувонч вақтидир. Агар сиз Шоҳни ҳурмат қилсангиз, У сизни Ўзининг ҳузури билан ҳурмат қилади. Рўза – бу жазо эмас, балки муқаддас имтиёздир. Бу ҳаёт ва ўлим масаласи эканини англаб етиш зарур, чунки бу айни ҳақиқат. Сиз ўлимни кишанламоқдасиз.

Агар сиз ўзингизни Худога бағишламасангиз, овқатдан бош тортишдан маъно йўқ. Рўза вақтида ишлар билан шуғулланмасдан, шунчаки дам олиш мумкин бўлиши учун ҳаммасини олдиндан тайёрлаб қўйинг. Сизни ҳеч нарса чалғитмаслиги учун телевизор, телефон ва компьютерни ўчиринг. Уйда ҳамду-сано ва сажда мусиқаси янграб турсин. Дам олинг, ухланг ва Унга яқинлашинг. Худонинг Каломини – масалан, Эстернинг китобини ёки рўза ҳақидаги ваъдаларни, шунингдек сизни руҳлантирадиган масиҳийча китобларни ўқинг.

Сиз рўза вақтида ўз руҳингизни мустаҳкамлайсиз. Ибодат илтимосларингиз кундалигини юритинг. Ота қаршисида очиқ ва самимий бўлинг ҳамда У сизга Ёзув ва ибодатлар орқали очиб берадиган нарсаларни ёзиб боринг. Бу севги вақти, мен У сизга тирик сув беришига ва сизни тўлдиришига чин қалбимдан ишонаман.

Худойим, рўза тутган пайтимда, менинг ёнимда бўлгин. Менинг қизиқишларимни ўзгартиргин ва Сенга нисбатан янада каттароқ очликни юқоридан юборгин. Мен Сенинг сўзларингни кутар эканман, тинчликка тўламан. Менда сезгирликни ривожлантир ва мени суллаштирган нарсадан тозалагин.

Мен кўзлиман

ЧУНКИ РЎЗАДА БЎЛАМАН, ЎЗ ШОҲИМ
БИЛАН БАЗМ ҚУРАМАН.

ЮРАГИНИ ТОРТИҚ ҚИЛАДИГАН

“Аммо ҳали ҳам, — дейди Раббий, — рўза, кўз ёшлари ва фарёд билан чин юракдан Менга қайтинглар. Кийимларингизни эмас, юракларингизни йиртинглар ва Раббий Худойингизга қайтинглар, зеро У эзгу ва шафқатли, узоқ бардошли ва кўп шафқатлидир. У кулфатдан афсусланади”.

ЙОЭЛ 2:12, 13

Худо бизни тинимсиз кузатади. Биз қаерда бўлмайлик, нима-ики қилмайлик, У ернинг энг чеккасигача бизга эргашади. Худо бу авлодга шундай демоқда: “Ҳозир ҳамма нарсa умидсиз бўлиб туюлса ҳам, ўзингизни ифлос ва тушкунликка тушган ҳис қилсангиз ҳам... Ҳатто ҳозир ҳам! Қолганларнинг барчаси кучсиз экани маълум бўлганида, сиз бошлаган ҳамма ҳаракатлар фақат алам олиб келганида ҳам... Мен умидни пучга чиқармайман. Ҳатто ҳозир, энди жуда кечдек кўринганда ҳам... бу ундай эмас! Чин юракдан Менга қайтинглар”.

У бизнинг оптимиздан боради ва У фақат — биз Унга қайтишимизни кутади. У бизни мулоҳазакорликка, кўрган нарсамиз бизга ёқмаса ҳам — ўзимизга рўйи-рост қарашга чақиради. Бизнинг гуноҳларимизнинг сурати нозик-пушти эмас, балки қизил-қон рангда чизилган. Аммо Худога қурбонлигимиз керак эмас — Шаҳзода аллақачон уни биз учун келтирди. Худо бизни ювишни хоҳлайди. У бизга пуч, озиқлантирмайдиган нарсани — бу

дунёнинг беҳуда истакларини ва ҳаёлий хурсандчиликларини бермайди. Бунинг ўрнига, У ердаги нарсалардан яхшироғини бизга таклиф қилади. Аммо бунинг учун биз авваломбор тайёр, сўнг – итоаткор бўлишимиз керак. Тавба қилиб, йўлдан адашганимизни тан олишга тайёр бўлишимиз зарур. Унга қувонч билан хизмат қилишга тайёр туришимиз муҳим – чунки У эзгу, содиқ ва ҳақдир. Унинг Сўзига бўйсунушга тайёр бўлишимиз керак, зеро бу севги, ҳаёт ва озодлик қонунидир. Ўз хочимизни олиб, ҳаётимизни Масихда, танага айланган Каломда қуриш ва Унинг намунасига эргашишга тайёр бўлиш талаб этилади. Йоэл пайғамбар бугун ҳам ҳар биримизни даъват этмоқда: юрагингизда нима бўлишидан қатъий назар – “чин юракдан Менга қайтинглар”. Аёлларнинг юраги учун кураш ҳеч қачон тугамайди ва Худо сиздан Унга ўз юрагингизни – у синган, яраланган ва қон оқаётган бўлса ҳам, олиб келишингизни сўрамоқда. У сизни бу дунёнинг даҳшатларидан юз буриб, Унинг орзусига қайтишга даъват этади. Чунки У азалдан келинни... яъни худди сизга ўхшаганини излаган.

Ота, менинг ортимдан чекинмай кузатаётганинг учун
Сендан миннатдорман... Менга бор-йўғи керак нарса
– ўгирилиб, Сенинг бағринга йиқилишдир. Сенга ўз
юрагимни топшираман ва яна Сенга қайтаман.

Мен кузгиман

ЧУНКИ МЕНГА ТАШНА БЎЛГАНГА
МУРОЖААТ ҚИЛАМАН.

ЎЗ ХОЧИНИ КЎТАРИБ ЮРАДИГАН

“Кейин барча одамларга деди: “Агар ким Менинг ортимдан юришни хоҳласа, ўзидан воз кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин. Чунки ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўладиган ҳар бир кимса уни йўқотади. Мен учун жонини йўқотадиган ҳар бир кимса эса уни сақлаб қолади. Зеро агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, лекин ўзини йўқотса ёки ўзига зарар етказса, бундан унга нима фойда?”

ЛУҚО 9:23-25

Худо, биз яхши бўлиш учун асоссиз ўринишларимизни қолдириб, Унга интилишимизни истайди. У бизнинг дин ва танага оид парда ортидан назар ташлашга журъат этишни ва Унга имон билан, Унинг эзгулигига шубҳа қилмасдан яқинлашишимизни кучли хоҳлайди. Биз Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишимизни, ҳар куни ўз хочимизни кўтариб, Унинг ортидан эргашишимизни истайди.

Исо бизга ўз хочимизни олишимизни айтганида, нимани назарда тутди? Гап бўйиндаги тақинчоқ ҳақида эмас. Бу биз — У учун тирик қурбонлик эканимизни ҳар куни юрагимизда жо қилишимизни англатади. Аммо хочни кўтариб юриш бу билан тугамайди. Бу шунингдек, хоч ушбу умидсиз, ўлаётган дунёда ҳар биримиз учун амалга оширган нарсанинг кучини ва ваъдасини олиб юришни ҳам билдиради. Хоч ҳамма нарсани ўзгартиради.

Эски Аҳд даврида руҳонийлар ҳар куни Раббийга қурбонликлар келтиришган. “Сўнгра Сулаймон даҳлизнинг олдида қурган Раббийнинг қурбонгоҳида Раббийга тамоман ёндириш қурбонлиги

келтира бошлади, токи Мусонинг қонуни бўйича ҳар куннинг низоми бўйича... тамоман ёндириш қурбонликлари келтирсин” (2-Йилнома 8:12, 13). Ўз хочини олиш – ҳар куни шундай қурбонлик келтиришни англатади. Бу кўрсатма Мусонинг қонунлари томонидан эмас, балки ҳаёт Раббийсининг Ўзи томонидан берилган.

Кимдир бизга хочни кўтариб юришимиз керак эмас, чунки Исо охирги қурбонлик бўлган, иш тугатилган, деб эътироз билдириши мумкин. Аммо биз хочни кўтариб юришимиз – бу гуноҳ учун келтирилган қурбонлик эмас. Биз келтиришимиз мумкин бўлган ҳеч қандай қурбонлик, бизга қарши гувоҳлик берадиган қонуннинг талабларини қондиришга қодир эмас. Фақатгина Исо бизнинг гуноҳларимиз учун ўлимни қабул қилиб, буни амалга ошира олди. Бизнинг ҳаётимиз ҳам Унинг ҳаётида яширин бўлиши керак бўлгандек, энди Унинг ҳаёти Худода яшириндир.

Биз қон тўкишимиз шарт эмас, чунки У Ўзиникини тўқди. Аммо тирик қурбонлик бўлиш – гуноҳ учун ўлик ва Худо учун тирик бўлиб, У яшагандек яшашни англатади! Биз ўзимизни, тана ва жонимизни ҳақлик қуроли сифатида Худога тақдим этамиз.

Раҳм-шафқат бизни қонунга эмас, балки иноятга бўйсундиради ва биз бу илтифотли инъомга жавобан, Масиҳнинг хочдаги намунасига эргашамиз. Ҳар куни биз тана ва бузуқлик олдида эмас, Худо ва ҳақлик олдида бош эгамиз. Биз шахсий танловимизга кўра Унга ўз ҳаётимизни бағишлаймиз ва танамизни топширамыз. Биз имон билан Унинг юрагига яқинлашганимизда, ўз хочимизни қабул қиламыз.

Исо, мен учун хочга борганинг учун Сендан
миннатдорман. Менга ўз хочини кўтариб юриш
ҳамда Сенга итоаткорликда ва миннатдорчиликда
яшаш нимани англатишини очиб бергин.

Мен кўчман

ЧУНКИ ХУДОГА ЎЗИМИ ТИРИК ҚУРБОНЛИК
СИФАТИДА БАҒИШЛАБ, ҲАР КУНИ ЎЗ
ХОЧИМИ КЎТАРИБ ЮРАМАН.

ХУДОНИНГ СЎЗИ

“Шундай қилиб, Менинг бу сўзларимни ўз юрагингизга ва жонингизга жойлаштиринг, уларни белги каби қўлингизга боғланг ва улар кўзларингиз устида пешанабоғ бўлсин... Буларни уйингизнинг ёндорларига ва дарвозаларингизга ёзинглар, токи Раббий сизларнинг оталарингизга беришга қасам ичган ерда, осмон ер устидан қанча кўп вақт турадиган бўлса, сизларнинг кунларингиз ва болаларингизнинг кунлари ҳам шу қадар кўп бўлсин”.

ҚОНУННИНГ ТАКРОРЛАНИШИ 11:18, 20, 21

Худо Исроил фарзандларини, Унинг Сўзини уйидаги эшик ёндорларига ва юракларига ёзишга чақирган. Бу албатта, Ёзув устидан фикр юритиш ва оятларни ёд олишни назарда тутса-да, мен бу буйруқда чуқурроқ маънони – ижодкорликка таклифни кўрмоқдаман. Худонинг халқи ҳам буни шундай тушунганига шубҳам йўқ. Иброний эркаклар филактерия деб номланган кичик қутичаларни ясаб, уларнинг ичига Худонинг сўзи ёзилган митти ўрама қоғозларни солишган ва пешонасига боғлаб, қонунга бўйсунтириш зарурлигини ўзларига эслатиб туришган. Мезуза эса, сўзма-сўз “эшик ёндори” деган маънони англатиб, бу уй эшигининг тепасига осиб қўядиган ёзувли бежирим қутичадир. Унинг ичига қуйидаги сўзлар ёзилган ўрама қоғоз солинади: “Эшит, эй, Исроил! Бизнинг Раббий Худойимиз — ягона Раббийдир! Раббий Худойингни бутун қалбинг билан, бутун жонинг ва бутун кучинг билан севгин” (Қонуннинг такрорланиши 6:4, 5). Нақадар ажойиб эслатма! Нима учун биз ҳам худди шундай қилмаслигимиз керак?

Ўғилларим баъзида фикр юритаётган Ёзув парчаларидан

ойнага ёпиштириб қўйишади. Эрим машина бошқараётганида компакт дискда Муққаддас Ёзувни тинглайди, спорт залдаги машғулот вақтида эса воизлик эшитади. Интернетда подкастлар, улўғлов, сажда мусиқалари ва воизликлар бор. Аслида, Худонинг Сўзини кундалик ҳаётингизнинг бир қисмига айлантириш жуда осон.

Менинг набираларим оятларни ўз юракларига ёзиш учун уларни ёд олишади. Айрим одамлар Муқаддас Китоб оятларини татиуровка қилиб ёзишади. Агар сиз Муқаддас Ёзувни бутун оилангиз билан ёдлаётган бўлсангиз, парчаларни уйнинг турли жойларига қўйинг ва уларни амалиётда қандай қўллаш мумкинлигини муҳокама қилинг. Ўз шахсий мулоҳазаларингиз учун кундаликдан фойдаланинг – у ёки бу оят сизнинг кундалик ҳаётингизга, муносабатларингизга ва руҳий ўсишингизга қандай таъсир қилишини ёзинг.

Бундай амалий қадамлар бизга Худонинг Сўзи ҳар қандай жойда, ҳар қандай вазиятда, ҳаётингизнинг ҳар бир чорраҳасида борлиги ва қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатиб туради. Миянгида жаранглаб турган Худонинг сўзлари юрагингизда мустаҳкам ўрнашмагунча, ёзинг, нашр этинг, ёд олинг ва такрорланг.

Раббий, Сенинг Сўзингни қай тарзда кундалик
ҳаётимнинг матосига ижодий, чуқур, севги
билан қўшиб тўқишни менга кўрсатгин.

Мен кўзлиман

ЧУНКИ ХУДОНИНГ СЎЗИ ДОИМО МЕНИНГ
КЎЗЛАРИМ ҚАРШИСИДА ВА ЎЙ-ФИКРЛАРИМДАДИР.

БАРҚАРОРЛИК

“Биродарлар, сизлар турли хил синовларга дуч келганингизда, буни буюк қувонч деб ҳисобланг. Шуни билингларки, имонингизнинг синалиши барқарорликни ҳосил қилади”.

ЁҚУБ 1:2, 3, ЯРТ

Ростданми? Оғир дамлар — бу қувониш учун сабабми? Бизнинг кучга бўлган муносабатимиз жамиятда қабул қилинган муносабатга зид эканининг яна бир мисоли. Ростдан ҳам, кўплаб синовларга юзма-юз келганда, “буюк қувонч” ҳақида гапириш у ёқда турсин, шунчаки қувониш ҳам одамларга хос эмас? Бироқ, Исонинг биродари Ёқуб бизни айнан шунга даъват этмоқда. Гап шундаки, барқарорликни осон пайтларда эмас, синовлар даврида ўрганамиз. Мана, бу сўзнинг бир нечта синонимлари: мақсадга интилганлик, қатъийлик, фидокорлик, журъатлилик, матонат ва саботлилик. Агар бизни заифлаштиришга интилаётган дунёда кучли бўлиб қолишни истасак, унда истисносиз, бу сифатларнинг барчаси зарур бўлади. Бошқа бир талқинда барқарорлик “илоҳий иноят” деб аталади.

“Барқарорлик эса сизда шу қадар ўсиши керакки, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз етук ва комил бўлинг” (Ёқуб 1:4, ЯРТ). Ушбу комиллик ва етуклик ваъдаси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, сиз Ёқуб “буюк қувонч”ни ўринли муносабат деб ҳисоблаганини тушунишингиз мумкин. Айнан синовлар вақтида биз нимага таянишимиз ва қаердан куч олишимиз аниқ бўлади. Ҳаётнинг айнан қурғоқ мавсумларида қалбимизнинг қудуғи қанчалик чуқур эканини тушунамиз. Мўл-мўлчилик даврлари,

биз нимага лойиқ эканимизни камдан-кам ҳолларда кўрсатади. Одатда машаққатлар ва етишмовчиликлар руҳий кучни тарбиялашда бизнинг устозларимизга айланади.

Келинг, Масихнинг биринчи издошлари қандай синовларга дуч келганини тушуниш учун ҳаворий Павлуснинг сўзларига мурожаат қиламиз:

“Уч марта мени калтаклашган, бир марта тошбўрон қилишган, уч марта мен кемада ҳалокатга учрадим, тун ва кун денгиз тубида бўлдим. Кўп марта саёҳатларга чиқдим. Дарёларда хавфда бўлдим, қароқчилардан ҳам хавфда, ўз қабиладоларимдан ҳам хавфда, мажусийлардан ҳам хавфда, шаҳарда хавфда, саҳрода хавфда, денгизда хавфда, сохта биродарлар орасида хавфда бўлдим”. 2-Коринфликларга 11:25, 26

Бу фақат иккитагина оятда ёзилган бўлиб, унда Павлус бошидан кечирган бахтсизликларини таърифлайди. Мен бу сатрларни ўқиганимда, заифлигимдан ўзим бироз ҳижолат тортаман. Бизнинг замонамизда муаммоларнинг одатий рўйхати ўзгача кўринади: ижтимоий тармоқларда обуначилар кам; дўстлар учрашувга таклиф қилишмади; ишимни қадрлашмади; кўринишим менга ёқмайди; вазним ортиқча. Эҳтимол, илк жамоат ўтган синовлар нуқтаи назаридан, биз ички кучимизни ривожлантиришимиз керакдир.

Самовий Ота, мен синовларни буюк қувонч деб аташимнинг сабаби, улар завқ келтиргани учун эмас, балки Сен улар орқали менда ўстирадиган ўша барқарорлик учун Сендан миннатдорлигимдир.

Мен кучлиман

ЧУНКИ СИНОВЛАР МЕНИ ИЧКАРИДАН
ЧИНИҚТИРАЁТГАНИНИ БИЛАМАН.

ШЕРЛАРНИНГ УЙҒОНИШИ

Уйғон ва ўз дунёнгни ўзгартир



«Шерларнинг уйғониши» китобида Лиза Бивер, шернинг тасвири ва ҳаёти, қатъиятли, шу билан бирга мулойим аёлнинг тасвирини тақдим этади. Бу ажойиб жонзот ҳақидаги қутилмаган маълумотлар билан, Лиза аёлларни мақсад, интилиш ва жасоратни қўлга кириштишга чорлаган.

Бу мактуб орқали сиз қуйидаги имкониятларни билиб оласиз:

- Куч ва қудратнинг лол қолдирадиган намунаси бўлиш
- Етукликка етмаганларни жон-жаҳд билан ҳимоя қилиш
- Овозсизларнинг овози бўлиш
- Ёруғликда яшаб, қоронғуликда ов қилиш
- Атрофдаги ҳамма нарсани ўзгартирадиган умумий ўкиришни кўтариш

Ёввойи табиатдан олинган ажойиб ўхшашликлар ва Муқаддас Китобдан шер ҳақидаги теран матнлар билан тўла “Шерларнинг уйғониши” китоби – аёлларни бирлашиб, Ерда абадийга кучни қўлга киритишга чорлайди.

ҚИЛИЧ TUTГАН ҚИЗЛАР

Ўз хочингни қаҳрамонларча олиб юриш



Худонинг сўзи – бу аксарият ҳолларда фойдаланишдан кўра, ўрганиш учун қулай бўлган қиличдир. Қизларга қилич бериш ва улар қай тарзда самони ерга тортишини кузатиш вақти келди. Аёллар бутун дунё бўйлаб, хурофот, жинсий қуллик, ҳақорат ва ҳатто, ирсият учун нишон ҳисобланадилар. Лиза Бивер, бундай ҳужумлар, аёлларнинг ўтмишда ким бўлиб келаётганидан кўра, келажакда ким бўлиши ҳақида кўпроқ гапириши ҳақида ёзади. У “Қилич тутган қизлар” китобида, руҳий душман уларни ҳар қадамда қуролсизлантириш имконини қидираётганини тушунтиради. Аёллар қаҳрамонга айланиши, Худо уларни қандай яратган бўлса, шундай бўлиши ва туриши учун – мард, доно, фарқлашга қобилиятли ва кечиримли бўлиш вақти келди. Ўз қиличини кўтариб, қаҳрамон бўлиш вақти келди.

РАҚОБАТДАН ТАШҚАРИДА



Биз бошқа одамларга рақобатчилар сифатида қарашимизнинг, қолаверса ўзимизни таққослаш ва рақобат билан чеклашимизнинг сабаби бор. Биз ўзимизга ва бир-биримизга қарши чиқишимизга умид қилиб, онгимизга, иродамизга ва ҳиссиётларимизга ҳужум қиладиган душманимиз бор. У бизни яқин алоқалардан маҳрум қиладиган, ўзимизга хослигимиз ҳақида чалкашликларни келтириб чиқарадиган ва бизни даъват қилинган вазифамизда чекловлар қўядиган иложсизликка олиб келади.

“Рақобатдан ташқарида” китобининг машҳур муаллифи Лиза Бивер, Худонинг севгиси бу кишанларни қандай бузиш ҳақидаги очиқлик билан ўртоқлашади. Сиз одамларни рақобатчи сифатида кўришни тўхтатишни ва Яратувчи билан сиз орзу қиладиган чуқур муносабатларни, ҳақиқий ўзига хослик ва яқинлик ҳақидаги ваъдага эга муносабатларни кўришни ўрганасиз. Башоратли доноликка тўла бўлган, бизнинг давримиз учун долзарб ҳисобланган бу соғлом Муқаддас Китоб таълимотида, Лиза ҳазил ва иштиёқ билан сизни даъват қилади.

– Рақобатдан воз кечиш ва ўзингиздаги энг яхши жиҳатларни аниқлаш – Ўзингиз қатнашинингиз керак бўлган суҳбатлардан яширинишни тўхтатиш – Аёллар фойдасиз, содда ва мулоҳазасиз, деган фикрни рад этиш – Ўз ҳаётида жинсий рақобатни қуролсизлантириш ва эркалар билан бирга меҳнат қилиш.

Рақобатдан ташқаридаги ҳаётга қадам ташлаш вақти келди.


MessengerX.com



да топиш мумкин

X MessengerX

Ҳамма учун, ҳамма ерда шогирдлик йўли





- Дунёнинг 130 дан ортиқ тилларида бепул
- Илова ва онлайн орқали олиш мумкин
- Сизнинг ўсишингиз учун яратилган манбалар
- Ўз тарихингиз ва шогирдлик йўлингизни кузатиб бординг



Барча қурилмаларингизда кўриш, ўқиш ва эшитиш учун шогирдлик бўйича материаллар билан бирга «Мессенжер» кутубхонасини, шунингдек, электрон китоблар, аудиокитоблар, қисқа метражли китоблар, видеодарслар, Муқаддас китоб ва ҳоказо манбаларни олинг.

MessengerX.com



Дунё бўйлаб App Store ва Google Play иловаларида олиш мумкин.

КУЧЛИ БЎЛИШ – БУ ТАБИЙ ҲОЛ! Худо сизга ҳаётингизнинг ҳар бир соҳаси учун куч берди. Бизнинг замонавий маданиятнинг шарт-шароитидаги вазифамиз – Худо бизни даъват этганидек, шунчаки кучли аёллар бўлиш эмас. Унинг Сўзининг ҳақиқатида ҳам кучли бўлиш зарур, бу эса муросаларга бормай, ҳақликка интилишни англатади.

Куч – бу даъват ва буйруқдир. Аммо биз кучни қаердан олишимиз, уни қай тарзда намоён қилишимиздан кам аҳамиятга эга эмас. Маданият куч бизнинг ичимизда вужудга келишини таъкидлайди, аслида куч Худодан келади.

New York Times фикрига кўра бозоргир китобларнинг муаллифи, Лиза Бивер “Кучли” номли китобида, аксарият ҳолларда ҳамма нарсани тескари қилиб кўрсатадиган дунёда, кучли бўлиш маъносининг янгича назарини таклиф этади. Тўқсонга қисқа суҳбатларда, Лиза Бивер ички барқарорлик, куч ва нозикликни мужассамлаштириш қобилияти, муносабатлар шифоланиши, мамнунлик, афсусланишдан халос бўлиш, тинчликнинг кучи ва бошқа кўп мавзуларга тўхталиб ўтади. Бу китоб сизга кучда юксалишга, имонда мустаҳкамланишга, Худо билан, одамлар ва ўзимиз билан уйғунликда яшаш қувончини ҳис қилишга ёрдам беради.

Лиза Бивер, ўзининг самимий ва иштиёқли, нозик ҳазиллар билан йўғрилган таниқли услубида, Муқаддас Китоб ҳақиқатларини кундалик ҳаётдан олинган мисоллар билан тасвирлайди. Унинг китоблари, шу жумладан, “Аёл каби жанг қил”, “Шерларнинг ўйғониши” ва “Қилич тутган қизлар” номли китоблари, 80 дан ортиқ тилларга таржима қилинган ва бутун дунё бўйлаб миллионлаб китобхонларни руҳлантирмоқда. Лиза ва унинг турмуш ўртоғи Жон – бозоргир китобларнинг муаллифлари ва Messenger International ташкилотининг асосчиларидир.



MessengerX.com сайтида
кўпроқ билиб олинг.



Ушбу китоб – муаллифнинг совғаси.
Сотиш таъқиқланади.

Қўпроқни ишга солишми?
Санавергани.

